



Иноятулла  
СУВОНҚУЛОВ

**ЭЗГУЛИККА  
БАХШИДА  
УМР**

# ЭЗГУЛИККА БАХШИДА УМР

Профессор Иноятулла Сувонкулов  
ибратли ҳаёти ва илмий-педагогик  
фаолияти ҳақида лавҳалар, ҳикоялар  
ва хотиралар



8822

ILSHER NAVOIY NOMIDAGI  
TOSKENT  
479  
AXBOROT-RESURS MARKAZI

Тошкент

“Bilim va intellektual salohiyat”

2019

**УЎК 80(575.1) (092)**

**КБК 80г(5Ў)**

**Э 29**

Эзгуликка бахшида умр [Матн] – Тошкент: Bilim va intellektual salohiyat – нашриёти, 2019 йил, 172 бет.

**КБК 84(5Ў)7**

**Тузувчилар:**

**Фармон Тошев,**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

**Сувонқулова Матлуба Иноятулла қизи**

Филология фанлари доктори, профессор Иноятулла Сувонқулов таваллудининг 85 йиллигига бағишлаб нашр этилаётган ушбу китобга олимнинг ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослиги тараққиётига қўшган муносиб ҳиссаси ҳақидаги таҳлилий маълумотларвазамондошларинингукишиниёдгаолган хотиралари киритилган. Иноятулла Сувонқуловнинг илмий-педагогик ва жамоатчилик фаолиятини ёритишда олимнинг шахсий архивида сақланаётган у ҳақда ёзилган китобларидан, асарларига ёзилган тақризларда билдирилган фикрлардан, шунингдек, яқин дўстлари, шогирдларининг хотираларидан фойдаланилди.

Мазкур китоб кенг китобхонлар оммасига ва илмий-адабий жамоатчиликка мўлжалланган.

**ISBN 978-9943-5321-3-7**

## КИРИШ

### Оллоҳ инояти ва карамига сазовор улуғ инсон ҳақидаги китоб (Кириш сўз ўрнида)

“Эзгуликка бахшида умр” деб номланган китоб кўлёмасини фахрий ношир сифатида ўқиб чиқар эканман, унинг мазмунидан ғоят роҳатландим, завқландим, дунёқарашим ҳам анча бойиди. Китоб қахрамонига бўлган муҳаббатим, эътиқодим, ҳурматим кучайди. Ахир мен уни талабалик йилларидан танийман. Қадрдон, самимий дўст бўлганмиз. СамДУнинг филология факультетини тугатиб, мен Тошкентда, у Самарқандда меҳнат фаолиятини давом эттирган бўлсак ҳам, дўстлик ришталари узилмаган, имкон туғилди дегунча учрашиб турганмиз. Бироқ дўстим ҳақида ҳикоя қилувчи бу китобни ўқиб, дўстимнинг илм, маърифат ва маънавият равнақи йўлидаги фидойи саъй-ҳаракатлари, қатъий изланишлари, жонкуярлиги, жасорати, яхши амаллари туфайли катта ютуқларга, халқ ҳурмати ва эъзозига эришганини кашф этдим. Зотан унинг доим содда ҳаёт кечирганини, дабдабалардан узоқ юрганини, фақат самарали, фойдали юмушлар билан банд бўлганини, ҳаётга ўз ҳолича боққанини, воқеликка уйғун яшаганини, хулқ-атвори мулойим, тўғрисўз, кўнгли очиқ инсон, синчков олим бўлганини яхши биламан.

Мазкур китоб ана шу олийжаноб инсон — филология фанлари доктори, профессор Иноятулла Сувонқуловнинг ҳаёти ва илмий-педагогик фаолиятини, ибратли умр йўлини, адабиётшунослик фани





равнақиға кўшган ҳиссасини, Самарқанд ва Жиззах вилоятларида муқаддас қадамжолар тарихини тадқиқ этиш, тарғиб қилиш саъй-ҳаракатларини ёритишга бағишланган. Китоб “Зарафшон” ва “Самарқандский вестник” газеталари бирлашган таҳририяти бош муҳаррири, таниқли журналист ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши депутати Фармон Тошев томонидан нашрга тайёрланган.

Мазкур китоб тўрт фаслга бўлиб тузилган. Биринчи фасл. “Олим ҳақида расмий маълумотлар” деб номланиб, унда Иноятулла Сувонкулов шахсияти, илмий-педагогик фаолияти ҳақида расмий, хужжатий маълумотлар баён этилган.

Иккинчи фасл. “Иноятулла Сувонкулов ҳақида замондошларининг сўзлари” деб номланиб, унда олим амалга оширган солиҳ ва савобли амаллар ҳикоя қилинган, бетакрор тадқиқотлари юзасидан ҳолис фикр-мулоҳазалар билдирилган, уларнинг илмий-назарий ва амалий қиммати самимий эътироф этилган. Ўз фикрини билдирган муаллифлар орасида таниқли мутахассис олимлар, фан арбоблари, академиклар, профессор-доцентлар, журналист ва педагоглар бор. Масалан, Воҳид Абдуллаев, Тўра Мирзаев, Нажмиддин Комилов, Абдуқодир Ҳайитметов, Иброҳим Ҳаққулов, Абдурашид Абдуғофуров, Махбуба Қодирова, Раҳим Воҳидов, Шўхрат Сирожиддинов, Нормурод Нарзуллаев, Дамин Тўраев, Усмонхон Олимов, Аҳмаджон Мелибоев, Бахтиёр Омон каби улуғ зотлар шулар жумласидандир. Бир неча машҳур шоирларнинг олимга бағишланган самимий шеърлари ҳам шу фаслда баён этилган. Бу фаслда ёритилган маълумотлар Иноятулла Сувонкуловнинг ҳаётлик чоғида эълон қилинган бўлиб, олим уларни ўқиган, ўринли мақтовларни ўзига хос камтарлик

билан қабул қилган, илми ва ижодини янада ошириб, такомиллаштириб бориш йўлида бир рағбат деб англаган.

Учинчи фасл. “Хотираси дилларда ва тилларда” деб аталган бўлиб, унда ҳамкасблари, ҳамюртлари ва шогирдларининг олим ҳақидаги самимий хотиралари баён этилган. Олимга хос камсукумлик, имони бутунлик, ҳалоллик, бағри кенглик, саховатлилик, хайрихоҳлик сифатлари ҳаётий лавҳаларда очиб берилган.

Тўртинчи фасл. “Иноятулла Сувонкуловнинг нашр этилган асарлари библиографияси” деб номланган. Бу бўлимда олимнинг ҳаёти давомида нашр этилган асарларининг йил саналарига ажратилган тўлиқ рўйхати берилган. Шунингдек, олимнинг илмий конференция ва симпозиумларда қилган маърузалари рўйхати ҳамда республикамиз илм аҳлининг олимнинг илмий асарларига ёзган тақризлари рўйхати ҳам шу фаслда кўрсатилган.

Шуни алоҳида таъкидлашим керакки, китобда тўпланган мақолаларнинг ҳар бирида олим фаолиятининг янги бир қирраси, фазилати, илмий ва амалий кашфиётлари ҳикоя қилинади. Чунки олим кун тартибига қўйган илмий муаммоларнинг деярли барчаси янгилик, кашфиёт, янгича талқин, замон талабларига мос таҳлилий мулоҳазалар билан йўғирилган. Илгари хато ёки чалкаш талқин этилган илмий ҳодиса ва тарихий шахсларнинг номларига олим илмий асосда тўғри таъриф берган. Чунончи, муқаддас қадамжолар, халқ оғзаки ижоди, миллий кадриятлар, анъаналар ва бадиий адабиётни янгича ўрганиб, изоҳлаш борасида ўзича бир ҳассослик, оташин ватанпарварлик, куюнчаклик кўрсатган.

Олим ғоят кенг камровли ижодкор бўлган. Масалан, у Самарқанд вилоятидаги географик объектлар номларини тартибга солишда ҳам фаол иштирок этган. Кўчаларни номлашда тарихийлик, илмийлик мезонларига қатъий риоя этган. У вилоят топонимик комиссияси таркибида минглаб жой номларини ўзгартиришда ўзининг илмий мулоҳазалари билан иштирок этиб, бетакрор маънавий жасорат ва фидойилик кўрсатган.

Мазкур китоб ҳақидаги фикрларимни яқунлар эканман, истеъдодли, кўпқиррали, дунёқараши кенг донишманд Иноятулла Сувонқуловнинг ибратли умри, яхши фазилатлари унинг қуйидаги фалсафий қоидага амал қилиб яшаганлигидан далолат беради. Бу фалсафа араб олими доктор Оиз Қарний қаламига мансуб: “Тўғри сўзлик – хотиржамлик, ёлғон–шубҳа, ҳаё–муҳофаза, илм–хужжат, чиройли нутқ–ғўзаллик, сукут–ҳикмат” (“Ўқинма”, 2-китоб, Т., Ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2015, 240-бет.)

Китоб “Олимнинг ўғитларидан” деб номланган бир кичик мақола билан яқунланган. Унда донишманд ва закий олим Иноятулла Сувонқулов адабиётшунослик илмида, ислом оламида ечимини кутиб ётган баъзи муаммоларни эслатади ва шу масалада ўзининг шахсий фикри ва хулосаларини билдиради.

Хуллас, бу китобни ўқиб чиққан ёшу кекса ундан кўп ҳаётий сабоқ, маънавий озуқа олишига, китоб қахрамонидаги фазилатлар соҳиби бўлиш туйғусини ўзига юқтиришига ишончим комил.

**Наримон ҲОТАМОВ,**

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
маданият ходими*

# БИРИНЧИ ФАСЛ



**ОЛИМ ҲАҚИДА РАСМИЙ  
МАЪЛУМОТЛАР:  
ИНОЯТУЛЛА СУВОНҚУЛОВ  
ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК  
ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ  
САНАЛАРИ:**

Иноятулла Сувонқулов 1934 йил 15 июлда Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида туғилди.

1957 – Самарқанд давлат университетини тугатди.

1957–1963 й. – Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани 4-мактаб ўқитувчиси.

1963–1968 й. – Самарқанд давлат университети фалсафа кафедраси илмий тадқиқодчиси.

1968–1986 й. – Самарқанд давлат педагогика институти ўзбек адабиёти кафедраси ўқитувчиси.

1970 йилда Самарқанд давлат университети қошидаги ихтисослашган кенгашда “XIX асрнинг охири XX аср бошларида Жиззах воҳаси шоирларининг поэтик мероси” (Аламқаш, Муаззамхон, Махмур Коризий ва бош.) мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1986–1989 й. – Самарқанд давлат педагогика институти ўзбек адабиёти кафедраси мудири.

1990–1995 й. – Самарқанд тиббиёт институти тил ва адабиёт кафедраси мудири.

1995–1997 й. – Самарқанд давлат чет тиллар институти жаҳон адабиёти кафедраси доценти.

1997 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси Ўзбек тили ва адабиёти институтидаги ихтисослашган кенгашда “Сўфи Оллоҳёр ва унинг адабий анъаналари”

мавзусида 10.01.03 – Миллий адабиёт тарихи (ўзбек адабиёти) ихтисослиги бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1998–2011 й. – Самарқанд давлат чет тиллар институти маънавият ва тарих кафедраси мудири.

1999 йилда “Шухрат” медали билан тақдирланди.

2000 йилда “Устоз” фахрий унвонига сазовор бўлди.

2001 йилда “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги” эсдалик нишони билан тақдирланди.

2006 йилда “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги” эсдалик нишони билан тақдирланди.

2011 йилда “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги” эсдалик нишони билан тақдирланди.

2011–2012 й. – Самарқанд давлат чет тиллар институти факультетлараро “Маънавият ва тарих” кафедраси профессори.

Иноятулла Сувонқулов 2012 йилда вафот этди.



# ИНОЯТУЛЛА СУВОНҚУЛОВНИНГ ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ВА ЖАМОАТЧИЛИК ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА МУХТАСАРА АХБОРОТ

Филология фанлари доктори, профессор Иноятулла Сувонқулов ҳаёт бўлганларида 2019 йилда 85 ёшга тўлган бўлар эди.

Иноятулла Сувонқулов 1934 йил 15 июлда Самарқанд (ҳозирги Жиззах) вилоятининг Ғаллаорол туманида туғилган. 1957 йилда Ўзбекистон (ҳозирги Самарқанд) давлат университетининг филология факультетини битирган. 1957–1963 йилларда Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги 4-умумтаълим мактабида ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1963–1968 йилларда Самарқанд давлат университети фалсафа кафедраси илмий тадқиқодчиси, 1968–1986 йилларда Самарқанд давлат педагогика институти ўзбек адабиёти кафедраси ўқитувчиси бўлган. Олимдаги илмга чанқоқлик, раҳбарлик салоҳияти институт раҳбарияти эътиборига тушиб, у 1986 йилда Самарқанд давлат педагогика институти ўзбек адабиёти кафедраси мудири лавозимига тайинланди. 1990–1995 йилларда Самарқанд тиббиёт институти тил ва адабиёт кафедраси мудири, 1995–1997 йилларда эса Самарқанд давлат чет тиллар институти жаҳон адабиёти кафедраси доценти сифатида фаолият кўрсатди. Олим 1998 йилдан умрининг охиригача Самарқанд давлат чет тиллар институти маънавият ва

тарих кафедраси мудири, кафедра профессори бўлиб ишлади. “Сўфи Оллоҳёр ва унинг адабий анъаналари” мавзuida докторлик диссертациясини ёқлади.

Олим фаолияти давомида филология илмининг долзарб масалаларига бағишланган ўнлаб асарлар яратди. У “Сангзор садолари” (1979), “Асрлар нидоси” (1982), “Жиззах илҳомлари” (1984), “Тафаккур шуълалари” (1985), “Алломалар олами” (1991), “Тиббий одобнома” (1993), “Ғаллаорол оҳанглари” (1994), “Саъдулла Хитойи” (1995), “Сўфи Оллоҳёр” (1996), “Ғаллаоролнома” (1996), “Ўз уйим – ўз кўрғоним” (1997), “Ғаллаорол беклари шажараси” (1997), “Самарқанд қадамжолари” (1998), “Тиббий ходим маънавияти” (1999), “Самарқанд кўчаларининг янги номлари” (2000), “Қалб гавҳари” (2006), “Тарихимизнинг ўчмас саҳифалари” (2010) китобларининг муаллифи.

И.Сувонқулов ҳаёти давомида бир қатор фан номзодларини тайёрлади, диссертация ишларига расмий оппонентлик, институт қошида нашр қилинган тўпламларга масъул муҳаррирлик қилди ва 40 дан зиёд китоблар ёзди. Бу хизматлари билан Самарқанд адабий муҳитида ўз мактабини шакллантира олди.

Устознинг хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. У “Шухрат” медали (1999 йил), “Устоз” фахрий унвони (2000 йил), “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллиги” эсдалик нишони (2001 йил), “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллиги” эсдалик нишони (2006



йил), “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллиги” эсдалик нишони (2011 йил) соҳиби бўлди.

Иноятулла Сувонқулов 2012 йилда вафот этди. Ҳозирда олимнинг ишлари шогирдлари томонидан давом эттирилмоқда.



## ИККИНЧИ ФАСЛ



# ИНОЯТУЛЛА СУВОНҚУЛОВ ҲАҚИДА ЗАМОНДОШЛАРИНИНГ ДИЛ СЎЗЛАРИ

## НАВОИЙГА ИЗДОШЛИК

Навоий мухлислари фақат азим шаҳар Самарқанддагина эмас, балки унга сиёсий-маъмурий жиҳатдан боғлиқ бўлган атроф вилоятларда, хусусан, Жиззах, Ғаллаорол, Зомин, Жомбой, Ургут, Оқдарё, Каттақўрғон, Зиёвуддин мавзеи адабий доираларида ҳам кўп эди...

Жиззах ва Ғаллаорол мавзеида XIX асрда ижод аҳлидан Аламқаш, Махмур Коризий, Муаззамхон... каби шоирлар етишган ва ҳар қайсиси ўзига хос овозда ижод этган, хилма-хил асарлар ёзган.

Кекса навоийшуносларга избосарлик қилиб, кўпдан-кўп ёшлар, жумладан, самарқандлик Ботирхон Валихўжаев, Шавкат Шукуров, Раҳмонқул Орзибеков, Исомиддин Салоҳиддинов, Солижон Ҳалимов, Қобилжон Тоҳиров, Иноятулла Сувонқуловлар ҳам чиқишлар қилдилар.

Иноятулла Сувонқулов Ғаллаорол, Зомин, Жиззах воҳаси бўйлаб Убайдулла Аламқаш, Махмур Коризий, Муаззамхонларнинг қаламкашликда, айниқса, ғазалнависликда Навоийга издошликлари яққол кўзга ташланиб турганлигини аниқлади, илмий таҳлил берди.

Навоий:

Эй навбаҳори оразинг мубҳига жонпарвар ҳаво,  
Андин гулу булбул топиб юз барг била минг наво.

Аламкаш:

Навбаҳори оразинг саҳнида булбул бирла гул,  
Ким топиб юз барги бирла минг турлик наво.

Навоий:

Жароҳатлиг кўнгулга сочилур бир хор ҳар соат.

Муаззамхон:

Тегар ҳар хордин кўнглимга юз озор ҳар соат.

Мисоллар билан Аламкаш, Муаззамхонларнинг  
Навоийга издошликлари ҳақида тафсил ва таҳлил  
берган.

И.Сувонкулов Махмур Коризийнинг:

Навоийдек чаманнинг булбулин кўр,  
Келиб туркий маъни лаззатин сур.

Эътирофлар ёзиб, избосарлик қилганликлари  
ҳақида ҳам тафсил беради.

**Воҳид АБДУЛЛАЕВ,**  
Академик



## ИБРАТЛИ УМР

Профессор Иноятулла Сувонқулов (Иноятулла Субҳонкул) 1934 йил Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги Кориз (Қўриқ) қишлоғида таваллуд топган.

Падари бузруквори Мулла Субҳонкул Қуръонхон зиёли бўлганлар. У кишининг меҳмонхонасида тез-тез илм-маърифат хусусида суҳбатлар, китобхонликлар уюштирилиб турилган. Кориздаги саводхон қишлоқ аҳли Инъомхон Маҳжур, Мулла Вали, Назар Махсум, Мулла Абдулла, Мулла Ҳамид, Мулла Тўра, Мулла Муҳаммад, Мулла Ҳайдар, Мулла Абдуазиз, Мулла Мамаризо, Авлиёхон Эшон бобо ҳамда амакиси Ҳайдар полвонлар суҳбат ва гурунглари қизгин ўтади. Аммо меҳмонхона ўзига хос нуфузи ва салобатга эга бўлгандек туюлсада, унинг очик эшиклари каландару дарвешлар, бева-ю бечоралар учун паноҳ бўлганлиги ҳақида хотиралар сақланган. Айниқса, дуохон тоғаси Жанггирбек, акаси Обидхон эшонлар кўмаги ва раҳнамолигида илмга кўпроқ талпинишга руҳлантиради. Бу эса мазкур меҳмонхонада кечган пурмаъно қироатхонлик, китоблар ҳақида суҳбатлар Иноятулла Сувонқулов домла кўнглида сўзга муҳаббат уйғотган бўлса, эҳтимол... Шунингдек, у бувиси зукко ва доно Бувисора (Бибисора) Худойшукур қизининг эртаклари, пурҳикмат сўзлари таъсирида улғайди.


У Самарқанд давлат университетининг филология факультетини тугатиб, Ғаллаорол туманидаги ўрта мактабларида тил ва адабиёт ҳамда тарих фанларидан дарс беради. Ва туғилган юртида ҳали талабалик даврида бошлаган китоб йиғиш

амалини канда қилмайди, аксинча, жадаллаштиради: отаси гўдаклигида айтган араб ёзуви жодусидан кутула олмайди, аниқроғи, кутулишни хоҳламайди. Ғаллаороллик илмли, саводхон элу юрт улуғ кишилари суҳбатидан баҳраманд бўлди. Улар қўлида ва хонадонида сақланган ноёб китоб сирларини эгаллаб борди. Қилинган меҳнат бесамар кетмайди: кейинчалик тўплаган қўлёзмалар номзодлик ва докторлик диссертациясини ёклашда қўл келади. Энг муҳими, Жиззах воҳасида яшаб, ижод қилиб ўтган Махмур Коризий, Муаззамхон, Убайдулла Аламқаш каби улуғ аждодлар номи тикланиб, мероси халққа қайтарилди. Инъомхон Маҳжур, Шароф Нарзий, Умурзоқ Нарзий, Шермағ Маҳзун, Мирзиёқори Мирабдулла ўғли, Юсуф Чойдиш, Саидхон, Шайдулла Шайдоларнинг нодир қўлёзмалари жамланди...

Шунингдек, ҳали ижоди ўрганилмаган бир қатор ижодкорлар борки, бугун истиқлол зиёси туфайли улар ижодининг ўрганилиши муқаддас вазифа бўлиб қолади. Чунончи, ғаллаороллик Камолиддин Муҳиддин ўғли, домла Элмурод, Ғарибий тахаллусли Нарзуллахон, домла Саидкул, Султонхонтўра, Мискин тахаллусли Мулла Бобохон, Маматкул Маҳсум, Мулла Барака, Ёқубхон Қосимов, Усмонхон Баҳромхон ўғли, Абдуқодир Сангиров (Рожий), Муҳаммади Жангирбек ўғли, Мулла Абдурахмон шулар жумласидандир.

Профессор Иноятулла Сувонқуловнинг шахсий архиви ҳақидаги ривоятнома гапларида жон бордек...

Домла 1964 йилда Қарши давлат университетида ўқитувчи, сўнгра зоти шариф Воҳид Абдулло раҳбарлигида илмий тадқиқотчи сифатида фаолият кўрсатади. Устозлари профессор Орифжон Икромов,



профессор Худойберди Дониёровлар кўмагида илмнинг заҳматли йўлини танлади. 1970 йилда “XIX аср ва XX аср бошларида Жиззах воҳаси шоирларининг поэтик мероси” мавзусидаги номзодлик диссертациясининг муваффақиятли ҳимоясидан сўнг Садриддин Айний номидаги Самарқанд давлат педагогика институтида ўқитувчи, кафедра мудири, декан лавозимларида 22 йил ишлади. 1990–1995 йилларда Самарқанд давлат тиббиёт институтида ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири, 1995 йилдан умрининг охиригача Самарқанд давлат чет тиллар институтида “Маънавият ва тарих” кафедраси мудири сифатида фаолият кўрсатди. Бироқ домла қаерда ва қайси лавозимда ишламасин, ҳеч қачон илмий изланишларини тўхтатган эмас. У киши турли мавзу ва соҳаларда илмий тадқиқотлар олиб бораверади. Баъзан қизиқишлар устунлик қилса, баъзан мавжуд шароит ва муҳит эркин тафаккурни, ижодни чегаралайди. Собиқ мустабид тузумнинг ёмон томонлари энди ҳеч кимга сир эмас... Домланинг ҳаётидаги тўсиқларни атрофлича изоҳлашга ҳожат йўқ.

Кўп йиллик изланиш, заҳмат фақат муборак Мустақиллик даврида ўз самарасини берди. Домла узоқ йиллар халқ оғзаки ижоди ва ўзбек адабиёти тарихи мавзуларида жуда кўп илмий тадқиқотлар олиб борди. Чунки мустақиллик адабиётимизнинг очилмаган қирраларини очишга ўзимизнинг муқаддас меросимизни ўрганишга имконият яратди. Бу ҳаётий заруратдан келиб чиқиб домла бутунлай янги мавзуда, яъни муборак шахс, аллома Сўфи Оллоҳёр ижодига қўл урди. Натижада 1997 йилда "Сўфи Оллоҳёр ва унинг адабий анъаналари" мавзусида докторлик

диссертациясини катта муваффақият билан ҳимоя қилди. Эндиликда номи бутун Республикага таниқли Иноятулла Сувонқуловнинг бу тадқиқотини профессор Нажмиддин Комилов “Янгилик, кашфиёт” деб номласа, фан доктори Иброҳим Ҳаққулов “Ўта истиқболли йўналиш, мавзу” деб таъкидлади...

Улар минг бор ҳақ эканлигини ҳаёт кўрсатади. Олим 1995 йилда “Сўфи Оллоҳёр” номли монографиясини, 2000 йилда “Сўфи Оллоҳёр ҳаёти ва ижоди” мавзусига бағишланган рисоласини ва “Лутф айлаб”, “Сўфи Оллоҳёрнинг таълимий қарашлари”, “Кўзинг ибрат била оч”, “Алломалар олами”, “Самарқанд бахшичилик мактаби”, “Маънавият илдиэлари”, “Маънавият асослари” каби қўлланма ва монографияларини нашрдан чиқарди. Домла раҳбарлигида Сўфи Оллоҳёр ижодини ўрганиш бўйича ижодий мактаб яратиш пойдевори кўринмоқда. Олим раҳбарлигида Н.Саидалиева, М.Бобоева, Х. Эралиевлар номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш арафасида ҳамда З.Саримсоқов, И.Тоғаев, А.Нуралиевлар ҳам илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Ҳазрат Сўфи Оллоҳёрнинг руҳи поклари қўлладими, Иноятулла Сувонқуловнинг ижоди мустақиллик йилларида янада юксалди ва самарали бўлди. Мустақилликнинг 13 йиллиги даврида катта-кичик 20 та асарини чоп этишга муваффақ бўлди, унинг 80 дан ортиқ илмий мақолалари эса республика журналлари ва илмий тўпламларида эълон қилинди. Айни дамда домла асарларининг умумий сони 300 дан ошиб кетди.

Фидойи, жонкуяр инсон, ҳам заҳматкаш олим Иноятулла Сувонқулов фаол жамоатчи эди. Олим 12 йил давомида Самарқанд вилоят ҳокимияти



хузуридаги атамалар ҳайъати раисининг ўринбосари, Самарқанд шаҳар ҳокимияти хузуридаги топонимик объектларга ном қўйиш кенгаши аъзоси бўлиб хизмат қилди. Сўнгги йилларда Самарқанддаги юзлаб кўча ва маҳаллаларнинг тарихий номларини тиклашда улуғ аجدодларимиз номларини абадийлаштиришда олимнинг улкан ҳиссаси бор. Чунки теран тарихимиз йўққа чиқарилган эди. Буюк алломаларимиз атайлаб яшириб келинганди. Домла уларни ахтариб топди ва номларини абадийлаштирди. Тарихимизни, маданий меросимизни акс эттирган тарихий номлар китоб ҳолига келтирилди ва улар "Самарқанд қадамжолари", "Шаҳри дил – Самарқанд", "Самарқанд кўчалари" рисолаларида ўз аксини топди.

Профессор Иноятулла Сувонкуловнинг фаолияти Республикамиз ҳукумати томонидан муносиб баҳолалиб, у 1999 йилда "Шухрат" медали билан тақдирланди. "Устоз" фахрий унвони совриндори бўлди.

Домлага яна бир буюк неъмат ато этилди. У киши турмуш ўртоғи Қаноатхон ая билан 24 кун муборак Ҳаж зиёратини адо этиб келдилар. Иноятулла Сувонкулов 6 нафар фарзанднинг отаси, 7 нафар шириндан-шакар набираларнинг бобоси.

Профессор Иноятулла Сувонкулов куч-ғайрат ва илҳом билан Самарқанд давлат чет тиллар институтининг "Маънавият ва тарих" кафедраси мудири лавозимида фаолият кўрсатиб, сўзнинг сеҳрли ва сирли оғушида талаба-ёшлар, шогирдларига устозлик қилди. Устоз, шогирд ва дўстларининг дил сўзлари Иноятулла Сувонкуловнинг ҳаёт ва ижоди йўлига бағишланган ушбу "Туғёнли қалб" китобида ўз ифодасини топган.

Иноятулла Сувонқулов ўзининг пок нияти, улкан илмий салоҳияти билан нурли истиқболимизга камарбастадир. Олимнинг ижод маҳсули, теран миллий маънавиятимизнинг шаклланишида, тарихимизга холисона баҳо беришда, соғлом муҳит ва миллий мафқурани яратишда муҳим илмий асос бўлиб ҳисобланади.

**Тўра МИРЗАЕВ,**

*Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти директори,  
филология фанлари доктори, профессор,  
Абу Райҳон Беруний номи Давлат  
мукофоти совриндори*



## ЯХШИЛИКНИ ҚАЛБИГА ЖО ҚИЛГАН ИНСОН

Ижод – қалб даъвати, юрак туғёнининг маҳсули. У ҳаётдаги эзгуликларни тараннум этади. Агар ана шу юрак чашмасининг зилол суви миллатнинг меҳрига йўғрилган бўлса, қанчалар бахт-саодатдир. Боз устига кишида илм ва ижод вобаста бўлса, нур устига нур бўлади. Шундай фазилатларга бурканган одамнинг феълида сахийлик, мардлик, фидойилик каби хусусиятлар жам бўлса, ундай одам, шубҳасиз, Оллоҳ таолонинг назари тушган банда бўлади. Раҳматли Иноятулла Сувонкулов (Ҳожи Иноятулла Субҳонқул) домла ана шундай бахт ато қилган зотлардан эдилар.

Иноятулла Сувонкулов Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида яшаб, халқимизга бутун қалбини бахшида этган, элу юрт меҳрини қалбига, сиймосини кўз қорачиғига сингдирган заковатли олимлардан эди. У кишининг ўттизга яқин китоблари ва рисоалари чоп этилган. Шунингдек, матбуотда 250 дан ортиқ илмий ва оммабоп мақолалари эълон қилинган. Унинг асарларининг бир қисми Сангзор воҳаси тарихи, адабий жараёни, фазилатли инсонларига бағишланган. У кишидаги бу ҳол туғилган юртга бўлган меҳрнинг бир парчаси, ибрат намунаси эди.

Иноятулла домла куйидаги байтни доим такрорлаб юрардилар:

*Худовандо нигоҳ дори ту моро;  
Забун гардон забардастони моро.*

Маъноси:

*Эй Оллоҳим Ўзинг бизни ҳифзу  
ҳимоянда сақлагин;*

*Бизга ёмон кўз билан қараганларга  
Ўзинг кифоя қилгин.*

Ҳожи Иноятулла домла улуғ аждодларимиз Махмур Коризий, Муаззамхон, Убайдулла Аламкаш, Нарзулла Нарзий, Инъомхон Маҳжур каби юртдошларимизнинг ноёб қўлёмаларини қидириб топиб тадқиқ этди, уларнинг руҳларини шод қилди. Айниқса, буюк мутафаккир Сўфи Оллоҳёр ижоди бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилиши олимни эл-юрт назарига, олиму уламолар эътиборига туширди. Сўфи Оллоҳёрнинг “Рисолаи Азиза” – “Саботул Ожизийн” шарҳида келган қуйидаги мисраларни олим кўп такрорлар эдилар:

*Самовот уйини тутди муаллақ,  
Жаҳона ҳукмини кўрсатди мутлақ.*

Яъни, Оллоҳ таолонинг осмонни тиргаксиз яратгани халойиққа ибрат учундир. Сизлар ҳам бу ҳолдан ибрат олиб, Ҳақ таолонинг бирлигини билиб олгайсизлар, деган маъноларни англатади.

Раҳматли Иноятулла Сувонқулов билан анча йиллик қадрдонлигимиз бор эди. У киши вилоятимиздаги кенг мушоҳадали, теран фикрли олимлардан ҳисобланарди. Домла ўзининг илми ва ҳаракатчанлиги, элим деб, юртим деб жонкуярлиги билан Самарқанд вилояти нуронийлари, мўйсафидлари орасида муносиб обрў-эътиборга эга бўлганди.

Домланинг ҳаётлик даврида ўтмиш тарихимиз, қадриятларимиз йўлидаги маъруза ва суҳбатларида баён қилган фикрларига кўп бор гувоҳ бўлганман. Суҳбат ва маърузаларидан баҳра олиш учун домлани Пахтачи, Нарпай, Нуробод, Каттақўрғон туман ва шаҳарлари масжид имомлари билан, эртаси куни эса

Кўшработ, Пайариқ, Иштихон туманлари масжидлари имомлари билан ўтказилган семинарларга таклиф этар эдик. У киши жуда ҳам сермазмун чиқишлар қилиб, йиғилганларни мамнун этар эдилар.

Ўша кезларда домлани Имом Бухорий мадрасасига таклиф қилганимизда мадраса ўқитувчиларига ўқув-услубий масалаларда маслаҳат бериб, таълим-тарбия мавзусида самимий фикр алмашдилар. Устоз ва талабаларнинг у кишига эҳтироми юксалиб, сермазмун учрашувлар ҳар доим уларнинг қалбида муҳрланиб қоларди. Айниқса, домла Имом Бухорий мажмуасида бўладиган анжуманларда фаол қатнашардилар. Домланинг бекиёс меҳнатлари, чинакам фидойиликларини ҳисобга олиб у киши муборак Ҳаж сафарига юборилган эди.

Ҳазрат Навоий “Сабъаи сайёр” достонида Сахийнинг образини таърифлар экан:

*Мурувват – барча бермакдур, емак йўқ,*

*Футувват – барча қилмакдур, демак йўқ,* деб  
ёзгай.

Фитратида ана шундай хислатлар бўлган Иноятулла Сувонқулов Самарқанд вилоятидаги зиёратгоҳлардан 80 тасини ўрганиб, улар ҳақидаги маълумотларни “Самарқанд кадамжолари” деган китобларида ёзганлар. Самарқанд шаҳридаги 33 та зиёратгоҳни эса ўзбек, рус, инглиз тилида китоб қилиб нашр қилдирганлар. Домла тариқат пешволари ва тасаввуф вакилларига муҳаббатли эдилар.

Қадрли кўлёмани қидириб топиш, яна унинг устида тунлари уйқудан кечиб, кўз тикиб ўтиришнинг қанчалар машаққат эканини ана шу илмга озгина алоқаси бор кишилар теран англайди. Иноятулла домла ҳар доим ана шундай машаққатли меҳнат устида бўлдилар ва энг муҳими, бу ишларни бажарганини

элга овоза ҳам қилганлари йўқ, шу меҳнатлари  
эвазига бирор мукофотдан умид ҳам қилганлари йўқ.  
Чунки домлани ҳар доим элнинг маърифатли бўлиши,  
аждодлар хотирасининг мангу порлаб туриши  
қизиқтирар эди.

Марҳум профессор Иноятулла Сувонқулов она-  
Ватан ва миллат ғамида ёниб яшаган меҳнатқаш,  
куюнчак инсон ва билимдон олим сифатида доимо  
ёдимизда қолади.

Оллоҳ таоло домланинг хайрли ва савобли  
ишларини ўзларига ҳамроҳ айлаб, охиратларини обод  
қилган бўлсин.

**Усмонхон АЛИМОВ,**

*Ўзбекистон мусулмонлари идораси  
раиси, муфтий.*

*Ислом олами уюшмаси таъсис  
мажлиси аъзоси.*

*Тошкент Ислом университети фахрий  
доктори*



# МАЪНИ УММОНИДАН ДУР ТЕРИБ

## Иноятулла Сувонқулов сийратига чизгилар

Инсон ёруғ дунёга яхшилик қилиш, савоб ишга қўл уриш, ҳаётда из қолдириш, умрининг гулини нурга тўлдириш учун келади. Мен саховатпеша, бағрикенг, меҳридарё инсонлар ҳақида сўз юритганимда Иноятулла домла кўз ўнгимда туради, нигоҳимдан бир зум ҳам йироқлашмайди.

Олимлик олами ҳаммани ҳам ўз бағрига олавермайди. Дарвоқе, аҳли – илм дунёсига қадам босиш Иноятулла домла учун ҳам осон кечмаган...

Бу хусусда мулоҳаза юритар эканман, олимлик дўстимнинг қонида эканлигини, илоҳий илмлар эгаси бўлмиш закий ота-боболари ҳам ўз даврининг зукко, билимдон мулла зотлари бўлганлигида кўп гап борлигини таъкидлаган бўлур эдим. Зеро, унинг муборак исмида – "Оллоҳ" ва "Иноят" каби қутлуғ пурмаъно тушунчалар замирида катта ҳикмат, халқ ва аждодлар тафаккури, орзу нияти, энг эзгу мақсадлари мужассам бўлса не ажаб! Оққан дарё оқаверади: ўз сўлим баҳори ва сокин кузида яна ўзанини топади.

Халқдан чиққан одам халқ бағрида қолади. Дўстим Иноятулла илм қиламан деб қишлоқма-қишлоқ, уйма-уй юриб китоб йиққанидан, қадимги қўлёзмалар тўплаганидан хабардорман. У қўлга киритган халқимиз хазинаси, маънавият дунёси дурдоналари – диний ва дунёвий китобларни кўз қорачиғидай асради, улар илмга янги гап айтишида қўл келди.

У дастлаб ўз заҳмати, машаққати эвазига тафаккур шуълалари йўлини ва дилини ёритиб, Жиззах воҳасида яшаб ижод этган, номлари тарих китобларида унутилаёзган Махмур Коризий, Муаззамхон, Убайдулла Аламкаш каби шоирларни адабиётимизга қайтарди, натижада филология фанлари номзоди бўлди. Бир неча китоблар, тўпламлар чоп этилди.

Муборак истиқлол шарофати билан Иноятулла домланинг жўшқин илҳоми қанот қокди. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкин: филология фанлари доктори, профессор Иноятулла Сувонқуловнинг кўрсатган саъй-ҳаракати, илмий журъати билан бугунги кунда Сўфи Оллоҳёр адабий мактаби, унинг бой меросини ўрганиш маркази бунёдга келди, Сўфи Оллоҳёршунослик атамаси тилимизга кириб келди. Домланинг издошлари, шогирдлари кўпаяётганлиги бундан далолат бериб турибди.

Мен бу сўзларни нафақат домланинг ўта яқин, кадрдон дўсти бўлганлигим учун эмас, балки шу юрт ва халқ фарзанди, маънавиятимиз ихлосманди ва қолаверса, бир ижодкор сифатида айтмоқдаман.

Ҳазрат Сўфи Оллоҳёрнинг руҳи поклари чиндан-да Иноятулла домлани қўллаб-қувватлади. У Мустақиллигимизнинг тўққиз йили мобайнида ўн бешга яқин илмий, илмий-оммабоп, алоҳида нашрдаги асарлар эълон қилди. Ҳар қандай олим, ижодкор ҳавас, орзу қилгудек самаралар...

Мен биродарим Иноятуллани инсон сифатида ҳам хўп ва кўп биламан. У ҳеч қачон бирор идорага иш сўраб борган эмас, аксинча уни иш, хизмат ахтариб юрганлигига гувоҳман. У ҳеч қачон амалга, амалшарастликка берилмади, қаерда бўлмасин, қайси хизматда ишламасин, ўз касбини ардоқлади, меҳнатига суянди, илму урфонга таянди, ҳалолликни, адолатни умрининг мезони деб билди. Домла қайси



илмий даргоҳда бўлмасин – хоҳ у Қарши педагогика институти, хоҳ Самарқанд педагогика, тиббиёт институтлари ёхуд СамДУда бўлмасин – мудом ўз касбига, орзуси бўлмиш илмига, шогирдларига содиқ қолди. Ҳозирда ҳам юртимизнинг энг ёш ва навқирон таълим даргоҳи Самарқанд давлат чет тиллар институти маънавият ва тарих кафедрасининг мудури лавозимида ҳалол меҳнат қилиб, хассос, қайноқ қалб шогирдлари, доно ҳамкасблари, азиз самарқандликлар дуосини олиб келмоқда. Домланинг ҳамон савоб ишлардан боши чиқмайди: юз-юзлаб бобокалонларимиз чироғи кўчаларда ва маҳаллаларда ёқирилишида, муборак Самарқанд қадамжоларининг улуғланишида буни қалбан сезаман...

Дўст ҳақида сўз айтиш баъзан осондек туюлади. Мана, у гўё оддий зот. Аммо кўнглингдан кечган самимий ҳис-туйғулар ўзининг муборак умри, серқирра истеъдодини сарҳисоб қилаётган ва Оллоҳ берган қалами ҳамда иқтидоридан мамнунлик туйғуси жўш урган азиз жигарининг тавсифи учун оздек туюлаверади. Шу сабабли барча таърифу тавсифдан кўра, азиз, меҳрибон, қадрдон дўстим Иноятуллага энг эзгу қалб туйғуларимни, самимий кутловларимни йўлламан. Дўстлигимизга, биродарлигимизга кўз тегмасин. Барча саъй-ҳаракатларига, ҳаётига Парвардигорим мададкор бўлсин.

Сўзим сўнгида қуйидаги байтни келтиришни жуда хоҳлардим:

*Дунё кезиб дунё эмас,  
Дўст орттирдим дунёдан...*

**Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ,**  
*Ўзбекистон халқ шоири. “Зарафшон”  
газетаси, 2000 йил, 23 ноябрь*

И.Сувонкулов кўпдан-кўп манъбаларни кўздан кечириб, Сўфи Оллоҳёр таржимаи ҳолини тиклаш, адабий меросини аниқлашга муваффақ бўлган. Сўфи Оллоҳёрнинг ўзбек адабиёти тарихидаги ўрни ва мавқеини белгилаб берган, у яратган адабий мактаб анъаналарини ҳам текшириб чиққан. Аммо ишнинг илмий қиймати фақат шу билан чегараланмайди. Унинг қамрови кенг. Унда Сўфи Оллоҳёр яшаган давр хусусиятлари, Зарафшон водийсида шаклланган адабий муҳит хусусиятлари ҳам ёритилади, бизни ҳозирча номаълум бўлган қатор олиму шоирларнинг илмий ва адабий мероси билан таништиради. Хуллас, халқимизнинг шеър ва маърифатга ҳамма вақт талабгор бўлгани, катта шаҳарлар эмас, қасаба ва қишлоқларда ҳам истеъдодли адиблар яшаб, одамларни ҳаққа ва покликка даъват этгани, руҳий-маънавий озик бериб турганини исботлаган. Ростки, мен, аввал, И.Сувонкуловнинг ишини ўқиганда, шартмикан, ҳар бир гўша ва қишлоқда яшаган қаламкашларни излаб юриш, деган фикрга ҳам келган эдим. Аммо бундай қарасам, тадқиқотчининг тутган йўли тўғри экан. Чунки, биринчидан айнан шу йўл билан биз, халқимизнинг қанчалик маърифатли, илмпарвар эканини аниқлай оламиз. Битта Янгикўрғоннинг ўзида ўша замонда Аламкашдай ўндан ортиқ шоир яшаган бўлса, тасаввур қилинг, бутун Ўзбекистонда улар қанча бўлади? Шундай халқни қолақ, саводсиз дейиш мумкинми?

Иккинчидан, айнан ана шундай маърифатга ихлосанд, насиҳатга талабгор халқ ичидан Сўфи

Оллоҳёр каби шоирлар етишиб чиқиши мумкинлигини эсдан чиқармаслик керак.

Иноятулла Сувонкуловнинг "Сўфи Оллоҳёр ва унинг адабий анъаналари" мавзусида ёзган тадқиқоти ҳам, материали ҳам, илмий таҳлили билан биз учун янги бир кашфиётдир.

**Нажмиддин КОМИЛОВ,**  
*филология фанлари доктори,  
профессор*



## ИЗДОШЛИК

Мен Самарқандда адабиётимиз тарихи бўйича фаол илмий ижод қилаётган ва фактик материалларни эл орасида юриб тўплаётган олимларимиздан бири деб И.Сувонкуловни биламан. Бунга унинг Республикамиз матбуотида эълон қилган ва қилаётган етук илмий мақолалари, чоп этилган рисола ва монографиялари гувоҳдир.

Эътироф этиш керакки, илмий ишнинг тадқиқ объекти бўлган Сўфи Оллоҳёр ижоди ва шу туфайли юзага келган адабий анъаналаргина эмас, истиклолгача тасаввуф, умуман, ислом ва диний эътиқод билан боғлиқ масалаларга ўз тўғри баҳосини бермай келдик. Бунинг субъектив ва объектив сабабалари ҳаммамизга маълум.

Менга маълумки, муаллиф кўп йиллар давомида Зарафшон воҳаси адабий муҳити, хусусан, Сўфи Оллоҳёр ижоди билан астойдил қизиқиб, бугунги тадқиқот мисолида сифат ўзгаришлари билан ажралиб турадиган янгича ғоялар, янгича дунёқараш асосида яратилган, жиддий илмий-назарий аҳамиятга молик бўлган, умумлашма хулосаларга бой, арзигулик бир иш билан муҳокамага келган.

Муаллифнинг Сўфи Оллоҳёр ижодидаги учинчи муҳим бир жиҳати йирик тасаввуфий шахс эканлигини илмий асослаши ишнинг аввалиданоқ кўзга ташланиб туради.

Сўфи Оллоҳёр ҳаёти ва ижоди, хусусан, унинг лирикасининг ўзига хослиги, поэтик маҳорати, фалсафий-ахлоқий ва адабий-дидактик асарларидаги тасаввуфий қарашларини чуқур ва атрофлича ёритиш имконини берган.

Менга бу ўринда, айниқса, илмий ишнинг Сўфи Оллоҳёрнинг тажнис яратиш маҳорати сирларини очиб бериши жуда манзур бўлди.

Адабиётимиз тарихида етакчи бир фигуранинг ижоди, издошлари фаолиятини биринчи марта махсус ўрганиш ва бунинг адабиёт, халқ маънавияти учун илмий аҳамиятини илмий асослаб бера олиш мазкур тадқиқотнинг жиддий илмий аҳамият касб этишини кўрсатади.

**Абдулқодир ҲАЙИТМЕТОВ,**  
*Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт  
институтини профессори, ЎзРда хизмат  
кўрсатган фан арбоби, Абу Райҳон Беруний  
номидаги Давлат мукофоти совриндори*



# ЮКСАК МАЪНАВИЯТ СОҲИБИ

## Ҳожи Иноятулла Субҳонкул ўғли

Жамият тараққиётини унинг фаол, жонкуяр аъзолари белгилаб беради. Иқтисод ва сиёсатда, маънавият ва маданият соҳаларида фидойи жонкуяр инсонлар бўлмас экан тараққиётда турғунлик хусусиятлари куртаклайди; кишилар шу ўринда яратувчилик руҳини паришонхотирлик, лоқайдлик ҳисси кемира бошлайди. Ўз-ўзидан бундай ҳолда тараққиёт учун ижтимоий фаол, ижодий, мустақил фикрларига эга, тор шахсий манфаатлардан кўра эл-юрт ташвишини ўйловчи инсон ва шахсларга эҳтиёж кучаяди. Профессор Ҳожи Иноятулла Субҳонкул ўғли 1934 йил Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги Кориз қишлоғида таваллуд топган. Падари бузруквори Мулла Субҳонкул Қуръонхон зиёли бўлганлар. У кишининг меҳмонхонасида илм-маърифат ҳақида суҳбатлар, китобхонликлар уюштирилиб турилган. Бўлиб ўтаётган китобхонликлар Ҳожи Иноятулла домла кўнглида сўзга муҳаббат уйғотган бўлса эҳтимол. Домла Самарқанд давлат университетининг филология факультетини тугатиб, Ғаллаорол туманидаги ўрта мактабда она тили ва адабиёт, тарих фанларидан дарс беради. Туғилган юртида ҳали талабалик даврида бошланган китоб йиғиш амалини қанда қилмайди. Аксинча жадаллаштиради. Ғаллаороллик илмли, маърифатли кишилар билан суҳбатда бўлади, сакланаётган китобларнинг ноёб сирларини ўрганади. Ана шундай илм аҳлларидан Ғаллаоролда яшаган устози Жуманазар домладан

маънавиятимиз, маданиятимиз ва тарихимиз билимдонларидан маърифат ўрганди. Улар қўлида, хонадонларида сақланган ноёб кўлёмалардан фойдаланди. Қилинган меҳнат бесамар кетмайди: кейинчалик тўпланган кўлёмалар номзодлик ва докторлик диссертациясини ёқлашда кўл келади. Профессор Ҳожи Иноятулла Субҳонкул ўғлининг шахсий архиви ҳақидаги ривоятнома гапларида жон бордек. Домла 1964 йил Қарши давлат университетида ўқитувчи, сўнгра зоти шариф Воҳид Абдулло раҳбарлигида илмий тадқиқотчи сифатида фаолият кўрсатди. 1970 йил "XIX аср ва XX аср бошларида Жиззах воҳасидаги шоирларнинг поэтик мероси" мавзусидаги номзодлик диссертациясини мувафакқиятли ҳимоя қилди. Садриддин Айний номидаги Самарқанд давлат педагогика институтида ўқитувчи, кафедра мудири, декан лавозимларида 22 йил ишлади. 1990–1995 - йилларда Самарқанд давлат тиббиёт институтида Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири, 1995 йилдан Самарқанд давлат чет тиллар институтида Маънавият ва тарих кафедраси мудири сифатида фаолият кўрсатган. У киши турли мавзулар устида тадқиқот олиб борганлар. Баъзида бу қаршиликларга учраган. Мустабид тузум домла изланишларини ҳам тақиқлаган. Унинг ҳаётидаги қийинчиликларни алоҳида тавсифлаш шарт эмас. Кўп йиллик изланишлар, заҳмат фақат Мустақиллик йилларида ўз самарасини берди. Мустақиллик йилларида у эркин тадқиқотлар қилди ва аллома Сўфи Оллоҳёр ижодига кўл урди. 1997 йил "Сўфи Оллоҳёр ва унинг адабий аънаналари" мавзусида докторлик диссертациясини мувафакқиятли ёқлади. Бу тадқиқотни профессор Нажмиддин Комилов "Янгилик, кашфиёт" деб атаган. Домла раҳбарлигида

Сўфи Оллоҳёр ижодини ўрганиш бўйича илмий-ижодий мактаб шакллантирилди. Мустақиллик йилларида домланинг 20 та асари алоҳида нашрдан чиқди. 80 дан ортиқ илмий мақолалари республика журналларида эълон қилинди. Домла асарларининг илмий мақолаларининг сони 300 тадан ошган. Фидойи, жонкуяр Ҳожи Иноятулла Субҳонқул ўғли фаол жамоатчи бўлган Самарқанддаги юзлаб кўча ва маҳалла номларининг миллий кадриятларимиз асосида номланиши ва кадриятларимизнинг тикланишида жуда катта ҳиссаларини кўшдилар. Тарихимизни, маданиятимизни ўзининг "Самарқанд қадамжолари", "Шаҳри дил – Самарқанд", "Самарқанд кўчалари" каби рисоаларида ўз аксини топди. Профессор Ҳожи Иноятулла Субҳонқул ўғлининг фаолияти Республика мутасаддилари томонидан муносиб баҳоланиб, 1999 йил у "Шухрат" медали билан тақдирланди, "Устоз" фахрий унвони (2000 йил) "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллиги" эсдалик нишони (2001 йил) "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллиги" эсдалик нишони (2006 йил) "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллиги" эсдалик нишони (2011 йил) совриндори бўлди. Профессорнинг сўзлари ҳамон чуқур мазмунга эга. Устоз, шогирдларига бағишланган дил сўзлари, ўзининг ҳаёт йўли ҳақидаги фикрлар "Туғёнли қалб" китобида ўз ифодасини топган. Бу салмоқлигина асар муаллифи таниқли адбиётшунос олим Ҳожи Иноятулла Субҳонқул ўғли Зарафшон ва Сангзор воҳаси фольклори, миллий кадриятлар билимдони сифатида зиёлилар ўртасида ўзига хос обрўга эга инсон эдилар. "Сангзор садолари" китобининг иккинчи наشري тўлдирилиб қайта ишланган. Асарда



Махмур Коризий, Убайдилла Аламқаш, Муаззамхон, Иномхон Маҳжур, Нарзий каби мумтоз адабиёт вакиллари билан 30 га яқин замондош ижодкорлар ҳақида био-библиографик маълумотлар тўпланган. Шунингдек, китобдан жой олган Сангзор воҳасининг топонимикасига, жой ва булоқлар номланишига, ўзбек уруғлари номлари таснифига кенг эътибор берилган. Китобни ўқиганимизда ватанни севиш, халққа фидойи бўлиш, ватанга садоқат асосий ғоя эканлигини англадим. Домла ниҳоятда кенг қамровли ижодкор эди. Унинг фаолиятида бу сезилиб туради. Мустақиллик йилларида домла эркин ижод қилди ва барча ташкилий ишларни ўз қўлига олди: таклифлар бериш, илмий конференциялар уюштириш, зиёратлар ташкил этиш, бундан ташқари "Самарқанд бахшичилик мактаби" номи рисола яратиб, 30 га яқин бахшиларнинг номини илмий-адабий истеъмолга олиб кирди. Фозил Йўлдош ўғли ва Исом шоирларга бағишлаб махсус тадқиқотлар яратди. Ўз соҳасида маълум мавқега эга бўлган бу инсоннинг ташаббускорлигига изланувчанлигига қойил қоласан киши. Домла билан тез-тез учрашардик ва ҳар сафар илм-ижод ҳақидаги суҳбатларимиз халқ оғзаки ижоди билан яқунланарди.

Ишончим комилки, маърифатпарвар инсон, юксак маънавият соҳиби профессор Ҳожи Иноятулла Субҳонқул ўғлининг маънавий-маърифий ва илмий мероси келажак авлод учун битмас-туганмас сарчашма бўлиб хизмат қилади. Илоҳим, устознинг жойлари жаннатдан бўлсин.

**Ғанишер РАҲМОН,**  
*ЎзДЖТУ ректори*

## ЖОНКУЯР ОЛИМ

Иноятулла Сувонқуловни ёшлик йилларимдан билардим. XX аср 60 йилларининг охирларида, У киши жиззахлик шоирлар ҳақида номзодлик диссертациясини ёзиб юрган кезларда отам Сирожиддинов Самариддин олдига тез-тез келиб турардилар. Улар кечқурунлари биргалашиб Ғаллаорол тарихи, унинг бағрида фаолият кўрсатган шоирлар ҳақида узоқ суҳбат қуришарди. Чой олиб кирсам, мени ҳам мақтаб-мақтаб, эски ёзувни ўрганишимни таъкидлаб ўтишар эдилар... Йиллар ўтди...

Улар орзу қилгандек, шарқшунос дипломини олдим. Мен 1987 йил армия хизматидан Самарқандга қайтдим. Иноятулла ака мени Садриддин Айний номидаги Самарқанд давлат педагогика институтига ишгатаклифқилди. Ҳужжатларимни топширдим. Аммо ҳужжатларимни Самарқанд давлат университетига ҳам топширган эдим. Улар ҳам иш берадиган бўлишди. Бироқ, Иноятулла ака билан ижодий ҳамкорлигимиз узилмади. У киши Сўфи Оллоҳёр ҳақида номзодлик диссертациясини ёзаётганини эшитган кишиларнинг биринчиси мен бўлган бўлсам, ажаб эмас. Кўчаларда учрашиб қолсак, беш дақиқага ўтирган ўрнимизда соатлаб қолиб кетардик. Домла мен билан худди тенгдошидек гаплашарди, баъзан маслаҳат ҳам сўраб кўярди. Гарчи ўзи етук олим бўлса-да, биз ёшларга бундай муносабати домланинг юксак маънавиятидан далолат берарди.

Иноятулла Сувонқулов Самарқанднинг замонавий тарихини ёзишда ҳам жудда катта хизмат кўрсатди. 1994 йилдан умрининг охиригача И.Сувонқулов

вилоят ҳокимлиги ҳузурида “Давлат тили ҳақида”ги қонунни амалга ошириш, топономик объектларга ном қўйиш ва лотин ёзувидаги ўзбек алифбосини жорий этиш Кенгаши раиси ўринбосари лавозимида кўча ва маҳаллаларнинг қадимий номларини тиклаш ишлари билан шуғулланди. Олимнинг сайёҳи-ҳаракати ва бевосита иштирокида биргина Самарқанд шаҳрида 400га яқин кўча ва 50 дан ортиқ маҳалла номлари илмий асосланган ҳолда янгиланди.

Тиниб-тинчимас, фидойи ва зукко олим Иноятулла Сувонқуловнинг Мустақилликнинг 20 йили давомида 30 та китоби ҳамда 250 дан ортиқ илмий-оммабоп мақолалари вақтли матбуотда нашр этилган.

И.Сувонқулов салоҳиятли раҳбар, истеъдодли филолог олим, илм-фан фидойиси ва тарғиботчиси, иймон-эътиқодли, қатъиятли инсон сифатида ҳамisha хотирамизда сақланиб қолади.

### **Ш.С.СИРОЖИДДИНОВ**

**Тошкент давлат ўзбек тили ва  
адабиёти университети ректори,  
филология фанлари доктори, профессор**



## ИСТИҚБОЛЛИ МАВЗУ

Қайси аср ва қайси замонда эканлигимиздан қатъи назар, ҳар гал чиннакам мутафаккирлар туғилиб, камол топаркан, дунёнинг ички безовталиги ортиб, ўзини у янада хушёроқ сезади. Дунё мутафаккир билан юзма-юз келишидан кўрқмайди. Мутафаккирнинг мушоҳада кудрати ва муросасиз ҳукмларидан чўчийди. Эҳтимол, мана шунинг учун улуғ мутафаккирлар фақат тирикликда эмас, кўпинча ўлимларидан сўнг ҳам, дунёнинг оғир ва шафқатсиз синовларига маҳкум этиладилар. Қизиғи шундаки, ҳақли ва ҳақсиз ҳар қандай синов мутафаккир маърифати ва ҳақиқатларининг дахлсизлиги ҳамда боқийлигини тасдиқлашга хизмат қилади. Акс ҳолда, бугун биз Туркистоннинг тафаккур даргаларидан бири, мусулмон оламида машҳур шоир Сўфи Оллоҳёрга бағишланган катта бир тадқиқот муҳокамасига тўпланмасдик.

Шу маънода ғайратли олим Иноятулла Сувонқуловнинг "Сўфи Оллоҳёр ва унинг адабий анъаналари" номли докторлик диссертацияси мустақиллик мафкураси эҳтиёжидан туғилган ва мумтоз адабиётимизнинг ҳали тўлиқ очилмай ётган саҳифаларини очишга қаратилган қимматли бир ишдир. Бу тадқиқотнинг илмий-назарий салмоғи, биринчи навбатда, бадиий материалларнинг янгилиги ва бир неча илмий йўналишда уларни илк бора изчил тадқиқ қилинганлиги билан белгиланади.

Илмнинг мавқеи ва ривожини кўпинча ва кўп жиҳатдан мавзунинг истиқболига боғлиқ. Истиқболсиз мавзулар илмга нечоғлиқ зиён етказишини кўрдик ва билдик. Бизнингча, мазкур диссертация изланиш

жihatдан ҳам, келажакда кўп янги тадқиқотлар учун йўл очиш жihatдан ҳам энг истикболли мавзу. Мазкур иш билан танишгунча Сўфи Оллоҳёрнинг издошлари борлигидан беҳабар эдим.

Тадқиқотчининг иккинчи йирик ютуғи шундаки, у Сўфи Оллоҳёрнинг кўплаб издошлари борлиги ва мактаб яратган шоирлигини исботлай олган.

**Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ,**  
*филология фанлари доктори, Аҳмад  
Яссавий халқаро мукофоти совриндори*



## МАЪНАВИЙ ИЗДОШ

Олимларнинг аниқ ҳисоб-китобларига кўра, коинотда неча миллион йиллардан бери Ер юзига нур сочиб турган Қуёшдан кўра минг чандон катта ва ёруғ юлдузлар мавжуд, аммо улар марказдан жуда олисда бўлганлари учун эътибордан четда қолишган.

Адабиётда ва жамики бошқа соҳаларда ҳам шундай. Истеъдодли одам ўзини намоён қилиши учун марказда яшаши шарт эмас. Йўлдош Сулаймон, Ҳабиб Саъдулла, Турсуной Содикова, Тошпўлат Аҳмад, Ошиқ Эркин, Садриддин Салим Бухорий, Мағназар Абдулҳаким, Ҳабибулла Саидғани, Исмоил Тўлак, Алишер Ибодинов каби кўпчилик ижодкорлар буни аллақачон исботлаб беришган.

Ушбу рўйхатга Самарқандда яшаб ижод қилган, умрини илмий тафаккур ривожига бағишлаган заҳматқаш олим, дилқаш суҳбатдош, садокатли дўст Иноятулла Сувонкуловни ҳам киритиш мумкин. Устоз Умарали Норматов бундан анча йиллар аввал "адабиётдаги камсуқум қаҳрамонлар" деган иборани илмий истеъмолга киритган эди. Домла бунда бадиий асарларнинг камтар, камсуқум, бўлар-бўлмасга олдинга қараб талпинавермайдиган, эл қатори, ўзини ҳам бошқаларни ҳам ҳурмат қилиб яшайдиган, турмуш тарзи шукроналикдан иборат қаҳрамонларини назарда тутган эди. Иноятулла ака айни шундай киши эди.

Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев билан бирга Самарқанд сафарларимизнинг деярли барчасида гоҳ Исроил Мирзаев, гоҳ Иноятулла ака, баъзан икковлари ҳамроҳ бўлишар, суҳбатларимиз бир-биридан мароқли бўлар эди. Ёдимга муҳрланиб қолгани шуки, у киши бирор инсон ҳақида салбий

фикр билдирмас, ҳаммининг фақат яхши томонларини кўришга одатланган, бошқаларни ҳам шунга даъват этгучи эди.

Иноятулла ака узоқ йиллар давомида Сўфи Оллоҳёр маънавий-ахлоқий меросини илмий ўрганиш билан банд бўлди. Адабиёт газетасида домланинг кўплаб тадқиқот мақолаларини эълон қилганмиз, жумладан, "Оллоёр" эмас, "Оллоҳёр" деб ёзишимиз керак", деган таклифларини ҳам. Шу мавзуда нашр этилган китоблари, илмий рисоалари қўлма-қўл бўлиб ўқилди. Иноятулла ака Сўфи Оллоҳёрнинг маънавий издошлари мавжудлигини илмий жиҳатдан исботлади. Оллоҳёр меросини ўрганиш бугунги кунимиз учун нақадар муҳимлигини барчамизга уқдириб кетди. Умрининг сўнгги дақиқаларигача илм борасида танлаган йўлига содиқ қолди. Шу маънода ўзи ҳам улуғ устознинг маънавий издошига айланди, дейиш мумкин.

**Аҳмаджон Мелибоев,**  
*"Жаҳон адабиёти" журнали бош  
муҳаррири*



## МЕҲРИНИ ИЗҲОР ЭТАРДИ

"...Билгинки, комил инсон шундай инсондирким, унда куйидаги тўрт нарса камолга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф". Азизиддин Насафий шундай ҳикматни тарғиб қилгандилар.

Ҳокисор инсон, илмий инсон Иноятулла Сувонкулов қалбини илм соҳасига бахшида этганди. Иноятулла Сувонкулов сўзини имкониятига жойларди, феълени ихлосига айлантирарди, ахлоқини оқибат руҳига бойларди, маориф сирасини дидининг тажрибасига йўналтирарди. Туфроғини кадрларди. Юртига, элига, тилига мурувват билан, садоқат билан меҳрини изҳор этарди. Иноятулла Сувонкулов шундай инсон эди.

**Икром ОТАМУРОД**

*шоир*





## НУРЛИ ЙЎЛ

Шунчаки ёзиш шоир учун ўлим, – деб ёзган эди Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева. Шунчаки ёзиш, ижод қилиш, меҳнат қилиш, балки шунчалки яшашни ўзи ҳам ер куррасида яшаётган ҳар бир инсон учун нақадар азоблидир!..

Жиззах вилоятининг Ғаллаорол тумани Кориз қишлоғида оддий деҳқон оиласида 1934 йилда таваллуд топган. Иноятулла ака Сувонкулов ҳам ҳаётда шунчаки яшаб ўтмади. Кўпчилик қишлоқдошлари, тенгқурлари каби ёш бўлса-да, Иккинчи жаҳон уруши, сўнг очарчилик, қимматчилик йилларининг суронли азоб-уқубатларини, машаққатларини бошидан кечирди. Ўрта мактабда ўқиб юрган кезлариёқ илмга чанқоқлик уни Самарқанд давлат университетига етаклаб келди. Ўқув даврида илмга бўлган салоҳиятини, изланувчанлигини, ўзига бўлган талабчанлигини сезган ўқитувчилари уни шу даргоҳда олиб қолишди. Бутун қолган умри шу даргоҳ билан чамбарчас боғланиб кетди. Астойдил, машаққатли меҳнати билан фан номзоди, фан доктори илмий даражаларига, профессор унвонига сазовор бўлди.

Илм аҳли орасида эътиборга, ҳурматга, олқишларга эга бўлган филология фанлари доктори, профессор Иноятулла ака Сувонкулов бутун мазмунли ҳаётини жонажон юртига, элига бағишлади. Эл шодликларидан қувониб, ғамлари-ю дардларига ошно бўлиб яшади. Мустабид тузум даврида ҳам Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Мирзо Бобур, Темур Малик, Беруний, Мирзо Улуғбек каби буюк боболаримиз аждодларимизнинг шонли ўтмиши, уларнинг илму-маърифатда, адабиёт ва санъатда жаҳон

цивилизациясига кўшган бетакрор, улкан тарихий хиссаси ҳақида рўй-рост айтиш мушкул бўлган йилларда ҳам юрт тарихини юксак реаллик асосида ёритиш зарурлигини эътироф этган олимларимиздан биридир!

Сир эмас, Самарқанд – “рўйи замин сайқали” ўтмишда кўп бор тараққиёт ва таназзулларни бошидан кечирган, ҳалокатли босқинлар жабрини, азобларини бошидан ўтказган шаҳар. Ана шундай босқинлар туфайли шахримиздан нафақат нодир буюмлар-у тарихий обидалар олиб кетилган, балки сон-саноксиз илмий, диний асарлар йўқ қилинганлигини бугун гувоҳи бўлиб турибмиз. Зукко олим шундай долзарб масалаларга ҳам ўзининг илмий фаолиятида алоҳида эътибор қаратди. У олиб борган экспедициялар натижасида диёримизда етишиб чиққан буюк олимларнинг юздан ортиқ нодир, илмий-диний тарихий асарлари дунё юзини кўрди.

Мамлакат Президенти Шавкат Мирзиёев Самарқанд вилояти ҳокими бўлиб ишлаган йилларда, у кишининг ташаббуси билан олимнинг Самарқанд вилоятида яшаб ўтган улуғ инсонларнинг номларини абадийлаштириш бўйича илмий-амалий тадқиқотлари алоҳида эътиборга моликдир! Самарқанднинг маърифатпарвар одамлари, таниқли олимлари таъкидлаганидек, устоз Иноятулла Сувонкулов туфайли шахримизнинг жуда кўп кўркем кўчалари аҳолимиз аллақачон унутиб юборган, ўзларининг буюк аждодлари номлари билан атала бошлади.

Улар Халқаро “Амир Темур” фондининг Самарқанд бўлими риёсатининг аъзоси сифатида ҳам фонднинг ривожига ўзининг салмоқли хиссасини кўшди.

Камтарин, ҳалол, самимий олим ҳақида қанчалик олқишлар, мақтовлар, ҳамду-санолар айтилмасин, Иноятулла ака ўз меҳнатини оддийгина қилиб: – халқ олдидаги бурчим-ку, дея секингина кулиб қўя қоларди...

Сермаҳсул олим раҳбарлигида 30 дан ортиқ фан номзодлари, докторлари етишиб чиқди. Улар ҳозирги кунда республикамизнинг турли олий ўқув юртларида устоз, филология фанлари доктори, профессор, Сувонқулов босиб ўтган савобли, нурли йўлдадирлар!..

**Қўзибой Мамараимов,**  
*иқтисод фанлари доктори, профессор,  
Халқаро “Амир Темур” фондининг  
Самарқанд бўлими раиси*

## УСТОЗ САБОҚЛАРИ

Ургутдаги 37-маткабни битирганидан кейин Садриддин Айний номидаги Самарқанд давлат педагогика институтнинг ўзбек тили ва адабиёти факультетига ҳужжат топширдим. Ўшанда институт Самарқанд давлат университетидан ажралиб чиқиб, 1967 йилда мустақил олий таълим маскани сифатида фаолият кўрсатаётган эди. Биз иккинчи қабул қилинганлар сифатида институтга олинган эдик. Қабул имтиҳонлари пайтлари кечагидек ёдимда.

Мазкур факультетга жами бўлиб 50 нафар талаба олиниши белгиланган эди. Ўқишга киришни хоҳловчилар эса ўн баравар кўп бўлганди.

Эллик нафар бола ўқишга олинса, "балл"и етарли бўлган кўпгина йигит-қизлар четда қолиб кетиши аниқ эди. Институт ректори, таниқли адабиётшунос олим Ориф Икромов масала ечимини топганди. Юқори билан келишиб, яна 50 нафар абитуриентни талабаликка қабул қилишга эришди. Камига ва яна ўн бола ҳам сафга илашдик, аммо баллимиз етмай қолганлиги боис эркин тингловчи бўлиб қолдик. Эркин тингловчи дегани дарсга хоҳлаганда келиб, хоҳламаса келмайдиган, бошқача айтганда "захирадаги" талаба эди. Мен ва икки-учта дўстлар ўзимизни гўё талабалардек ҳис қилиб, дарсдан қолмасликка, яхши ўқиб-ўрганишга ҳаракат қилдик. Институтдаги ажойиб домлалар Ориф Икромов, Ваҳоб Эгамов, Иноятулла Сувонкулов, Муслиҳиддин Муҳиддинов, Ҳотам Умиров, Нуриддин Шукуров, Абдужаббор Мухторов, Исомиддин Салоҳиддинов, Лола Абдуллаева ва бошқа устозлардан сабоқ олдик. Шу ўринда "бошқалар" деган гапимизга озгина изох бермокчиман. Ана ўша "бошқа" айрим домлаларимиз

биз, эркин тингловчиларни негадир хушламас эдилар. Талаба ўрнига кўриш у ёқда турсин, назаримда одам ўрнида ҳам кўрмасдилар. Улар аудиторияга кириб келиши ҳамано салом-аликни ҳам йиғиштириб кўйишиб, терговга тушардилар ва биз, эркин тингловчиларни хонадан дарҳол чиқиб кетишимизни талаб қилишарди. Дафтар-китобларимизни кўлтиғимизга урганча, эшикка равона бўлардик. Домла сўнгра ўз дарсини бошларди. Нега, нима учун у шундай йўл тутарди, билмасдик. Кейинчалик ўша домлалар билан бир неча бор дуч келдик. У олдин қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай бўлиб қолганга ўхшаб кўринди кўзимга. Фёели ўзгармабди.

Шундай аламли кунларда сенга бир оғиз ширин сўз айтиб, кўнглингни кўтарган кишини бир умр унутмас экансан. Факультетнинг куйди-пиштиси, гуруҳимизнинг фидойи ва жонкуяри бўлган иқтидорли олим Иноятулла Сувонқулов қалбимда шундай нур бўлиб, олов бўлиб мухрланиб қолган. Ўша биз учун синов пайтларида домла ўқишимизни доимо назорат қилиб борарди. Ҳар бир дарсда бизларни "сўроққа" тутиб, талабалар билан тенг тутар, гоҳида ўзлаштиришимизни рағбатлантириб, ҳатто баъзилардан устун кўярди. Бир дарсда мени доскага чиқариб қайсидир иккита асарни, ҳозир ёдимда йўқ, қиёслаб берганим домлага маъқул тушди, шекилли, юзта болага қараб, "айримлар"инг бу боланинг ўрнини эгаллаб, талаба бўлиб ўтирибсан" деганди. Иноятулла Сувонқуловдаги меҳрибонлик ва талабчанлик олти ой мобайнида давом этди. Чунки биринчи чоракда эркин тингловчилар тақдири ҳал бўларди. Давомати, хулқи яхши, билим олишга интилиши бор йигит-қизлар ҳақиқий талабалikka қабул қилинарди. "Зачесление" деб аталадиган ана шу тўсиқдан муваффақиятли ўтишимда Иноятулла

Сувонкулов кўкрагини қалқон қилиб, институт раҳбарларининг "сенинг одамингми?" деган таъна-ю дашномларига қарамай, мени дадил ҳимоя қилганлигини унутиб бўлмайди.

Ваҳоланки, домлани мен шу институтга келиб кўрган ва таниган эдим. Бир мени эмас, яна уч-тўрт бола тақдирини ҳам домла ҳал қилди. Хуллас, биз талаба бўлдик. Қолган йиллар бевосита устознинг завқ-шавққа тўлиб, дарс ўтишлари, ҳар бир талаба учун ўзини масъул ҳис этишларининг гувоҳи бўлдик.

Сувонкулов домла кафедра мудири, кейинчалик декан бўлиб фаолият кўрсатган пайтларида факультет учун, унинг техник ходимидан профессор-ўқитувчиларигача ғамхўрлик қилди, ёрдамини аямасди, ташаббус кўрсатарди. Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида институт раҳбарлари алмашгач, бу олий таълим масканининг "юлдузли" паллалари бошланганди. Институтда шундай сиёсат ўрнатилган эдики, талабалар у ёқда турсин, нуфузли, ёши улуг профессор-ўқитувчилар, ҳаттоки, институт худудидан учиб ўтадиган кушлар, виқорли чинорларгача раҳбарларга салом бериши, ишга келиб-кетишида қадди букилиб, таъзим қилиши қатъий белгилаб қўйилганди. Бундай тартибга итоат қилмаганлар қаттиқ жазоланар эди. Шундай пайтда ҳам Иноятулла Сувонкулов қалб амрига қараб иш тутди. Факультетда таълим-тарбия сифатини оширишга, иқтидорли йигит-қизларнинг касб сирларини эгаллашига кўмаклашди. Фикр-мулоҳаза ҳамда эътирозларини раҳбариятга дадил айтарди. Бунинг учун яхшигина танбехларга, ҳаттоки, вазифасидан олиниш даражасига бориб етди.

Фан номзоди, фан доктори, кейинчалик профессор даражасига эришган Иноятулла Сувонкулов Самарқанд давлат тиббиёт институти, Самарқанд давлат чет тиллари институтида кафедра мудири

вазифасида ишлаган кезларда "Зарафшон" газетаси таҳририятига долзарб мавзудаги мақолалар кўтариб келарди. Устоз билан тез-тез учрашиб, ҳол-аҳвол сўраб туришардик. Тўй-маъракаларни биргаликда ўтказардик. Ёзилажак китоб ёхуд мақолаларни таҳлил этардик. Домла ўта куюнчак бўлиб, миллий-маданий меросимизни тарғиб этиш, улуғ алломаларимиз, жамиятга хизмат қилган кишиларимиз номини абадийлаштириш, муқаддас қадамжойларни эъзозлашдек улуғ ишлар ташвиши билан юрарди. Иноятулла Сувонкуловнинг хизматлари боис Самарқанд шаҳридаги кўпгина кўчалар номлари янгиланди.

И.Сувонкулов дўстларга садоқатли, самимий ва дилкаш инсон эди. Дўст тутиндимиз, ёши ёки мансабидан қатъи назар, маҳкам ушларди. Бирга ўқиган дўстлари – Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев, шоир ва адиб Марди Нуриддинов каби содиқ дўстлари билан ҳамиша фахрланарди. Биз каби кўлида таҳсил олган шогирдларига таянарди. Шундан бўлса керак, институтни битириб, турли соҳада фаолият кўрсатаётган шогирдлари (улар орасида олимлар, шоирлар ва журналистлар, раҳбар ходимлар бор) устоз номини ифтихор билан тилга оладилар. Биз, институтни 1972 йилда битирган бир гуруҳ собиқ талабалар (уларнинг айримлари бу дунёни тарк этишган) тўпланганда, албатта, домламиз Иноятулла Сувонкуловни ёдга оламиз, унутилмас хотиралар ҳақида суҳбатлашамиз. Юзлаб йигит-қизларга таълим-тарбия ва сабоқ берган улуғ устозга таъзим бажо келтирамиз.

**Адҳам ҲАЙИТОВ,**  
*Ўзбекистон Журналистлари ижодий  
уюшмаси аъзоси*

## ЭЗГУЛИККА ТУТАШ САТРАЛАР

Иноятулла Сувонқуловнинг илмий тадқиқоти мустақиллигимиз туфайли рўёбга чиқаётган жиддий изланишладан биридир. Муаллиф ўз тадқиқоти билан адабиётимиз тарихидаги бир бўшлиқни тўлдирибгина қолмай, бундан кейинги шу каби ишларга ҳам йўл очади.

И.Сувонқулов тадқиқотда ўз олдига қўйган мақсадга асосан эришган дейиш мумкин. Сўфи Оллоҳёр нафақат Ўзбекистонда, балки Туркия, Татаристон, Шарқий Туркистонда ҳам машҳурлиги мазкур ишнинг илмий ва амалий қимматини оширади. Ўзбек адабиётшунослигида бу каби ишнинг юзага келиши муаллифнинг, айти пайтда адабиётимиз тарихи фанининг ҳам сезиларли ютуғидир.

**Абдурашид АБДУҒАФУРОВ,**  
*филология фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Республикасида хизмат  
кўрсатган фан арбоби, Абу Райҳон Беруний  
номидаги Давлат мукофоти совриндори*





\* \* \*

Адабиётимиз намоёндалари муайян адабий гуруҳлар, маълум жой-территория билан ҳам боғланиб ўрганилди.

И.Сувонкуловнинг "XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларидаги Жиззах шоирлари поэтик мероси" (Аламқаш, Муаззамхон, Махмур Коризий) илмий тадқиқоти шулар жумласига киради.

И. Сувонкулов жаззахлик шоирларнинг ижоди ҳақидаги тадқиқотини уларнинг асарларидан илова билан "Сангзор садолари" номи остида нашр ҳам эттирди.

**Бегали ҚОСИМОВ,**  
филология фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби



\* \* \*

И.Сувонкулов каби заҳматкаш адабиётшуносларнинг асарлари ўзбек шоирларининг ҳаёти ва ижодий фаолиятларини ўрганиш йўлида муҳим қадамлар қўйилганидан далолат беради.

**Маҳбуба ҚОДИРОВА,**  
*филология фанлари доктори, профессор*

\* \* \*

Сўфи Оллоҳёр сингари ёрқин сиймонинг ҳаёти ва ижоди ҳамда унинг адабий анъаналари тадқиқ этилганлиги билан бу мавзу долзарбдир.

Шоир яшаган муҳит, унинг шахсияти, лирикаси, фалсафий-ахлоқий ва адабий-дидактик асарлари, ҳамда унинг адабий мактаби шу пайтгача ўрганилмаган манбаълар асосида чуқур таҳлил этилган. Бу борадаги умумлашмалар, хулосалар эътиборга лойиқ.

**С. САЪДИЕВ,**  
*Алишер Навоий номли СамДУ тожик  
адабиёти кафедраси мудири, филология  
фанлари доктори, профессор*



Мутафаккир шоир ва олим Сўфи Оллоҳёр ижоди ва унинг адабий мероси кўпгина дарслик ва қўлланмаларда қискача ёритилган ва унинг ижоди халқимизнинг маънавиятига салбий жиҳатдан таъсир қилади, деб нотўғри кўрсатилган эди. Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг адабий меросга, миллий қадриятларимизга янгича муносабатда бўлиш натижасида Сўфи Оллоҳёр ижодига янгича ёндашилди.

Иноятулла Сувонқулов илмий тадқиқотининг ўзига хос муҳим ютуқларидан бири шундаки, унда муаллиф шу пайтгача Сўфи Оллоҳёрнинг адабий жамоатчилиikka таниш бўлган асарларини таҳлил этиш билан чекланмайди. Балки тадқиқотчи шоирнинг бир неча қўлёзма асарлари билан танишиб, уларни таҳлил этади ва Сўфи Оллоҳёр ўзбек мумтоз адабиёти тараққиётига ўзининг ранг-баранг жанрдаги, лирик шеърлари билан муносиб ҳисса қўшган шоир деган хулосага келади.

**Сайдулла МИРЗАЕВ,**

*СамДУ профессори, филология фанлари  
доктори, Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган фан арбоби*



\* \* \*

Сўфи Оллоҳёр адабий меросини тадқиқ этиш мистиклол мафқураси берган олий неъмат. Шу боис оллоҳий иноят туфайли Сўфи Оллоҳёр номини эзгулик билан тилга олиш имконияти туғилди. Ўшанга қадар бу шоир номи қора рўйхатларнинг бошида, диний мистик адабиётнинг намояндаси сифатида тилга олиниб келинди. Асримизнинг 90-йилларидан бошлаб Сўфи Оллоҳёрнинг ҳам "бағри"га шамол тега бошлади.

И.Сувонқулов Сўфи Оллоҳёрнинг бугунга қадар илмий-адабий жамоатчиликка маълум бўлмаган бир қатор байту асарларининг илк маротаба истеъмолга олиб киргани бу унинг жиддий ютуғидир. Тадқиқотчининг шоир таржимаи ҳолига доир мулоҳазалари ҳам қизиқиш уйғотади. У адабий парча ва маълумотларга сероблиги билан ҳам эътиборни тортади.

**Раҳим ВОҲИДОВ,**

*БухДУ ўзбек адабиёти тарихи кафедраси  
мудири, филология фанлари доктори,  
профессор*



"Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" таълим тизимининг концепцияси, стандарти ҳамда ўқув методик мажмуаларининг тубдан янгиланиши, таълим-тарбия соҳасида комил инсонларни вояга етказишни тақозо этмоқда. Бугун бу борада фидойилик кўрсатаётган, ҳар бир дарсда талабаларни янгича фикрлашга ундаётган ижодкор ўқитувчиларимиздан бири СамДЧТИ кафедра мудир, профессор Иноятулла Сувонкуловдир.

Мен Иноятулланинг адабиёт ўқитиш муаммоларига бағишлаб нашр эттирган китобларига муҳаррирлик қилганман. Иноятулла яқинда Х.Эралиев билан ёзган "Сўфи Оллоҳёр таълимий қарашлари" китобини тайёрлабди. Китобга тақриз бердим.

Иноятулла Сувонкуловдек фанимизнинг заҳматкаш ва жонқуяр олимлари кўп бўлсин.

**Асқар ЗУННУНОВ,**  
*педагогика фанлари доктори, профессор,  
 Т.Н. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон  
 педагогика фанлари илмий-тадқиқот  
 институтининг собиқ бўлим мудир*

## МАЪНАВИЯТ ИЛДИЗЛАРИ

Мустақиллик шарофати билан халқимизга ўзининг бой маънавий меросини ўрганиш, ундан фойдаланишга кенг имкониятлар очилди. Маънавият жамият тараққиётини таъминловчи муҳим омиллардан бири сифатида қаралмоқда, таълим-тарбияда устувор йўналиш ҳисобланади. Баркамол авлод аввало, маънавий юксак даражада бўлиши зарурдир. Шу сабабларга кўра, профессор И.Сувонқуловнинг “Маънавият илдизлари” номли ўқув кўлланмаси ҳозирда таълим тизимининг барча бўғинлари учун жуда зарур ҳисобланади.

Ўқув кўлланмасида маънавий-адабий меросимизнинг турли кирралари бир неча туркумларга бўлингани ҳолда манбалар, асарлардан намуналар асосида таҳлил этилган, муаллифнинг шахсий фикр ва мулоҳазалари берилган. Жумладан, кўлланмадаги “Турки”, “Бадиий дид”, “Шеърятда шифо бор” номли мақолаларда муаллиф буюк алломаларни вояга етказган муҳит, адабий жараён, турли ташбеҳлар ҳақида сўз юритиб, ўқувчини маънавий тафаккурга ундайди.

“Алпомишнинг ҳикмати” мақоласида ушбу дostonдаги бадиий лавҳалар мустақиллик руҳи, талаблари ва имкониятлари нуқтаи назаридан талқин этилиши масалаларига эътибор қаратилади.

“Буюкликка эҳтиром” мақоласи Ҳиндистон сафари таассуротлари баёнида буюк аждодларимиз Амир Темур, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Бедил, Хусрав Дехлавий, Бобур ва бобурийларнинг руҳияти, Ҳиндистон ва жаҳон халқлари маънавиятидаги улкан хизматлари алоҳида таъкидланади.

Кўлланмада бадий-адабий меросимиз таҳли-  
лига кенг ўрин берилган. Айниқса, шоира Нодира  
– Моҳларойим, иқтидорли шоир Умархон ижодлари  
улар асарларидан намуналар асосида қаралган.  
Нодиранинг шеърларидаги Турон заминидаги  
давлатларнинг бир бутунлиги, тинч-тотувлиги,  
миллий барқарорлиги ғояларининг ифодаланиши ва  
уларнинг ҳозирги давр учун ҳам ғоят долзарблиги  
кўрсатилади.

Муаллиф Бобораҳим Машраб, Сўфи Оллоҳёр  
ижодига алоҳида эътибор берган, улар ижоди на-  
муналари асосида илм-маърифат, мактаб-маорифнинг  
давлат ва халқ ҳаёти тараққиётидаги муҳим ўрни  
кўрсатиб ўтилган, IX–XVI асрда Турон – Туркистон  
юртида табиий ва аниқ фанлар соҳасида дунёга  
машҳур 600 олиму уламолар бўлганлиги, бугун биз-  
лар ҳам ана шу буюкликка интилишимиз зарурлиги  
таъкидланади.

Шунингдек, ҳадислар, нақшбандия тариқати,  
сўфийлик ғояларининг маънавий баркамол инсон  
шаклланишидаги аҳамияти масалалари атрофлича  
ёритилган.

Профессор Иноятулла Сувонқуловнинг “Маъна-  
вият илдизлари” ўқув кўлланмаси Кадрлар тайёрлаш  
миллий дастури талабларига амалий жавоб сифатида  
ҳам қимматли ва уни нашр этиш жуда фойдали бўлади,  
деб ҳисоблайман.

**Р. ОРЗИБЕКОВ,**  
*СамДУ профессори*

# СЎФИ ОЛЛОҲЁР ТАВСИФИ

**Филология фанлари доктори, Самарқанд давлат чет тиллар институту кафедра мудири, профессор И.Сувонкулов билан Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев (Нарзий)нинг суҳбати**

*1- савол:*

– Домла, маълумки, ушбу буюк аждодимизнинг исмлари халқ тилида, адабиётларда Сўфи Оллоёр ёзилар эди. Ҳозирда эса Сўфи Оллоёр тарзида ёзилишига ҳамда "Сўфи" сўзига сизнинг муносабатингизни билмоқчи эдик.

*1-жавоб:*

– Маънавиятимизнинг пешво ва рухий мураббийларидан бири Эшон Сўфи Оллоёр ҳазратлари ҳисобланади. У зоти покнинг исми Оллоёр, падари бўзрукворларининг исми шарифлари Оллоҳқули. "Сўфи" сўзи эса у киши эътиқод ва хизматлари учун берилган унвондир.

– Сўфи ўзи ким? Бу ҳақда бир неча фикрлар мавжуд. Аммо кўпчилик олимлар "сўфи" сўзи арабча "суф" сўзидан олинганлигини таъкидлайдилар. "Суф" сўзининг луғавий маъноси жун ва жундан тўқилган мато бўлиб, аксарият сўфийлар жун чакмон ёки қўй терисидан тикилган пўстин кийиб юришган. Уларни "сўфи" деганлар. Агар "суф" сўзидан "Сўфи" ясалган бўлса, навбатдаги "сўфи"нинг кўплигидан "тасаввуф" каби атамалар юзага келган дейиш мумкин.



"Сўфи" унвонининг мутафаккир шоир ва олим Сўфи Оллоҳёрга берилиши унинг маънавий олами улуғлигини билдиради. Кейин нега "Оллоҳёр" тарзида ёзилмоқда, деган саволга келсак, зиёли ҳамкасбларимизга сир эмаски, узоқ йиллар давомида атоқли от сифатида келган ўринларда ҳам Тангрининг номини кичик ҳарф билан хато ("оллоҳ" тарзида) ёзилиб келинди. Эндиликда уни тўғри ёзмоқ ва унинг воситасида ясалган атоқли отларни (Оллоҳёр, Оллоҳберди тарзида) тузатмоқ зарур.

Шунинг учун Оллоҳёр кўринишида қўллаш маъқулроқ. Буни шоир шеърларининг вазни ҳам тақозо этади:

*Неча Оллоҳ ёр(и) юрсанг, ушбу фоний дунёда,  
Жон берурсан охири фарёд(и) қилмоқ арзимас.*

(фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун).

2-савол:

Сўфи Оллоҳёр ҳаёти ва унинг солиқ маҳкамасида ишлаганлиги ва кейинчалик бу ишдан воз кечганлиги ҳақида сўзласангиз?

2- жавоб:

Сўфи Оллоҳёр шахсий ҳаётига доир маълумотлар унинг ўз асарларида тарқоқ ҳолда учрайди. Сўфи Оллоҳёр "Сабот ул-ожизин" асарига татар тарихчи олими Тожиддин Ёлчигул ўғли 1697 йил "Рисолаи Азиза" номли шарҳ китобини ёзган. Унда баён этилишича, шоир 1634 йил Миёнқол мавзеига қарашли Иштихон туманидаги Минглар қишлоғида таваллуд топган, хитой-қипчоқ қабиласининг Ўтарчи уруғидандир. Ўн икки ёшида Бухорога бориб, йигирма беш ёшгача мадрасада таҳсил кўрган. Шундан сўнг Бухоро амирининг солиқ маҳкамасида хизмат қилган.

Бироқ солиқ маҳкамасида ишлаганидан афсусланади. Адиб бу ҳақда ўзи "Маслак ул-муттакин" асарида шундай ёзади: "Аср шоҳининг хизматида бўлгонмен, хар хил қавмларнинг нонини егонмен, лекин у нонлар таъманинг маҳсули эрди. Бундин ортиғини айтмай қўя қолай. Таассуфда ўтириш одатим эрди, ғам юқори-ю, фикр тубанда эрди. Таом оғзимда захарга айланур эрди, шаҳардаги ҳаётим уфқи ана шундай аҳволда эрди. Хар бир амалдорнинг юзига кулиб боқиш одатим эрди".

Бу ҳақда шоир бир ғазалида шундай дейди:

*Шумлугим, расводигим тегди вилоят халқига,  
Шул сабабдин тоғу тошу чўлни қилдим ихтиёр.*

Ёки:

*Эй биродарлар, мени яхши деманглар зинҳор,  
Зоҳирим сўфийнома, ботиним кийни никор.*

Сўфи Оллоҳёрнинг ҳаёти ва дунёқарашидаги кескин ижобий ўзгариш ўз замонининг фозил ва ориф зотларидан бири Шайх Наврўз билан учрашувидан сўнг содир бўлган. Балоларни даф этгувчи муршид Ҳазрати Ҳабибуллоҳ Оллоҳнинг дўсти – Муҳаммад саллоллоху алайҳи вассалам йўлини тутиб, унга амалда пайравлик қилар эди. Унинг покиза номи Наврўз. У бошдан оёғигача Оллоҳнинг ишқи билан ёниб турарди. Шунингдек, Сўфи Оллоҳёрнинг машҳур тасаввуф шайхи Офоқ Хожа билан учрашиши ҳам унинг маънавий-ахлоқий ҳаётига кучли таъсир ўтказган.

Адибнинг "Мурод ул-орифин" асарида таъкидланишича, у тўртта асар ёзган. Булар: "Маслак ул-муттакин" ("Тақводорлар маслагини"), "Сабот ул-ожизин" ("Ожизлар саботини"), "Маҳзан ул-мутеъин"

("Мутелар хазинаси"), "Мурод ул-орифин" ("Донолар муроди") асарларидир.

Шоир умрининг катта қисмини Каттақўрғон шаҳрининг Сўфи гузарида ўтказди. Сўнг Жом тоғининг Чўнқаймиш гўшасида, кейин эса Сурхондарё вилояти, Деҳнов тумани (ҳозирги Олтинсой тумани) Катта Вахшивор масканида ўтказди ва 1721 йилда ўша ерда вафот этади. Сўфи Оллоҳёр авлодлари ҳозир ўша ерда истиқомат қилишмоқда.

*Шу ўринда яна бир савол туғилди:*

– Биз биламизки, Сўфи Оллоҳёр ислом, хусусан, туркий ва форсийзабон халқлар орасида жуда машҳур бўлган. Асарлари XVII асрдан XX аср бошларигача мактаб-мадрасаларда асосий қўлланмалардан ҳисобланган. Бу машҳурликнинг сабаби нимада?

*Жавоб:*

– Ўтмишда яшаган бир муаллиф Сўфи Оллоҳёр вафотларига тарих ёзаркан, у кишини "Абу Ханифаи вақт аст" ("Ўз замонасининг Абу Ханифаси, яъни Имоми Аъзами") деб баҳолайди. Бу билан Сўфи Оллоҳёрни VIII асрда яшаган имом Аъзамга тенглаштиради.

Маълумки, Имом Аъзам ўз даврида Қуръони Карим ва ҳадиси шариф илмлари асосида шариат аҳкомларини тартибга солган, "Шариат аҳкомлари ҳақида" номли катта китоб ёзган биринчи фикҳшунос олим эди. Аммо бу китоб араб тилида ёзилганди. Сўфи Оллоҳёр ҳам ўз даврида Имом Аъзам каби давлат тили бўлган форсий ва туркий тилларда шариат аҳкомлари ҳақида иккита китоб ёзиб қолдирган.

Сўфи Оллоҳёр ўзининг бу фаолияти билан Чин (Хитой)дан Шом (Сурия)гача, Оқ Эдил (Волга)

бўйларидан Ҳиндистон сарҳадларигача бўлган форсий ва туркийзабон халққа исломий маърифат нурини тарқатди. Бу эса ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий давр ҳамда сиёсий муҳитларда унча-мунча мутафаккир ижодкор кўлидан келаверадиган иш эмасди. Сўфи Оллоҳёр машҳурлигининг туб боиси аввало, ана шундадир.

Сўфи Оллоҳёр лирик шоир сифатида ҳам ўзидан жуда катта мерос қолдирган. Ғаллаороллик издоши шоир ва олим Убайдулла Ислому ўғли Аламқаш ўзининг "Баёзи Аламқаш" номли 774 саҳифали баёзига Сўфи Оллоҳёрнинг 73 та шеърини киритган. Энг муҳими Убайдулла Аламқаш Сўфи Оллоҳёрнинг 18 та ғазалига чиройли муҳаммас боғлаган. Уларнинг кўпчилиги ҳаётий, дунёвий ва орифона ғазаллардир.

Шоир бир шеърда шундай дейди:

*Элим, халқим ичинда гарчи куб кўзгу сирожим бор,  
Вале гурбат ифи бўйнимга тушди, не иложим бор.*

Сўфи Оллоҳёр кўпгина лирик шеърларида бечораҳол кишиларга, ожизу нотавонларга ёрдам кўрсатишини инсоний бурч, мусулмончилиқ ахлоқи деб билади.

Мутафаккир шоирнинг умр сирларини тўғри англашга чақирувчи орифона шеърлари анчагина. Унда шоирнинг инсоний, ижодий қиёфаси ҳамда ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий тамойиллари очик кўринади. Масалан:

*Дунёда қасру сарой бунёд қилмақ арзимас,  
Охири вайрон эрур—обод қилмақ арзимас.  
Оғритиб ҳар беваю бечорани шому саҳар,  
Саъй — қўйиши айблабон барбод қилмақ арзимас.  
Дўстлар, бу бевафо дунёда молу мулк учун,*

*Бир-бирингни оғритиб ношод қилмақ арзимас.*

*3-савол:*

– Сизнинг фикрингизча, Сўфи Оллоҳёрнинг ижодида алоҳида ярқ этиб кўзга ташланадиган жиҳатлар нималарда кўринади?

*3-жавоб:*

– Бир жиҳатдан Сўфи Оллоҳёрнинг "Сабот ул-ожизин" асари алоҳида қимматга эга... Унда тажнис санъати, бир сўзни бир неча маънода қўллаш юқори маҳорат билан берилган ва у ўз ижоди билан тажнис санъатини ўзбек мумтоз адабиётида энг юқори даражага кўтарган.

Қуйидаги мисралар бу фикримизни исботлайди:

*Оғир жисминг агар бўлсин десанг соғ,*

*Саноч оғзини сан оч албатта камроғ.*

Ёки:

*Гарчи Оллоҳёр Ўтарчидир эрур ул ҳам ямон,*

*Онинг ҳам қадри ўтар бир нечага ўлган замон.*

*4-савол:*

– Сўфи Оллоҳёрнинг тасаввуф адабиётидаги ўрни, унинг бу борадаги қарашлари, қайси сулукни мақбул кўргани ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

*4-жавоб:*

– Маълумки, Сўфи Оллоҳёр Офоқ Хожа ҳазратлари билан учрашганларида, у киши: "Менинг тариқатим нақшбанд, сизлар ҳам нақшбандсизлар", дейди. Зотан, Сўфи Оллоҳёр нақшбанд таълимотини давом эттирган шоир ва тасаввуф олимидир. Шоир бир шеърида шундай дейди:

*Эй хуш ул умреки, ўтса бир неча шайдо билан,*

*Танлари халқ ичра бўлса, диллари Оллоҳ билан.*

Агар нақшбанд таълимотига кенг амал қилган Шайх Хожа Аҳрори Вали, Махдуми Аъзам каби бобокалонларимиз нақшбандия таълимотини ижтимоий ҳаётга татбиқ этишда намуна кўрсатган бўлсалар, Сўфи Оллоҳёр бу тариқатни мактаб ва мадрасалар таълим тизимига олиб кирди. У халқим саводхон бўлсин, деди. Бу эса унинг улуғ хизматидир. Сўфи Оллоҳёр ўзининг ана шу хизмати билан миллионлаб кишиларнинг муаллими ва мураббийсига айланди, шу билан буюклик касб этди.

Хуллас, Сўфи Оллоҳёр асарлари истиклол мафкураси учун янги баркамол инсонни тарбиялаш учун зўр маънавий-маърифий манба бўлиб хизмат қилади.

Бас, шундай экан, эндиликда мустақил республикамизда Сўфи Оллоҳёр асарларидан намуналарни бугунги мактаб, коллеж, лицей ва олий ўқув юрглари дастури, дарслик ва қўлланмаларига киритиш, Сўфи Оллоҳёр ижоди бўйича махсус курс ташкил этиш айтиш айни муддаодир.

– Бағоят қизиқарли суҳбатингиз учун катта раҳмат. Бундан кейинги илмий изланишларингизга улкан ютуқлар тилаб қоламиз.



## САНГЗОР САДОЛАРИ

Сўнги йилларда ўзбек адабиётшунослари кўп асрлик тарихга эга бўлган адабиётимизнинг кам ўрганилган томонлари ҳамда ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳанузгача номаълум бўлиб келган шоирларимиз ҳақида қатор илмий тадқиқот ишларини яратдилар. Филология фанлари доктори И. Сувонқуловнинг XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларидаги Жиззах адабий муҳитини тадқиқ қилувчи “Сангзор садолари” номли монографияси ана шундай ишлардан биридир.

Китоб XIX аср охири ва XX аср бошларидаги Жиззах музофотидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётни ёритишга бағишланган “Жиззах зиё воҳаси” номли мақола билан очилади. Мақолада XIX аср ва XX аср бошларида адолатсизлик ва зўравонликка қарши кураш олиб борган Жиззах адабий муҳитининг демократик адабиётимизнинг ёрқин саҳифаларини ташкил этувчи бадиий қимматга эга эканлиги таъкидланади. Муаллиф Мирзиёқори Иброҳим Мўминжонов, Назиртош Ҳазраткул қизи каби маърифатпарварлар, Мулла Азим, Маҳмудхон Ризо каби шоир ва бахшиларнинг ижодий фаолиятини ғоявий-бадиий жиҳатдан ўрганар экан, улар айтган қўшиқ, шеър ва термалар халқнинг ўз эрки ва ҳақ-ҳуқуқини англаб олишига ёрдам берганлигини, чор ҳукуматининг мардикорликка олиш ҳақидаги фармонига қарши курашга чақиришда катта роль ўйнаганлигини кўрсатади.

Адабиётшунос бу давр адабиётининг XIX асрнинг ўрталаригача ривожланган демократик руҳдаги адабиётдан фарқ қилиш хусусиятларини, хусусан, маз-

кур давр шоирларининг ўз салафларига нисбатан халқ ҳаёти билан яқин алоқада бўлиши, асарларнинг содда ва халқчиллиги, ҳаёт воқеа-ҳодисаларининг тасвири каби XIX асрнинг иккинчи ярмидаги Жиззах воҳаси шоирлари ижоди мисолида ҳам исботлайди.

Китобдаги “Дафтар сиғмас ичига...” сарлавҳали мақолада Жиззах музофотидаги адабий ҳаракатнинг пешқадам шоирларидан бири Махмур Коризийнинг ҳаёти ва ижоди кенг ёритилган. Мумтоз адабиётимизнинг ажойиб издошларидан бўлган Махмур Коризий мураккаб ҳаёт йўлини бошидан кечирган ва ибратли адабий мерос қолдирган шоирдир. У қолдирган адабий мерос ўз даврининг қарама-қаршиликларини, халқ ҳаётини холисона кўрсата олиши билан ажралиб туради.

Муаллиф Коризий ижодидан олинган қатор мисоллар асосида шоир шеърояти тематик ва жанр жиҳатидан ранг-баранглигини, уларга ўз замонасининг руҳи ва кайфияти даврнинг муҳим воқеа-ҳодисалари сингиб кетганлигини тўғри қайд қилади. Хусусан, шоирнинг А.Навоий, З.Бобур каби классикларнинг анъаналарини муваффақиятли давом эттирганлиги ҳақидаги қиёсий таҳлили диққатга сазовор.

Жиззах музофотида Нодира, Увайсий, Маҳзуналар сингари бадий адабиёт тараққиётига ҳисса қўшган, “XIX аср Зебуннисоси” деб ном олган зулҳисонайн шоира Муаззамхоннинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги мақола ҳам фактларга бойлиги ва илмийлиги билан эътиборлидир.

Ижтимоий тенгсизликни замона ҳукдорларининг кирдикорларини қоралаб, халқнинг орзу-интилишларини куйлаган истеъдодли шоир, моҳир хаттот ва маърифатпарвар Убайдулло Ислом ўғли Аламкаш ўз ижоди билан Жиззах воҳасидаги адабий ҳаракатга



иҷобий таъсир этди, уни янги мотивлар билан бойитди. Шоир шеъриятининг юксак ғоя, теран мазмунга эга эканлигини унинг 7 минг мисрадан ортиқ адабий мероси исботлайди.

Рисолада бу каби қатор иҷобий фазилатлар кўп. Лекин баъзи ўринларда китобхонда мулоҳазали фикрлар пайдо бўлади. Жумладан, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида ижод этган кўпгина шоирлар ижодида юз берган баъзи бир ижодий чекланишлар Жиззах воҳасидаги шоирлар ижодида содир бўлмаганмикан, деган савол туғилиши мумкин. Шу каби масалалар мазкур рисолада кенгрок ёритилса, яхши бўлар эди.

Хулоса қилиб айтганда, адабиётшунос И.Сувонкуловнинг мазкур рисоласи XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги ўзбек адабиётининг кам ўрганилган саҳифаларига бағишланган муваффақиятли тадқиқотлардан бири бўлиб, адабиётшунослигимизга қўшилган муҳим ҳиссадир.

**Д. ТЎРАЕВ,**

*Ҳ.Олимжон номли Қариш давлат  
педагогика институтининг доценти*



## ЭЪЗОЗГА САЗОВОР ДОМЛА

Иноятулла Сувонкуловни талабалик йилларидан танийман. Ундан кейинги қирқ йиллик фаолияти ҳам кўз ўнгимда. Шу боис ўз касбига фидойи, жонкуяр, куюнчак шу домла тимсолида ундан дарс олаётган талабалар ҳам кўп фойда кўрганликларига, адабиёт фани ҳамбойиборганигагувоҳлик беришга ҳақлиман. Умуман, Иноятулла домла камтарлиги, шарқона хушмуомалалиги, ҳалимлиги, қобиллиги, орифлиги, поклиги, ҳалоллиги билан илмий жамоатчилик ва талабалар орасида ҳам, ўзи ишлаётган жамоа ўртасида ҳам юксак ҳурмат-эъзозга сазовор. Домла номи билан чиқаётган йирик тадқиқотлар, рисоалар ва мақолалар эса унинг шуҳратини ошириб келаяпти. Домладаги чуқур билимдонлик ва олижаноблик фазилатлари, шубҳасиз, унинг ўқув-тарбия жараёнини самарали ташкил этишга, талабаларга пухта, теран билим беришга, уларнинг маданий савияси ва дунёқарашини ҳар томонлама кенгайтиришга имкон беради. Зотан, ҳаётини ўқитувчилик касбига бағишлаган фидойи домла – устоз қандай бўлса, таълим-тарбия ҳам, ўзлаштириш даражаси ҳам шундай бўлади.

**Наримон ҲОТАМОВ,**

*Ўзбекистон Республикасида хизмат  
кўрсатган маданият ходими*

## ЭЛ ЭЪЗОЗИДА

Меҳр – кўзда, дейди халқимиз. Бунда жуда катта ҳикмат бор. Жиззах вилояти, қолаверса, Ғаллаорол туман халқига бутун қалбини бахшида этган, халқ, элу юрт меҳрини қалбига ва сиймосини кўз қорачиғига сингдира олган зукко олимлардан бири Иноятулла Сувонкуловдир. Олимнинг 30 га яқин каттаю кичик китоб ва рисоалари чоп этилган, шундан қарийб ярми мустақиллик йилларида яратилди, шунингдек, матбуотда 250 дан ортиқ илмий ва илмий-оммабоп мақолалари чоп этилди. Унинг бир қисми Сангзор воҳасининг тарихи, адабий жараёни, улуғ инсонларига бағишланган. У кишидаги бу ҳол туғилган юртга бўлган меҳрнинг бир парчаси, ибрат намунасидир.

Зеро, ижод – қалб даъвати, юрак туғёнининг маҳсули бўлиб, у ҳаётдаги гўзаллик ва эзгуликларни тараннум этади. Агар бу юрак тоғ чашмасининг зилол сувидан, ундан-да покроқ халқнинг, миллатнинг меҳри билан йўғрилган бўлса, қанчалар бахт.

Иноятулла Сувонкуловга ана шундай бахт ато қилинган. Олим улуғ аждодларимиз Махмур Коризий, Муаззамхон, Убайдулла Аламқаш, Нарзулла Нарзий, Инъомхон Маҳжур каби юртдошларимизнинг ноёб кўлёмаларини излаб топиб тадқиқот этди, уларнинг арвоҳларини шод қилди. Айниқса, буюк мутафаккир Сўфи Оллоҳёр ижоди бўйича докторлик диссертациясини ёклаши олимни эл-юрт назарига, Республикамиз олимлари эътиборига туширди, у кишига мартаба келтирди. Ватан ва халқ, юрт ва миллат деб ёниб яшаётган меҳнатқаш, куюнчак инсон, билимдон олим, профессор Иноятулла Сувонкулов 70 баҳорни қаршиляптилар.

Биз бу азиз зотга, тарихимиз ва маънавиятимиз  
заҳматкашига Ғаллаорол булоқлари поклигини,  
сервиқор тоғлари боқийлигини тилаб қоламиз.

**Мамаюнус ПАРДАЕВ,**  
*иқтисод фанлари доктори, Самарқанд*  
*иқтисодиёт ва сервис институти кафедра*  
*мудири, профессор*



## ОЛЛОҲНИНГ ИНОЯТИ

Ҳурматли Ҳожи бобо Сувонқулов, Сиз Оллоҳнинг биз илм талаб фақирларга, баъзи қалб кўзи сўқирларга, ўз ўтмишини билмаган баъзи дили тақирларга раво кўрган иноятисиз. Тинимсиз ҳалол меҳнатингиз, ҳеч бир таъмасиз ва миннатсиз фидойилигингиз, дарё қалбингизу хокисорлигингиз билан номингизга муносибсиз. Домла, мен олий таълим даргоҳининг ўқув хоналарида Сизнинг дарсингизни тинглашдек саодатга мушарраф бўлмаганман. Аммо тақдирнинг хуш тақозолари билан минглаб кишилар иштирок этган мулоқотларда, учрашувларда нутқларингизни берилиб тингладим. Ўзимни қийнаган саволларга жавоблар топдим. Улуғ алломаларнинг тўйларида улуғларга хос чиқишлар қилиб, уларнинг муносиб шоғирдига, муридига айландингиз.

Ҳурматли Ҳожи бобо, бугун Сизга айтар гиналарим ҳам бор. Негаки, кўпчилик ҳузурида сўзларимни тасдиқлатиб олмасам, Сиз яна мийиғида кулиб кетаверишингиз мумкин...

Биринчидан, алла биланми, ғалла биланми бошланувчи бир олис оролдан келиб олиб, икки дунё саодати насиб этган, ер юзининг жаннати сайқали аталган, Соҳибқирон бобомиз юрак қони билан обод этган Самарқанддек бир юртнинг кўчаларини номлаб чиқишга аралашишга нима ҳаққингиз бор! Сиз туфайли қанчалаб дил топмаса ҳам, казо-казоларнинг номи кўчаларга қўйилмай қолди. Бу йўлда пулнинг ҳам кучи қиркилиб қолдиёв. Сизда баъзи бировларнинг алами йўқ деб ҳисоблайсизми?!

Иккинчидан, Сизни ҳам бировлар ғийбат қилишади. Ўша ўзингиз куйиниб номлаган ва номлай

олмаган кўчаларингиздан эшитиб келамиз баъзи гапларни. Эмишқи, Сиз илмнинг машаққатли йўлларида сарфлаган куч-ғайратингизни, топқирлигингизни, донишлигингизни тижоратга қўлласангиз борми, тезда (узок йиллар кутмасдан) Самарқанднинг бойларидан бирига айланиб кетар экансиз... Сиз эса, ҳамон йигирма йил аввал маошингиздан чегириб, зўрға етишган шляпаю камзулни кийиб, иложи борича пиёда, иложи топилмай қолса троллейбусда, жуда нари борса автобусда кўчама-кўча кезиб, игна билан қудук қазиб юрибсиз. Тўғри, пиёда юрсангиз ҳам кўшлар Сизга эҳтиром билан салом беришади. Асосан шоғирдлару мухлисларингиз. Машиналарда ўтганлар эса кўрмай кетишади. Эҳ, ақл топган, илм топган... ва пойи пиёдагина юрган Ҳожи бобом-а...

Учинчидан, Сизга ихлос қўйиб, нутқларингизга тан бериб, бошимизни ғавғога қўйдик. Ўзингиз-ку катта адабиёт ҳақидаги фикрингиз, асарларингиз билан анчагина ҳаққингиз бўла туриб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига расман аъзо бўлмасангиз. Буни бировларимиз камтарлик ва бечорачилиқдан деб изоҳлаймиз. Баъзиларимиз ҳоқисорлик пардасига ўралган каттахилликдиров, деб ўйлаймиз. Нима бўлгандаям, аъзомиз бўлмасангиз ҳам, негадир учрашувларимизга таклиф қилиб қоламиз...

Бу мулоқотларда ғала-ғовурларга тўла саройларга сув сепиб, жим қилиб қўясиз, гоҳо Сўфи Оллоҳёр ҳақида, гоҳо кечаги куннинг, гоҳо бугуннинг ардоқли, севиқли буюклари ҳақида, истиқлол ва ватан ҳақида кутилмаган, эҳтиросли фикрларни айтиб, барча олқишлару қарсақларни усталик билан илиб кетасиз. Вилоятимизнинг бир қатор: Қўшработ, Жомбой, Каттакўрғон, Иштихон, Оқдарё каби туманларида шундай қилдингиз ҳам!

Буям кам эканми, Хоразмда ўтган Самарқанд адабиёти кунларига ҳам Сизни таклиф қилмаймизми?! Воҳ, Урганчда ҳам, Хивада ҳам бўлган мулоқотларда ҳар гал янги мавзулар топдингиз. Хоразмнинг буюк сиймолари ҳақида булбул бўлиб сайрадингиз. Уларга ҳам ўзингизни кўрсатдингиз! Усталикни қарангки, яна Самарқанднинг кўчаларига қайтиб, уларнинг хоразмлик алломалар номи билан аталганларини, бу савоб ишнинг моҳияти ва мазмунини, ораларимиз жуда яқинлигини ажойиб қилиб тасвирладингизки, завқланиб ўзимиз ҳам чапак чалибмиз. Сўнг оғриган қўлларимизга ва андаккина оғриган дилларимизга қараб, ютиб чиққанингизни тан олишдан бошқа иложимиз қолмади... Нега Сиз борган давраларда бизга қарсақлар қолмайди, домла?

Тўртинчидан, туғилган юртингиз, Сангзорингизни унутмадингиз. Қанчалаб сангзорлик ижодкорларни тарғиб қилдингиз, кашф қилдингиз. Улар ҳақида китоб ёздингиз. Бир кун туз еган жойингизга қирқ кун салом бердингиз. Аммо, лекин домла, Самарқанд ҳам саксон кун салом берса арзийдиган юрт.

Бешинчидан, азиз домла, ҳурматли Ҳожи бобо, кўлингиз пок, дилингиз соф кишисиз. Маънавият дунёсида жуда бойсиз. Пиёда бўлсангиз ҳам эъзозларимиз осмонида юрибсиз. Оддий кийимларда ҳам улуғворсиз.

Олтинчидан, бахтсиз ҳодиса туфайли соғлигимни йўқотганимда ҳолимни сўраб, кўнглимни кўкка чиқарган эдингиз. "Қизим касал бўлишга ҳаққингиз йўқ, сиз бизнинг тилимиз учуда турган сўзимиз, булбулимиз" деб яшашга умидлантирган эдингиз. Набирамга хўразқанд оласан, деб пул бердингиз (маошингиздан, албатта, Ҳожи бобони пули табаррук деб уни қайтармайман).



Еттинчидан, ушбу машқим сизга арзимас совға:

*Сизга ҳақирларнинг қўли етади,  
Сизга фақирларнинг қўли етади,  
Қўли узунларнинг қўли етмайди,  
Қўли калталарнинг дили етади.  
Жуда тез англайсиз олам тилини,  
Изтироб, илтижо, алам тилини.  
Нега ўнг қўлингиз кўкракда доим,  
Нега тушунмайсиз амал тилини?  
Жон билан асрайсиз Самарқандимни,  
Онг билан асрайсиз Самарқандимни.  
Минг бир кўчасига кириб чиқасиз,  
Воҳ, тарих йўлида буюк деҳқоним!  
Нурлар тирилади кўзларингизда,  
Тавофлар унади изларингизда.  
Менам Самарқанднинг битта булбули  
Тирилгим келади сўзларингизда.  
Устоз, омон бўлинг, доим соғ бўлинг,  
Мевалари тўкин там-там боғ бўлинг.  
Биз эрка шогирдлар мадад сўрасак,  
Оллоҳ Инояти бирла тоғ бўлинг!  
Камоли эҳтиром билан,*

**Хосият БОБОМУРОВОА,**  
шоира, Ўзбекистон ёзувчилар  
уюшмаси аъзоси





## ФИДОЙИЛИК ТИМСОЛИ

Юртимизнинг ўз мустақиллигини қўлга киритганига чорак асрдан зиёд вақт ўтди. Шу қисқа давр мобайнида қилинган ишлар, эришилган ютуқларимиз салмоғи деярли бир асрга тенглигига гувоҳмиз. Мана шу муваффақиятларимизга шахримиз олимлари ҳам муносиб ҳисса кўшганлигини ўйлаб, кўнглимизда ўзгача фахр, мамнунлик туямиз. Замон шиддат билан олға интилаётганлиги, шу кунларга етишимиз учун заҳмат чеккан кўплаб кишиларнинг бугун орамизда йўқлиги ёдимизга тушиб, ичимизда нимадир узилгандек бўлади. “Тоғдан қанча узоқлашсанг, унинг буюклигини биласан”, дейилган ҳикматнинг нақадар тўғрилигига яна бир қарра амин бўламиз. Ана шундай заҳматқаш олимлардан бири – филология фанлари доктори, профессор Иноятулла Сувонкулов ҳаёт бўлганларида бу йил 85 ёшни қарши олган бўларди.

Иноятулла Сувонкулов Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида туғилиб ўсган бўлса-да, унинг олим сифатида камол топиши, илм чўққиларини бирма-бир эгаллаши Самарқанд шаҳри билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кечди. Ўзбекистон (ҳозирги Самарқанд) давлат университетининг филология факультетини битиргач, унинг фаолияти ўзи туғилган Ғаллаорол тумани халқ таълими тизими, Самарқанд давлат университети, Самарқанд давлат педагогика институти, Самарқанд тиббиёт институти ва Самарқанд давлат чет тиллар институтида давом этди. Ўз фаолиятини мактабда оддий ўқитувчиликдан бошлаган олим олий таълим даргоҳларида оддий тадқиқотчиликдан филология фанлари доктори даражасигача бўлган босқичларни босиб ўтди. Йиллар давомида таълим даргоҳларида кафедраларни бошқарди, илмий раҳбар сифатида илмга эндигина кириб келаётган кўплаб ёшларга етакчилик қилди.

Талабаларга дарс бериш баробарида уларга юртимиз тарихининг етарли ўрганилмаган томонлари, нутилиаёзган маънавий кадриятларимиз, урф-одатларимиз тўғрисида қимматли маълумотлар берди, уларнинг аждодларимиз томонидан асрлар давомида яратилган моддий ва маънавий меросларига ҳурмат, эл-юртга муҳаббат руҳида камол топишларига умрини сарфлади.

Иноятулла Сувонқулов илмда ҳам ўзига хос мактаб яратишга улгурди. Олим ўзбек тили ва адабиёти, тарих, этнография, топонимика соҳаларининг энг долзарб муаммолари ечимини топиш бўйича илмий кузатишлар олиб борди ва салмоқли ютуқларни қўлга киритди. У томонидан яратилган асарлар, илгари сурилган ғоялар мазкур соҳалар бўйича изланиш олиб бораётган тадқиқотчилар учун муҳим қўлланма сифатида бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. “Санзор садолари” (1979), “Асрлар нидоси” (1982), “Жиззах илҳомлари” (1984), “Тафаккур шуълалари” (1985), “Алломалар олами” (1991), “Тиббий одобнома” (1993), “Ғаллаорол оҳанглари” (1994), “Саъдулла Хитойи” (1995), “Сўфи Оллоҳёр” (1996), “Ғаллаоролнома” (1996), “Ўз уйим – ўз кўрғоним” (1997), “Ғаллаорол беклари шажараси” (1997), “Самарқанд қадамжолари” (1998), “Тиббий ходим маънавияти” (1999), “Самарқанд кўчаларининг янги номлари” (2000), “Қалб гавҳари” (2006), “Тарихимизнинг ўчмас саҳифалари” (2010) китоблари ана шундай қимматли асарлар жумласига киради.

Олимнинг илмий салоҳияти ҳақида сўз юритар эканмиз, унинг аждодларимиз маънавий меросини тиклаш борасида қилган ишлари, ҳафталаб, ойлаб Жиззах вилоятининг чекка қишлоқларида илмий кузатишлар олиб борганлигига ўзимиз гувоҳ бўлганмиз, ундаги илмга чанқоққликка, интилувчанликка ҳавас қилганмиз. Олимнинг бу саъй-ҳаракатлари албатта, изсиз кетмади. У ўтган

асрларда Жиззах вилоятида яшаб ўтган Махмур Коризий, Убайдулла Аламқаш, Муаззамхон, Иномхон Маҳжур, Нарзий каби мумтоз адабиётнинг қатор вакиллари кашф этди, адабиёт аҳлини ўз даврида “Жиззахнинг XIX аср Зебуннисоси” деб номи билан машҳур бўлган шоира Муаззамхон билан бойитди, унинг ижодидан баҳраманд этди. Олимнинг Сангзор воҳасининг топонимикасига, жой ва булоқлар номланишига оид фикрлари, ўзбек уруғларининг таснифи бўйича тўплаган қизиқарли маълумотлари республикамизнинг нуфузли нашрларида, турли илмий тўпламларда эълон қилинган юзлаб мақолаларда ўз ифодасини топди. Дарҳақиқат, тафаккур қамрови кенг, фаннинг турли соҳалари муаммолари бўйича мустақил фикр билдира оладиган серқирра олим эди Иноятулла Сувонқулов.

Иноятулла Сувонқулов нафақат адабиётшунос олим, балки тарихимизнинг зукко билимдони, фаол жамоатчи сифатида ҳам шахримиз ижтимоий ҳаётида бўлаётган ўзгаришларда топонимист олим сифатида фаол иштирок этди. Бу айниқса, мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, аждодларимиз номларини тиклаш мақсадида мамлакатимизда маъмурий-ҳудудий тузилиши топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартиришга оид қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш бўйича вилоятимизда амалга оширилган қатор тадбирларда етакчилик қилди. Унинг бевосита саъй-ҳаракатлари натижасида шахримиздаги юзлаб кўчалар номлари буюк аждодларимиз номлари билан аталадиган бўлди. Олимнинг бу борадаги ишлари “Тарихимизнинг ўчмас саҳифалари” китобида ўз аксини топган.

Юрт фарзандининг эл-юрт олдидаги хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланди. Унинг 1999 йилда “Шуҳрат” медали, 2000 йилда “Устоз” фахрий унвони, 2001 йилда “Ўзбекистон Республикаси

Мустақиллигининг 10 йиллиги” эсдалик нишони ,2006 йилда “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллиги” эсдалик нишони, 2011 йилда “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллиги” эсдалик нишони билан тақдирланиши шундан далолат беради.

Олим бугунги кунда орамизда бўлмаса-да, у бошлаб берган ишлар шогирдларининг илмда эришаётган ютуқларида, олиму талабалар кўлидан тушмаётган китобларида яшаб келмоқда. Зеро, олим умрининг мазмун-моҳияти ҳам шунда.

**М.Қ. МУҲИДДИНОВ,**  
*филология фанлари доктори,  
СамДУ профессори*



## ФИДОЙИ ИНСОН

Адабиёт ва санъат – ҳар бир халқ тарихининг ажралмас қисми. Шу маънода олганда Ғаллаорол тарихи қанчалик қадим бўлса, унинг маънавий-маданий ҳаёти ҳам шунчалик бойдир.

Махмур Коризий, Убайдулла Аламқаш, Фозил шоир ва бошқа ижодкорларнинг асарларини тўплаб алоҳида китоб ҳолида чоп этиш зарур. Бу фақат ўтмиш тарихимизни тиклаш учун эмас, балки бугунги ёш авлодни бой маънавий-маданий меросимиз билан яқиндан таништириш, уларни Ватанга, тарихимизга муҳаббат руҳида тарбиялаш учун ҳам зурурдир.

Ўрни келганда ғаллаороллик олим, ўз юртининг фидойиси, маънавиятимиз ва маданиятимиз тарғиботчиси, филология фанлари доктори, профессор Иноятулла Сувонқуловнинг Ғаллаорол адабий муҳитини ўрганишда олиб бораётган савобли ишларини айтиб ўтиш керак. Олимнинг Махмур Коризий, Убайдулла Аламқаш, Нарзий, Фозил шоир каби ғаллаороллик шоирлар ижодини тадқиқ этиб, кенг жамоатчиликка танитишда хизмати катта.

Ғаллаорол фарзанди, қадрли олим Иноятулла Сувонқулов ўзи туғилиб ўсган юртга чуқур ҳурмат кўрсатиб, эл эҳтиромига сазавор бўлди. Бу юрт шоирларнинг номини кенг жамоатчиликка танитди. Зеро, халқни улуғлаган инсоннинг номи ҳам эъзозланиб, тарих саҳифаларида муҳрланиб бораверади.

**Салоҳиддин НАЗАРОВ,**  
меҳнат фаҳрийси

## ИБРАТЛИ ҲАЁТ

Бугунги кунда мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарликларида ўз юрти, тили, маданияти, кадриятлари тарихини билишга ва ўрганиш учун кенг имконият ва шарт-шароитлар яралиб, кекса авлодга, айниқса, устоз-ураббийларга алоҳида эътибор берилмоқда. Жиззах вилояти, Ғаллаорол туманида туғилиб истиқомат қилган, эл-юрт хурматига эришган ажойиб олим Иноятулла Сувонкулов тўғрисида ўз фикрларимни билдирмоқчиман.

Филология фанлари доктори, профессор И. Сувонкуловни ўттиз йилдан ошиқроқ вақтдан буён танийман, биламан. У киши билан биз олий ўқув юрти ўқитувчиси бўлсак-да, мутахассисликларимиз ҳар хил. Мен математик у киши филолог эдилар. Биз кўпинча у кишининг қизлари Матлубахонникида учрашар эдик. У киши бизларга доимо ўзбек тили ва адабиётидан жуда кўп қизиқарли ва тарихий воқеаларни сўзлаб берар, ҳар Тошкентга келганларида, албатта, ўзлари ёзган, энди босмахонадан чиққан китобларидан бизларга тақдим этар эдилар.

Мен у кишининг тантанали 65 йиллик юбилейлари Самарқандда ўтказилганда қатнашиш шарафига муяссар бўлганман. Ўшанда мен И. Сувонкуловни ўзи мактабини яратган буюк олим эканлигига ишонч ҳосил қилган эдим. Шунда бир қанча шогирдларининг, кийналиб ўқишган талабаларнинг у кишидан олган илм ва беғараз ёрдамлари тўғрисидаги айтишган миннатдорлик фикрларига гувоҳ бўлдим.

Устоз профессор И. Сувонкулов кўп йиллик педагогик фаолияти мобайнида юксак малакали мутахассисларни тайёрлашга муносиб ҳиссасини қўшганлиги боис, у мутахассилар ҳозирги кунда республикамизнинг турли хил идораларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Шу жиҳатдан қараганда И.Сувонқулов зукко, билимдон, камтарин ва бағрикенг устоздир.

Устозни нафақат илм аҳли, балки Самарқанд вилояти ва шаҳридаги маънавият ва маърифат соҳасининг мутахассислари, ҳокимият ва шаҳар аҳолиси юксак даражада қадрлашларига гувоҳ бўлганмиз.

Эътиборли томони шундаки профессор И.Сувонқуловнинг меҳнатсевар, донишманд, камтарлиги, теран фикри, узоқни кўра билиши, меҳрибон ва талабчан илмий раҳбар сифатидаги фазилатларидан далолат берувчи кўплаб жиҳатларини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин.

Устоздаги меҳр-оқибат, инсонпарварлик, теран фикр юритиши бутун ҳаётида намоён бўлган инсонийлик фазилатидир. Унинг оғир-босиқ, вазминлиги, хушфешлиги, ҳазил-мутойибани хуш кўришлиги, инсонларга меҳр кўзи билан қарашлиги барчанинг хурматига сазовор бўлар эди.

Профессор И.Сувонқулов садоқатли, меҳр-оқибатли инсон бўлиши билан бирга, шогирд ва кишлоқдошлари, фарзандлари, келин ва куёвларига айниқса ака-укаларига ҳам хурмат билан эътибор кўрсатадиган самимий инсон эдилар.

Самимий, камтарин, бебаҳо устоз, агар ҳаёт бўлганларида бу йил таваллуд топганларининг 85 йиллигини нишонлаган бўлар эдик. У кишининг илмий педагогик ва олийжаноб савобли ишларини фарзандлари ва ўсиб келаётган набиралари, шогирдлари давом эттиришига ишончимиз комил.

**Нарзикул Шербоев,**

*Россия табиий фанлар Академиясининг  
Академиги Техника фанлари доктори,  
профессор*

## ИЛМДА МАКТАБ ЯРАТГАН ОЛИМ

Самарқанд адабий муҳиtida илмий фаолияти ва ижодий салоҳияти билан ўзига хос ўрин тутган, фидойи олимлардан бири филология фанлари доктори, профессор Иноятулла Сувонқуловдир.

Маълумки, мустақиллик йилларида ҳукуматимиз раҳбариятининг халқимизнинг деярли бир аср давомида унутилаёзган маънавий қадриятлари, урф-одат ва анъаналарини тиклашга ва тарихимизнинг халқимиздан сир тутилган ёки унутилган жиҳатларини очиқ беришга эътиборнинг кучайиши натижасида юртимизда жой номларини қайта кўриб чиқиш кун тартибидаги масалага айланди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кечган жараён натижасида қадимий ва, навқирон Самарқандимизда ҳам бугунги кун талабларига жавоб бермайдиган кўплаб кўчаларнинг номларини ўзгартиришга киритилди.

Иноятулла Сувонқулов бу жараёнда вилоят топонимик комиссияси аъзоси сифатида фаол иштирок этди. 2012 йилда “Зарафшон” нашриётида китобхонлар оммасига мўлжалланган, Самарқанд шаҳри кўчаларига номлари қўйилган тарихий шахсларнинг ҳаёти-фаолияти хусусида қисқача маълумот берувчи, уларнинг изоҳлари келтирилган “Тарихимизнинг ўчмас саҳифалари” рисоласи нашр қилинди. Муаллиф бу борада 1996 йил 30 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш топонимик объектларга ном бериш ва уларни номларини ўзгартириш масаласини ҳал этиш тартиби”га ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 11 август 383-сонли “Ўзбекистон Республикасида





маъмурий-худудий бирликлар аҳоли пунктлари тарихий жойларга ва бошқа топонимик объекларга ном бериш ишларини тартибга солиш тўғрисида"ги қарори билан бу борадаги тавсиялар ҳамда Ўзбекистон Республикасида қуриладиган ёдгорликлар ва ҳайкалларни кенг ёритиш ва уларни ўрнатиш тартиби тўғрисида тасдиқланган муваққат низом асосида кузатишлар олиб борди. Олимнинг бевосита саъй-ҳаракатлари натижасида шахримиздаги юзлаб жой ва объектларнинг тарихий, миллий аънаналаримиз ва қадриятларимизга, маънавиятимизга бегона бўлган номлари ўзгартирилди. Биргина Самарқанд шаҳрида 400дан ортиқ кўчаларнинг номлари миллий ғоямиз ва тарихан шаклланган маънавий қадриятларимиз асосида қайтадан номланди.

Профессор И.Сувонкуловнинг шахримиз кўчаларини номлаш бўйича олиб борган изланишлари, номшунослик масалаларини жиддий тадқиқ этиши ва номлашда айрим кўчаларга номлари қўйилаётган шахслар тўғрисида батафсил изоҳ бериши ўқувчини мозий сари етаклайди. Унинг тасавурида жой номлари нафақат жой, балки шу миллат тарихидан гувохлик беради. Шу боис ҳар бир киши ўзи яшаётган жой тарихидан хабардор бўлиши ва буни фарзандлари онгу шуурига ҳам сингдириши лозим.

Қитоб кенг китобхонлар оммасига мўлжаллаб ёзилган бўлса-да, у илмий жиҳатдан ҳам аҳамиятлидир. Асардан ўрин олган ҳар бир кишининг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида берилган маълумотлар келгусида Самарқанд тарихи бўйича илмий тадқиқот олиб борувчиларга ёрдам бериши табиий.

Муаллиф кўчаларни номлашда тарихий манбаларга таяниб иш кўрган. Масалан, Самарқанд шаҳридаги собиқ Свидерская кўчасини шоира Муаззамхон номи билан аташининг асосини муаллифнинг "Шоира

Муаззамхон (Ҳаёти ва ижодиға чизгилар, Тошкент:, “Янги аср авлоди”, 2005) китобидан билиб олишимиз мумкин. Парча келтирамиз: “Профессор Орифжон Икромовнинг кўп бор такрорлайдиган жумласи бўларди: Наҳотки, Ҳамид Олимжон сингари ўнлаб ёзувчиларни етиштирган Сангзор воҳасининг ўтмиш ижодкорлари бўлмаса?!”

Ана шу гаплар туртки бўлди-ю, 1966 йилда елкадош ва сирдош, ҳамфикр дўстим Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев билан жиззахлик истеъдодли шоир Назиржон Баракаевнинг уйига бордик.

Назиржон очик чехрада шу мисралар билан бизни қарши олди:

*Кулбаи вайронага озода меҳмон келдилар,  
Байтул-аҳзоним аро Яъқуби Канъон келдилар.  
Ҳашву лағву сўзлардин баса бемор эдим,  
Маърифатни шаҳдини бермоққа Луқмон  
келдилар.*

– Суҳбатимиз давомида маълум бўлдики, бу мисралар “Жиззахнинг XIX аср Зебуннисоси” деб ном олган зукко шоира Муаззамхон қаламига мансуб экан. Назиржон эса Муаззамхоннинг невараси бўлиб чиқди.

Энди бизнинг диққат-эътиборимизни шоира Муаззамхон Мирсаид қизи ижоди тортиб қолди. Мен бир неча кун Жиззахда қолиб, Токчилик маҳалласида яшовчи Муаззамхоннинг ўғли Зайниддинхон, қизлари Мўътабархон аядан Муаззамхон ҳақида анчагина маълумотлар тўплашга муваффақ бўлдим.

Шоиранинг қариндош-уруғларидан унинг бошқа шеърларини қидирдик. Жиззахнинг Навоий номли жамоасида яшовчи Муҳаммадхўжа исмли адабиёт ихлосманди оиласида Муаззамхоннинг ўн бешта шеъри жамланган, шоиранинг шогирди Шарофат биби

кўчирган бир кичик мажмуа бўлиб, у сўнгги вақтда Назиржон Баракаев қўлида сақланган. Назиржон уни бизга тақдим этди.

Яна Муаззамхоннинг 54 та шеъри жамланган кичик шеърий мажмуаси борлиги маълум бўлди. Мажмуа Тошкентда яшовчи ёзувчи Оқилжон Хусанов қўлида сақланар экан. Назаримда энди тадқиқотимизга асос бордек эди”.

Китобдаги ушбу сатрларни ўқир эканмиз, Иноятулла Сувонкуловнинг шахримиз кўчаларини номлашда тарихий манбаларга суянганлигини, уларни синчиклаб ўрганиб чиққанлигини, ҳар бир ҳолатда ҳам чуқур илмий манбаларга таяниб иш кўрганлигини англаймиз. Унинг китобда кўча номларини изоҳлашда тарихийлик тамойилларига қатъий амал қилганлиги собиқ “Республиканская” кўчасининг “Ялангтўш Баҳодир” деб аталишида ҳам кўринади. Асарда Ялангтўш Баҳодирнинг ўзбекларнинг олчин уруғига мансублиги ва Бойҳожиде исмли кишининг ўғли бўлганлиги тўғрисида келтирилган маълумотлар тарихий ҳақиқатларга тўла мос келади.

Биз юқорида Иноятулла Сувонкуловнинг юртимиз тарихини яхши биладиган олим сифатида Самарқанд шаҳри кўчаларини номлашдаги хизматлари тўғрисида қисқача тўхталиб ўтдик.

Зеро, ўзбек илм-фани тараққиётига, миллий-маънавий кадриятларимиз тикланишига салмоқли ҳисса қўшган серкирра олим сифатида Иноятулла Сувонкулов номи абадиятга дахлдордир.

**Х. Н. НОРМУРОДОВ,**  
*“Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими  
кенгаши раиси*

## ФИДОЙИЛИК НАМУНАСИ ЭДИ

Иноятулла ака сунъийликни, нотабийликни хушламасди. Шогирдларига, умуман ёшларга, ҳам-касбларига ўзини ҳам ортикча таърифлашларига йўл қўймасди.

Бир куни тадбирдан чиқиб келаётганимизда қўлимдан ушлаб насихат қилди.

– Ука, кўрдингизми, кечагина устидан думалок хат ёзиб, давраларда масхара қилиб турганлар бугун домлани авлиё, деб мақташди. Бунақаларни жиним ёқтирмайди...

Домла илмий фаолиятининг дастлабки 20 йилини халқ оғзаки ижодини ўрганишга, охириги 20 йилини эса алломаларимиз маънавий меросини тадқиқ қилишга ва улар номини абадийлаштиришга сарфлади.

И. Сувонқулов 2007 йилдаёқ Регистон майдо-нидаги "Шоирлар боғи"дан вақтинча, деб олиб қўйилган оқинлар Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Ислом шоир Назар ўғли ҳайкалларини жойига келтириб қўйиш лозимлигини таъкидлади. Бу ҳақда матбуотда чиқиш қилди, тегишли идораларга хатлар ёзди. У кишининг орзуси 10 йил ўтиб ушалди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг саъй-ҳаракати билан ҳайкал ўз ўрнини топди.

Топонимик жойларга ном бериш вилоят комиссияси таркибида домла билан бақамти ишлаш жараёнида у кишидан кўп нарса ўргандим. Иноятулла ака айниқса, Самарқанд шаҳри кўчаларини қайта помлашда биздан эски русча номларни оддий ўзбекчага ўгириш билан қутулиб қолмасликни талаб қилди. Бу заминда яшаб ўтган буюклар номини тарғиб қилди. Тарихий жойлар номини сақлаб қолишда ҳам

қатъиятлилик кўрсатди. "Самарқанд кўчалари номи" номли библиографик услубий китоб чоп этди.

И.Сувонкулов зиёфатбоп ўтиришлардан ўзини олиб қочар, аксинча, илмга, бирор ижтимоий масалага бағишланган машварат ва суҳбатларни хуш кўради. Ўзи билган масалани ҳамкасбларига, ёш зиёлиларга чин дилдан тушунтиришга интиларди. Шу сабабли Самарқандда домланинг кўнгилдошлари, маслакдошлари кўп эди.

Бир суҳбатдаги гаплари ҳеч ҳам эсимдан чиқмайди:

– Укалар, – деди у киши. – Эътикод думалок бўлмайди. Унинг бақувват устунни бўлади. Ҳавасингиз келган, озгина манфаати теккан гапларга, фикрларга эргашиб кетаверманглар. Ҳар бир зиёли илмга дахлдор. У доимо ўйлаши, ўқиши, таҳлил қилиши ва хулоса чиқариши керак. Янги фикр айтишда у кимгадир ёқмаслигидан кўрқманглар. Ҳаммага ёқаман, деган одам субутсиз бўлади.

Домла ўзининг ана шу ақидаларига риоя этиб яшади. Унинг бошқаларга ибрати ҳам ана шунда.

**Фармон ТОШЕВ,**  
*"Зарафшон" ва "Самарқандский вестник"*  
*газеталари бирлашган таҳририя ти бош*  
*муҳаррири*

## УСТОЗ ЁДИ МУНАВВАРДИР

*Яхшиларнинг ёди мудом жондир,  
Ки, хотира, юракларга туйилган меҳр.  
Дуоларда ўтганларнинг руҳлари яшар,  
Хотира-ю, қадрлашда илоҳий сеҳр.*

Ҳа, дунёда шундай инсонлар бўладики, улар ҳаётлик чоғидаёқ, ҳамиша тириклик олами унута олмайдиган муносиб ҳайкал яратиб қолдирадилар ўзларига. Улар ҳаётнинг гўзаллигини, унинг бетакрорлигини, ўзидан кейинги авлодларга янада нафисроқ мазмунда етказишга интилиб яшайди. Авлодларнинг ҳеч бўлмаса, шогирдларининг қалбида ватанпарварлик ва инсонийлик туйғуларининг шаклланишини кўриш учун фидойи бўладилар. Ана шундай туйғу билан яшаган инсонлардан бири Самарқанд давлат чет тиллар институтининг собиқ профессори Иноятулла Сувонкулов эди. Юксак камолга етган илмли, юқори маданиятли кишиларнинг биринчи хусусияти камтаринлик, самимият ва соддалик деганларидек, Иноятулла Сувонкуловда бундай фазилат тўлиқ мужассам эди. Шу туфайли улар институтнинг барча жамоаси орасида доим ардоқланарди. Унинг институт жамоаси орасида бағри кенг, ўта сахий, меҳридарё, қалби соф, тўғрисўз, истъоддли ва кўп қиррали ҳамда сермахсул ижодкор сифатида муносиб ўрни бор эди. Домла ўзига якин қардошлари ёки тенгдошлари билангина эмас, ҳамма билан дўст, барча талабаларга, шогирдларига эса, меҳрибон отадек муомалада бўларди. Домла асли Жиззахнинг Ғаллаорол туманидаги Кориз (Кўрик) қишлоғида таваллуд топган бўлса-да,

бу тун республикамиз илмий жамоатчилиги унинг ҳамшаҳри, ҳамюртидек эди.

Ўзининг юксак фазилатлари билан барчанинг хурмат-эҳтиромига лойиқ бўлган Инноятулла Сувонкулов илк илмий фаолиятини ўқитувчилик давридан бошлаган эди. У Ғаллаоролдаги Кориз (Қўриқ)даги мактабда ўқиб юрган чоғларида аввал ўқитувчилик касбига меҳр билан қараган. Ҳатто, бошланғич синфларда устозлари ўрнида дарс ҳам берган. Ана шу муаллимлик касбини севганлиги боис ўрта мактабни тугатгач, Самарқанд шаҳридаги икки йиллик ўқитувчилар тайёрлов ўқув юртига, сўнг Ўзбекистон давлат университети (ҳозирги СамДУ)га ўқишга киради.

Олий маълумотли дипломга эга бўлгач, у Ғаллаорол туманидаги Қўйтош кўрғони (маркази) даги 4-сонли ўрта мактабда ўқитувчилик фаолиятини бошлади. У муаллимлик ниҳоятда шарафли ва шу қадар машақатли эканлигини жуда яхши биларди. Чунки мактабда ўқуви даврида талабчан ва масъулиятли устозларининг фаолиятига ҳавас билан қараб, улардек муаллим бўлишни истарди. Ўқитувчиликка бўлган бу ҳавас университетдаги талабалик даврида уни янги орзу-мақсадлар сари етаклади. Олий таълим даргоҳида ҳам мактабдаги иш фаолияти даврида ҳам унинг илмга, илмий тадқиқот ишларига интилиши тўхтамади. Чунки илмга ва устоз мурабийликка интилиши унинг қалбида анча илдиз отган эди.

Унда илк бор илмий мушоҳадага қизиқиш устоз олимлардан Х.Дониёров раҳбарлигидаги талабалар илмий тўгарагидаги бир мунозара сабаб бўлган. Ёш талабанинг илмий мушоҳадаси илк бор 1956 йилда “Ўқитувчилар” газетасида “Дарслик ва қўлланмалар



ҳақида мулоҳалар” номи билан чоп этилди. Унинг ушбу мақоласида 8-синф ўзбек адабиёти дарслиги ва хрестоматиясидаги баъзи бир ўқув материаллар талабга мос келмаслиги танқид қилинган эди. Шунингдек, унинг илк илмий изланишларидан бири Ибн Сино ижодини ўрганиш бўйича илмий тўғаракда ўқиган маърузаси бўлиб, у туфайли И.Сувонқулов иқтидорли талаба сифатида устозлар диққатини жалб этганди. Шу-шу у ўзининг илмий маърузалари билан институт, вилоят ва республика миқёсидаги талабалар илмий анжуманларида, олимпиадаларида бир неча бор чиқишлар қилиб, совринли ўринларни олишга муяссар бўлиб келди.

Ёш иқтидорли талабанинг ўзида илмий қобилият борлигига ишончи кундан-кун оша борган. У университетни битиргач, мактаб ўқувчиларига таълим бериш жараёнида бу ишончини мустаҳкамлаб борди. Бўлажак ёш олим ўз илмий изланишларини Галлаорол ва Жиззах воҳасидаги эски ёзувида (араб алифбоси)даги ноёб кўлёмаларни йиғиш ва ўрганишдан бошлади. Аммо у севган касбига ҳам эътиборини сусайтормади. Илғор педагог сифатида мактаб жамоаси билан ҳамкорликда 18 та фан кабинетини ташкил этиб, ўша даврларда энг илғор таълим усули ҳисобланган “Лепецкий” методини жорий қилишда фаоллик кўрсатган. Бу методнинг ижобий фазилатларини акс эттирувчи ўрта мактаб таълимда “Лепецкий” методининг афзаллик томонлари мавзусида 2 та илмий-методик мақоласини 1962 йилда “Совет мактаби” журналида чоп эттириб, баҳс-мунозара бошланишига сабаб бўлган. Унинг ташаббускорлиги билан мактабда иқтидорли ўқувчиларни ижодкорликка жалб этиш мақсадида ўқув тўғарагининг “Ёш қаламкашлар”



альманахи жорий қилинган ва бевосита раҳбарлигида ўқувчиларнинг шеърӣ ва насрий ижод тўпламлари чиқарилган.

Ниҳоят заҳматкаш ва ташаббускор муаллимнинг илмга чанқоқлиги уни яна олий ўқув даргоҳига етаклаб келди. У СамДУдаги устозлари тавсияси билан 1964 йилда Қарши давлат педагогика институти (ҳозирги ҚарДУ)га, 1964–1965 йиллардан эса, СамДУ қошидаги аспирантурада ўз фаолиятини давом эттирди. Ёш истеъдодли олимнинг илмга етакловчи устозлари академик В.Абдуллаев, профессорлардан О.Икромов, Х.Дониёров, Н.Шукуров, С.Мирзаевлар бўлишган. У академик Воҳид Абдуллаев раҳбарлигида “XIX аср охири ва XX аср бошларида Жиззах воҳаси шоирлари поэтик мероси” мавзуида филология фанлари номзодлиги диссертациясини 1970 йилда муваффақиятли ҳимоя қилди. Шундан сўнг Самарқандда янги ташкил этилган педагогика институтида узоқ йиллар (1968–2012) давомида ўқитувчи, доцент, кафедра мудирӣ, декан вазифаларида фаолият кўрсатди.

1990–1995 йилларда Самарқанд тиббиёт институтида ўзбек тили ва адабиёти кафедрасининг мудирӣ вазифасида ҳам ишлаб келди, домланинг бевосита ташаббуси билан 1995 йилда СамДЧТИда тарих ва маънавият кафедраси ташкил топди ва уни И.Сувонқулов то умрининг сўнгги даврларигача бошқарди. У ўзининг турли соҳалардаги иш фаолияти даврида илмий тадқиқот ишларини бир дақиқа ҳам тўхтатмади. Сермахсул олимнинг илмий ишлари серқиррадир. Масалан, ўтган асрнинг 80-йилларида даставвал адабиёт методикаси билимдони сифатида “Эргаш Жуманбулбул ўғлининг ҳаёти ва ижодини мактабда ўрганиш, “Мактаб ва адабиёт”, “Адабиёт

Ўқитишнинг муҳим муаммолари” каби рисолалари, “Ҳамза ижодини мактабда янгича ўрганиш”, “Зайнаб ва Омон” поэмасининг янгича талқини”, “Кўкан” поэмасининг муҳим қирраларини янгича таҳлил қилиш” ҳамда Гулханий, Муқимий, Турдий, Фуркат ижодларини янгича таҳлил асосида ўрганишга бағишланган ўнлаб мақолалари, илмий-методик тўпламларда ва газета-журналларда чоп этилган.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, олимнинг илмий-методик ишларидаги мавзулар янгича талқин ва мулоҳазали фикрлар, янги давр буюртмаси талаби асосида ёзилганлиги боис анча мунозаралар ва қарашларни келтириб чиқарди. Чунки олимнинг ўша даврлар (1970–1980 йиллар)даги дадил ва фидойилиги билан илгари сурилган янгича таҳлилдаги фикрлари кўпчиликка ҳали ҳазм бўлавермаган. Шу боис улар кўп қийинчиликлар билан ва анча қисқартирилган ҳолда нашр этилган эди. Бундай эътироз ва қаршиликларга қарамай, Иноятулла Сувонкулов фольклоршунос олим сифатида мунозараларга сабаб бўлган мақолаларини “Сангзор садолари” (1979), “Тафаккур шуълалари” (1984), “Ғаллаорол оҳанглари” (1994) каби рисолаларига киритиб чоп этди. Уларнинг ҳар бирида мулоҳазали янги фикрлар мавжуд. Масалан, Фозил шоир ҳақидаги мақоласида ўз қайнотаси Йўлдош бахшининг исм-шарифига ўтиб қолганлиги, аслида унинг отаси Тўхтамиш эканлиги янги топилган материаллар билан асослаб берилган. Шу каби Фозил шоир Булунғур туманида эмас, балки Ғаллаоролда таваллуд топганлигини, лекин ёшлик даври эса Челақнинг “Қўмчиқ” қишлоғи билан боғлиқлиги ҳамда укаси Маматқул Тўхтамиш ўғли Челақда яшаганлиги каби муҳим маълумотлар китобхонларга ҳавола этилган.



Олимнинг асосий илмий ишлари классик меросимизни тадқиқ этишга бағишланган. Зукко олим томонидан ёзилган мақолаларнинг ўзи 300 га яқиндир, уларнинг аксарияти мумтоз адабиётимизнинг долзарб масалаларини ёритишга бағишланади. Уларнинг баъзилари Имом ал Бухорий, Маҳдумий Аъзам, Офокхўжа ва Машраб, Нодирабегим ва Умархон муносабатлари масаласининг янги талқинига бағишланади. Хусусан, 50 га яқин ўқув-услубий қўлланма ва тавсиялари, рисола ва монографиялари мавжудки улар ўқув-таълимий жараёнда кенг қўлланилиб келинмоқда. Жумладан, юқорида қайд этилган китоблари қаторида у яна “Лутф айлаб”, “Саъдулла Хитойи Каттақўрғоний”, “Сўфи Оллоҳёр”, “Ғаллаоролнома”, “Ўз уйим – ўз қўрғоним”, “Тиббий ходимлар маънавияти”, “Маънавият илдизлари”, “Туғёнли қалб” каби жуда кўп китоблар яратган. Айниқса, унинг Сўфи Оллоҳёр ижодига бағишланган илмий монографияси ва махсус китоби ва 30 дан ортиқ мақолалари таҳсинга лойиқ. Уларда адибнинг буюк хизматлари ҳолисона талқин этилган. Жумладан, олимнинг ҳақли равишда ёзишча, Сўфи Оллоҳёрнинг буюк хизматларидан бири шундаки, “агар Хўжа Аҳрор Вали, Маҳдуми Аъзам каби аллома бобокалонларимиз сўфия тариқати таълимотини ижтимоий ҳаётга татбиқ этишда намуна кўрсатган бўлсалар, Сўфи Оллоҳёр бу тариқатнинг барча даврлари учун долзарб, миллий шарқона ғоя умуминсоний, ахлоқий-таълимий қарашларни ибодат жараёнига, мактаб-мадрасалар таълими тизимида олиб кирди”.

Тиниб-тинчимас сермахсул олим Шоноятулло Суъбонкулов 1997 йилда ўз изланишлари якуни сифатида “Сўфи Оллоҳёр ва унинг адабий

анъаналари” мавзуида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Ушбу муҳим тадқиқот республикамизнинг таниқли адабиётшунос олимларининг олқишларига сазовор бўлди. Масалан, Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият Қурилиш академиясининг собиқ ректори филология фанлари доктори, профессор Нажмидин Комилов олимнинг ушбу тадқиқотига баҳо берар экан, “Тадқиқот ҳам материали ҳам, илмий таҳлили билан биз учун янги бир кашфиётдир”, деб ёзади ўз тақризида. Шунингдек, таниқли адабиётшунос-яссавийшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Иброҳим Ҳаққулов ҳам ушбу тадқиқот ҳақида фикр билдириб, “Илмнинг мавқеи ва ривожини кўпинча ва кўп жиҳатдан мавзунинг истиқболига боғлиқ. Истиқболсиз мавзулар илмга нечоғлиқ зиён етказишишини кўрдик ва билдик. Сўфи Оллоҳёр ҳақидаги илмий иш эса изланиши жиҳатдан ҳам, келажакда кўп янги тадқиқотларга йўл очиш жиҳатидан ҳам истиқболли мавзудир” деб юксак баҳо беради. Ҳа, ҳақиқатан ҳам олимнинг докторлик илмий тадқиқоти ҳар жиҳатдан таҳсинга лойиқ.

Таниқли олим Иноятулла Сувонқулов вилоят миқёсида жамоат ишларида ҳам фаол эди. Вилоят ва шаҳар ҳокимияти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни амалга оширувчи ва объектларга ном қўйиш Кенгашининг аъзоси ҳамда раис муовини вазифаларни бажариб келган эди. Унинг ташаббуси билан маънавиятимизнинг буюк дарғалари ва тарихий жойлар номлари ўрганилиб, уларнинг номлари шахримизнинг 300 га яқин кўча ва маҳаллаларга қўйилди, шунингдек қадимий номлари тикланди.

Олимнинг намунали иш фаолияти, республикамиз илм-фани, маданият ва маънавияти равнақиға муносиб

ҳисса қўшиб келганлиги давлатимиз томонидан ўз вақтида тақдирланди. Жумладан, “Ўзбекистон халқ таълими аълочиси” кўкрак нишони. “Шухрат” медали ва республикамиз юбилей кўкрак нишонлари, ҳамда фахрий ёрлиқлари, “Устоз” фахрий унвони каби мукофотлар шулар жумласидандир.

Афсуски, ана шундай ажойиб педагог, меҳрибон мураббий, фидойи устоз, таниқли адабиётшунос олим мустақиллик даври яратган ажойиб ҳаётдан баҳраманд бўлишга улгурмади. Бу даврнинг эндигина бошланган даврларида айни ижодий фаолияти барқ уриб ривожланаётган эди.

Бугун биз ана шундай олий фазилатларга эга бўлган олим ижодидан баҳра олиб, устознинг руҳини фахр билан ёд этишга ҳақлимиз.

*Бир садо келади мозийдан мунгли,  
Аждодлар руҳидан сўйлар муножот.  
Ҳар кун эслагаймиз, ҳар он эслаймиз,  
Устозимиз руҳини қилиб хотирот.*

**Усмон САНАҚУЛОВ,**  
*филология фанлари доктори, СамДУ  
профессори*





**И. Сувонкулов устозлари, профессор О. Икромов ва академик В. Абдуллаев билан**



**И. Сувонкулов билан ёзувчи Мақсуд Шайхзода ва унинг дўстлари**



**Эски кўлёмаларини ўрганиш жараёни**



**Ўзбекистон халқ  
шоири Нормурод  
Нарзуллаев ва дўсти  
Хайдар Исломов  
билан**



**И. Сувонкулов турмуш ўртоғи Қаноатхон ая билан Тож Маҳал зиёратида**





**И. Сувонкулов профессор Иброхим Ҳақкулов  
билан суҳбатда**



**И. Сувонкулов  
турмуш ўртоғи  
Қаноатхон ая билан.  
Сочи**



**Самарқандда Гулханийнинг 125 йиллик юбилейи қатнашчилари**



**Садриддин Айний номидаги Самарқанд давлат педагогика институтида шоир ва ёзувчилар билан учрашув**



**Садриддин Айний номидаги Самарқанд давлат педагогика институтидаги ҳамкасблари даврасида**



Сўфи Оллохёрнинг  
олтинчи авлоди  
Кокилхон Эшон  
билан



Дарс жараёнида

Давримизнинг ва ҳамма замонларнинг буюк шоири Абдулла Ориповнинг "Шоирлар ҳаёти" шеърида шундай мисралар бор:

*Шоирлар сурати турибди қатор,  
Мана бу – Лермонтов, мана бу – Фурқат.  
Дунёга сизмаган буюклар ночор  
Бугун рамкалардан боқишар фақат.*

Устоз Иноятулла Сувонкуловни ёд олиб, қўлимга қалам олганимда беихтиёр шоирнинг ана шу ёниқ мисралари кўз олимдан ўтди.

Самарқанд адабий муҳитининг йирик намояндаларидан бири бўлган таниқли адабиётшунос олим Иноятулла домла ҳаётимизнинг кейинги ўн йилликларида вилоятимиз маънавий-маърифий ҳаётида сезиларли из қолдирди. Мустақиллик мафкурасининг жонкуяр тарғиботчиси сифатида вилоятда у зот бормаган ва истиқлолни улуғлаб маъруза қилмаган муассаса ва ташкилот жуда кам қолди. У гоётада юксак нотиклик маҳоратини намоёиш қилиб, турли анжуман ва давраларда Биринчи президентимиз Ислом Каримовнинг юрт тинчлиги ва ободлиги, жафокаш ва фидойи халқимизнинг бунёдкорлик ва яратувчилик ишларининг туб моҳиятини мужассам этган оташин нутқлар сўзларди. Уларнинг бир қанчасида иштирок этиб, Ватанга бўлган муҳаббатнинг инсон учун энг улуғ, энг азиз туйғу эканлигини ҳис қилганман, устоздан ниманидир ўрганишга эҳтиёж сезганман.

Мустақилликнинг илк йилларида маънавий кадриятларимизни тиклаш, улуғ аждодларимиз бизга қолдириб кетган илмий, бадиий ва маданий

меросимизнинг қайтадан қад ростлаши учун улкан ишлар бошлаб юборилди. Худди ўтган асрнинг бошларидаги буюк ўтмишдошларимиз – жадид боболаримизга ўхшаб, яна илғор зиёлилар майдонга чиқдилар. Юрт эгасининг ёнларида туриб "бузилган ўлка"ни тузишга киришдилар. Улар орасида профессор Иноятулла Сувонқулов ҳам бўлганлигини бугун қатъий ишонч ва мамнуният билан айта оламан.

У фидойи инсон серқирра фаолиятининг бир жиҳатинигина очишга уриниб кўраман. Бу – Самарқанд вилоятидаги географик объектлар номларини тартибга солиш ишларидаги домланинг иштироки масаласи.

Мустақиллик арафасида деярли ўзлимиздан ажралган бир пайтда географик объектларни қайта номлаш ҳам жуда муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирлардан бири бўлган эди. Биргина мисол. Жаҳон маданиятининг бешиги деб номланадиган Самарқанд шаҳри кўчаларининг асосий қисми руслаштириб ёки европалаштириб бўлинган эди: Карл Маркс, Энгельс, Ленин, Фрунзе, Свердлов, Шаумян, Октябрьская, Первомайская, Красноармейская, Пролетарская, Воровская ва ҳоказо. Пролетариат дохийларнинг номларини такрор кўйишдан чарчаб қолинганда, кўчалар Шёлководная, Новая, Строительная, Заводская, Артиллерийская, Суперфосфатная, Школьная, Лагерная деб номланиб кетилаверганди. Гўё шундай бўлиши керакдек, одамлар ҳам бунга кўникканди. Бутун Самарқанд гўё ажнабий ўқлардан илма-тешик бўлиб кетган ярадор вужудга ўхшарди.

Мустақиллик бу стереотипни чил-парчин қилиб ташлади. 1996 йилдан эътиборан Юрт раҳбарининг қатъияти туфайли жойларни қайта номлаш борасида қатор ҳукумат қарорлари ва "Географик объектларнинг

номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Бу муҳим ҳужжатлар ижроси бўйича Самарқанд вилоятида амалга оширилган ишларнинг бошида турганлардан бири Иноятулла домла бўлди.

Домла вилоят топонимик комиссияси таркибида минглаб жой номларининг ўзгаришига оид илмий асосланган мулоҳазалари билан иштирок этди. Самарқанд шаҳридаги 300 га яқин кўчаларнинг миллий-худудий қайта номланиши бевосита Иноятулла Сувонқуловнинг машаққатли меҳнати ва асосли таклифи билан боғлиқ бўлди. Дунё илму маърифатига, эл-юрт равнақига ғоят муҳим ҳисса қўшган алломалар, саркардалар, давлат ва жамоат арбобларининг табаррук номлари шаҳар кўчаларига қўйилди. Олимнинг таклиф ва мулоҳазалари унинг "Самарқанд қадамжолари" (Самарқанд, 1998), "Тарихимизнинг ўчмас саҳифалари" (Самарқанд, 2006, 2012) асарларида муҳрланди. Тан олиш керак, бу чинакам маънодаги маънавий жасорат ва фидойилик намунаси эди.

Устоз адабиёт илмининг, хусусан ўзбек адабиёти тарихининг чинакам билимдони эдилар. Унинг "Шоира Муаззамхон" (Тошкент, 2005), "Туғёнли қалб" (Тошкент, 2005), "Қалб гавҳари" (Тошкент, 2006) китоблари олим илмий тафаккурининг ноёб дурдоналаридир. Буюк аждодимиз Сўфи Оллоҳёр ҳақидаги тадқиқотлари эса Иноятулла Сувонқулов илмий кузатишларининг мағзини ташкил этади. Домланинг мулоҳазаларидаги теранлик ва чуқур мушоҳадани кузатганимда, бу закий инсон доимо шу улуг алломанинг руҳи билан яшаганмикан, деган фикрлар ўтади. Устознинг бу дунё молига

қизикмаганлигининг сабаби ҳам шундамикан, деб ўйлайман.

Иноятулла Сувонқулов ўзининг англаган, ўрганганларига амал қилган, илму маърифатнинг қудратини чуқур ҳис қилган ва уни умри давомида бошқаларга сингдиришга интилган мураббий эдилар. Бу камтарин инсоннинг кибру ҳаводан мутлақо йироқ бўлган юришлари ва салобати, одамларга муомаласи ва ғамхўрлиги уни ҳамиша тенгдошлари ва ҳамкасбларидан юқорида ушлаб турарди.

Икки маротаба Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунаввара зиёратида бўлган, умрининг кейинги йилларини тоат-ибодат билан безаган бу ажойиб инсоннинг ёрқин сиймоси ҳамиша кўз олдимда туради. Маърифатли дунёнинг устунларидан бири ҳисобланган Иноятулла домла сингари олижаноб инсонларнинг барҳаётлиги уларнинг бизга қолдириб кетган улкан илмий-маънавий мерос билан ўлчанишига яна бир бор имкон келтираман.

Устознинг руҳлари шод, охиратлари обод бўлсин!

**Суюн КАРИМОВ,**  
*СамДУ профессори*



## ЯНГИ КИТОБ ЁХУД КУЮНЧАК ИНСОН ҲАҚИДА ЎЙЛАР

Жамият тараққиётини унинг фаол, жонкуяр аъзолари белгилаб беради. Иқтисод ва сиёсатда, маданият ва маънавият соҳаларида фидойи жонкуяр зотлар бўлмас экан тараққиётда турғунлик хусусиятлари куртаклайди; кишилар шуурида яратувчанлик руҳини паришонхотирлик, лоқайдлик ҳисси емира бошлайди. Ўз-ўзидан бундай ҳолда тараққиёт учун ижтимоий фаол, ижодий, мустақил фикрлашга қодир, тор шахсий манфаатлардан кўра элу юрт ташвишини кўпроқ ўйловчи инсон ва шахсларга эҳтиёж кучаяди.

90-йиллар ўрталарида устоз Нуриддин Шукуров ва Худойберди Дониёровлар оламдан ўтгач (жойлари жаннатда бўлсин!) Самарқанд адабий муҳитида адабий жараёни ўрганиш ва тарғиб этиш борасида улкан бўшлиқ пайдо бўлди. Бу бўшлиқнинг совуқ нафаси ҳали ҳамон сезилиб қолади. Ваҳоланки, устозларнинг пурвиқор сафдошлари, хушбичим, унвондор катта-ю кичик ўнлаб шогирдлари университет хиёбонида салобат билан сайр этиб юришади... Бошқалари телевидение, радио ва газета таҳририятларида кундалик турмуш ташвишларига ўралашиб, худбинларча кун ўтказиш ёхуд ном қозониш илмижида андармон бўлишади. Таҳририят эшигидан қадам кўйганларга ўзлари учун ҳеч бўлмаганда қуруқ бўлса-да иззат-ҳурмат, сохтароқ кўринса-да мулозамат умидида термилишади...

Бундайларда устозларга хос, шахсга муносиб бағрикенглик, жадидона миллатпарварлик шаклланади, инсоний ёхуд касбий жасорат юксалади!



Сўнгги йилларда устозлар саъй-ҳаракатини давом эттиришда профессорлар Ҳожи Иноятулла Субҳонкул ўғли ҳамда Ҳотам Умр каби домлаларнинг ўзгача ўринлари бор. Улар Самарқандимизнинг ижодкор ёшларини маънавий қўллаб-қуватлашга, халқ оғзаки ижоди ва бадиий адабиётини ўрганишга, тарғиб этишга баҳоли қудрат ҳисса қўшишга интилишди. Бироқ ҳали қилинган ишлардан қилинмаганлари кўп...

Қўлимга алоҳида дид билан чоп этилган китобни оламан. Бу салмоқлигина асар муаллифи таниқли адабиётшунос олим Ҳожи Иноятулла Субҳонкул ўғли Зарафшон ва Сангзор воҳаси фольклори, миллий кадриятлар билимдони сифатида зиёлилар ўртасида ўзига хос обрўга эга эдилар. Илоҳим жойлари жаннатдан бўлсин. Унинг муқаддас қадамжолар, халқ оғзаки ижоди, миллий анъаналар, бадиий адабиётни янгича ўрганиш борасидаги тадқиқотларида ўзгача бир ҳассослик, юқорида таъкидлаганим жадидона миллатпарварлик, куюнчаклик зоҳир.

"Сангзор садолари" китобининг иккинчи наشري тўлдирилиб қайта ишланган (Тошкент, "Янги аср авлоди" нашриёти, 2005 йил. Масъул муҳаррир Нормурод Нарзуллаев). Асарда Махмур Коризий, Убайдулла Аламқаш, Муаззамхон, Иномхон Маҳжур, Нарзий каби мумтоз адабиётнинг қатор вакиллари билан бир қаторда ўттизга яқин замондош ижодкорлар ҳақида био-библиографик маълумотлар тўпланган, адабий портретлар яратилган. Бу ҳолат китобга маълум маънода тазкира мазмунини берган: бугунги ғаллаороллик қалам усталарининг ижоди ва ҳозирги адабий жараён тўғрисида қизиқарли тарихий-маданий лавҳалар тасвирланган. Шунингдек, китобдан жой олган Сангзор воҳасининг топонимикасига, жой ва булоклар номланишига дахлдор боблар, ўзбек

уруғларининг таснифи кенг китобхонлар оммасини бефарқ колдирмаслиги аниқ.

Китобни ўқиганимда эл-юртни севиш, халққа фидойи бўлиш, ватанга садоқат киндик қони тўкилган тупрокни севишдан, улуғлашдан бошланади, деган фикр асарнинг асосий ғояси эканлигини англадим. Домла ниҳоятда кенг қамровли ижодкор эди. Шундан бўлса керак, унинг рисола-ю мақолаларида серкирралик, ижобий маънодаги услублар қоришмаси кўзга ташланади. Зеро, ижод, изланиш йўлидаги фидойилик, оташинлик фикрлар ифодасида акс-садо бериши табиий. Домла фаолиятдан биргина мисол: бир неча йил илгари ўзбек халқ оғзаки ижодининг буюк намояндалари Фозил Йўлдош ўғли ва Ислом шоир таваллудларининг навбатдаги юбилеи нишонланиши лозим эди. Сўнгги ўн йилликлар давомида бу улуғ зотларнинг тўйлари ўтказилмай қолаётганди. Ваҳоланки, муборак Мустақиллигимиз аллақачон гуллаб-яшнаб, қадриятларимизга муносабатни ўзгартиришни талаб этмоқда эди. Домла Ҳожи Иноятулла яна ташаббусни ўз қўлларига оладилар. Барча ташкилий ишларга бош-қош бўладилар: таклифномалар чиқариш, илмий конференция уюштириш, икки туманда зиёратлар ташкил этиш, пойтахтдан келаётган меҳмонларни кутиб олиб, хурматини жойига қўйиш... Бундан ташқари домла "Самарқанд бахшичилик мактаби" номли рисола яратиб, ўттизга яқин замондош ижрочи-бахшилар номини илмий-адабий истеъмолга олиб кирди. Фозил Йўлдош ўғли ва Ислом шоирларга бағишлаб махсус тадқиқотлар яратди. Фақат истиқлол йиллари яратган асарлари ўн бешдан ошганди.

Аллақачон ўз соҳасида маълум мавқега эга бўлган бу инсоннинг ташаббускорлигига, илмий унвону мансаблар ортидан таъна илинжида тамшанаётган

худбинларга нисбатан юз чандон халқпарварлигига ва изланувчанлигига койил қолардинг киши.

Ватанни севмоқ, элу юртни улуғламоқ учун ёш ва амалу мавқенинг аҳамияти йўқ. Кишининг меҳнатини тан олмоқ керак-да...

Домла билан тез-тез учрашардик. Ҳар сафар илм ва ижод, институтдаги адабиёт дарслари ҳақидаги суҳбатларимиз охир-оқибатда халқ оғзаки ижоди намуналари билан якунланарди: дostonларимиз ва эртақларимизни бугунги кун руҳида, тубдан янгича, янги мезонлар асосида ўрганмоғимиз шарт, халқ ривоятлари, мақолларининг ҳали аксарият қисми жамланмаган, янгилари ўрганилмаган, қадимий кўлёмалар одамлар кўлида, сочилиб ётибди, Регистондаги бахшиларга ўрнатилган меъморий комплекс олиб ташланди (йиллар ўтиб жойига ўрнатилди)...

Бугун ҳам Шоҳи-Зинда ёдгорлигига, қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб бораётган усталар олдига, эски суратларни кўлтиқлаб шошаётган домланинг қиёфасини хотирлар эканман, бундай фидойи инсон бўлганлигидан, ҳамон бундайлар борлигидан, элим деб ёниб яшаётганликларидан қувониб кетаман...

**Эшқобил ВАЛИ,**

*шоир*

## ТИНИБ-ТИНЧИМАС ОЛИМ

Мен домла билан она юртим Нуротада танишгандим. Бир гал Тошкентдан юртимга борганимда, қайнотамникига меҳмонга Иноятулла ака ва қизи Адолат келиб қолишди. Қайнотам Норкул Файзуллаев – Оллоҳ раҳматига олган бўлсин – кўли энгил шифокор, суҳбати ширин, билими кенг, дилкаш инсон эди. Шунданми, йигирма йил мобайнида Нуротадаги марказий, кейинроқ юқумли касалликлар шифохонасининг бош шифокори бўлиб ишладилар. 80-йилларда югур-югурлар натижасида қурилган, қарийб йигирма гектар майдонни эгаллаган туман шифохонаси қурилишининг ташкилотчиларидан бири бўлганди. Афсус, 62 ёшда тўсатдан вафот этдилар.

Самарқанд тиббиёт институти олтинчи босқич талабаси Адолат умр йўлдошим Аминанинг яқин дугонаси эди. Биринчи май куни домла билан пурвиқор Нурота тоғлари кенгликларига сайру-саёҳатга чиқдик, узоқдаги севимли Оқ уйча (болалиқда биз лола теришга чиқадиған жойни шундай атаганмиз) атрофига гиламларни ташлаб, қизил ва сарик лолақизгалдоқлардан тердик. Таниш чўпон бобо отарида, даштнинг майин шамоллари эсиб турган бепоён яйлов бағрида чордона қуриб, бафуржа дам олдик. Э-ҳе. шунда домланинг қулфи диллари очилди.

– Сангзор дарёси атрофида ўзим кўрган им жаннатий табиат манзаралари мени лол этарди. Қадим Нуротанинг кенг яйловлари, дала-даштлари, тоза ҳавоси ундан ошиб тушди, — деди Иноятулла ака. — Энди бу юртни қуйлашга бел боғлаб, "Сангзор садолари"нинг давомини ёзишга қиришаман.

Яқинда домланинг шу номли китоби нашриётда чоп этилиб, адабиёт аҳли назарига тушган эди. Бу сўлим воҳа улкан истеъдод эгаси Ҳамид Олимжон,

таниқди давлат арбоблари, ёзувчи Шароф Рашидов, Сарвар Азимов, халқ ёзувчиси Назир Сафаров, Шукур Саъдулла, Насрулла Охундий, Орифжон Икромов, Баҳром Иброҳимов (Йўқсил), кейинроқ Оқилжон Ҳусанов, Тўра Сулаймон, Мели Норматов, Жонибек Субҳон сингари ажойиб ижодкорларини етиштириб берган юрт эди.

Рўпарамда турган қирқ беш ёшлардаги маърифатли, маданиятли, табиатан ҳалим Иноятулла ака билан биз кўҳна тарихимизнинг нодир саҳифалари, ўтмиш ва янги давр адабиёти, бугунги истеъдодли ёшлар ижоди ҳақида суҳбатлашдик. Педагогика соҳасида бой тажриба орттирган, адабиётчилар орасида анча танилган домла ўта камтарин, суҳбати ширин эди. Эртаси куни меҳмонни кузатар эканмиз, Самарқандда учрашишга аҳдлашдик.

Шу тариқа, қадим пойтахтга ҳар гал йўлим тушганида, албатта, Иноятулла акани йўқлаб уйига ё кабинетига борадиган бўлдим. Кўнглига яқин суҳбатдошни кўрганда, яйраб кетадиган меҳмондўст, бағридарё устоз араб ёзувидаги қўлёмаларнинг хазинабони эди. Ҳар гал ўнлаб янги топилган нодир қўлёмаларни кўлимга тутиб:

— Умр етса, ўзим ва шогирдларим билан бирга, уларни ҳозирги кирилл ёзувига ўгириб, китоб ҳолига келтираман. Сиз чоп этиб берасиз, таълим-тарбиябоп бу асарларни ёшларимиз мазза қилиб ўқийди, — дерди.

— Илоҳим, ниятингизга етинг, хайрли ишга қўл урибсиз,- деб хурсанд бўлардим.

— Олим институтда дарс беришдан бўшаб, уйқудан воз кечиш ҳисобига ижод билан машғул бўларди. Назаримда, ўша пайтда домла Самарқанд тиббиёт институтида кафедра мудирини бўлиб ишларди. Кейинроқ Чет тиллар институтини ташкил этишда бош-қош бўлдилар. Аммо раҳбарликни рад этиб, ўрнига жамоат арбоби Юсуф Абдудлаевнинг

номзодини кўрсатдилар. Ҳа, устоз сахий, бағрикенг ва зўр ташкилотчи эди.

Иноятулла ака китобнинг ҳақиқий шинавандаси, дўсти эди. Яқин кишиларига ҳар гал учрашганда, албатта, китоб совға қилар эдилар. Йиллар ўтиб, домланинг туҳфа этган китобларини санасам, уларнинг сони қирқдан ошиб кетибди. Улардан айримларини тилга олиб ўтсам: "Алломалар олами", "Жиззах илҳомлари", "Тафаккур шуълалари", "Ғаллаорол нома", "Маънавият илдизлари", "Ғаллаорол оҳанглари", "Кўзинг ибрат била оч", "Сўфи Оллоҳёр асарларида таълимий қарашлар", "Лутф айлаб", "Самарқанд бахшичилик мактаби", "Халқ бахшиси", "Халқ шоири", "Самарқанд қадамжолари", "Сангзор садолари". Ҳа, устоз юртимизнинг баракали яшаб ўтган, аммо ижоди ҳали ўрганилмаган шоир-бахшилари, маънавият сарчашмалари ижодини, халқимиз тарихининг ўқилмаган саҳифаларини ёзиб, уларни замондошларига қайтариб беришга улгурди. Албатта, бу анча хайрли ишлар эди. Шу ўринда, Иноятулла Сувонкуловнинг таржимаи ҳолига бир назар солсак. Туғилган йили ва жойи: 1934 йил, Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманидаги Кориз (Кўрик) қишлоғи. Падари бузруквори Мулла Субҳонкул қуръонхон зиёли бўлган, у кишининг меҳмонхонасида илм-маърифат аҳли доимо йиғилиб турган. У ерда ўтган қироатхонлик, шеърхонлик ёш Иноятулланинг кўнглида сўзга меҳр-муҳаббат уйғотган...

Самарқанд давлат университети филология факультетини битирганидан сўнг, Ғаллаорол туманидаги ўрта мактабларда, 1964 йилдан Қарши давлат университетида ўқитувчилик қилади. Уша йилларда сеvimли машғулоти илмли, саодатли кишилар суҳбатидан баҳраманд бўлиш, хонадонларда сақланган кўлёмаларни тўшлаб, тадқиқ этиш ишлари билан шуғулланди. Бу ишлар бесамар кетмади, воҳада



яшаган Муаззамхон, Махмур Коризий, Убайдулла Аламкаш, Шароф Нарзий каби ўнлаб ижодкорларнинг қутлуғ номи ва адабий мероси тикланиб, халқимизга қайтарилди. Мазкур манбалар асосида Воҳид Абдуллаев илмий раҳбарлигида 1970 йилда "XIX аср ва XX аср бошларида Жиззах воҳаси шоирларининг поэтик мероси" мавзусида номзодлик, 1997 йилда "Сўфи Оллоҳёр ва унинг адабий анъаналари" мавзусида ўзининг докторлик диссертацияларини муваффақият билан ҳимоя қилди. И.Сувонкуловнинг кейинги тадқиқотини таниқли олим, профессор Нажмиддин Комилов "янгилик, кашфиёт" деб номлади. Шу тариқа, домла раҳбарлигида Сўфи Оллоҳёр ижодини ўрганиш бўйича илмий-ижодий мактаб яратилди.

Ҳазрат Сўфи Оллоҳёрнинг руҳи поклари кўлладами, И.Сувонкуловнинг ижоди мустақиллик йилларида юксалди ва янада самарали бўлди. У охириги йилларда йигирмадан зиёд китоб, юздан ортиқ илмий мақолаларини эълон қилишга эришди. Умумий асарларининг сони эса тўрт юздан ошиб кетди. Адабиёт аҳли домланинг ижоди ва инсоний хислатларига юқори баҳо бердилар. Жумладан, фантаст адиб Ҳ.Шайхов домлани "улкан қалб соҳиби", публицист А. Мелибоев "адабиётимизнинг камсукум қахрамони", деб таъкидлаган эдилар. Хусусан, академик В.Абдуллаевнинг билдирган фикрлари олимнинг нақадар кўламли тадқиқотлар муаллифи эканлигидан далолат беради. "Иноятилла Сувонкулов Ғаллаорол, Зомин, Жиззах воҳаси бўйлаб Убайдулла Аламкаш, Махмур Коризий, Муаззамхонларнинг қаламкашликда, айниқса, ғазалнависликда Навоийга издошликлари яққол кўзга ташланиб турганлигини аниқлади, илмий таҳлил берди", деган сўзлари олимга руҳ-қувват бағишлади (қаранг.: Туғёнли қалб. Тўплам. Т.: Фан, 2000).



И. Сувонкулов илмий изланишлари самараси ўларок, "Жиззахнинг XIX аср Зебуннисоси" номини олган Муаззамхон мажмуаси, Коризийнинг 3000 мисрага яқин шеърлари жамланган мукамал девони, Аламкашнинг 5000 мисрадан ортиқ, жумладан, 257 ғазал, 61 рубой, 18 та китъа, 10 та соқийномаси топилди.


Олимнинг шахсий архивида худди шундай тадқиқотларни кутиб ётган юзлаб нодир кўлёмалар сақланар, умрининг муҳим йилларини домла уларни тартибга келтириш, сайқал бериш, номаълум номларни халқимизга танитишдек савоб ишларга сарфлар эди...

Фидойи, жонкуяр инсон ва заҳматкаш олим Иноятулла Сувонкулов фаол жамоатчи сифатида йигирма йилга яқин Самарқанд вилоят ҳокимлиги хузуридаги атамалар ҳайъати раиси ўринбосари, шаҳар ҳокимлиги атамалар ҳайъати аъзоси бўлиб ишлади. Сўнгги йилларда Самарқанддаги юзлаб кўча ва маҳаллаларнинг тарихий номларини тиклашда, улуғ аجدодларимиз номини абадийлаштиришда олимнинг улкан ҳиссаси бор. Домла атайлаб яшириб келинган алломаларимиз меросини абадийлаштирди. Улар "Самарқанд қадамжолари", "Самарқанд кўчалари" рисолаларида ўз аксини топганди. Иноятулла Сувонкулов (1934–2012) ватанпарварлиги, элпарварлиги, қолаверса, илмий салоҳияти туфайли миллий маънавиятимизни юксалтиришга муносиб ҳисса қўшган маърифатли зот эди. Устозимиздан яхши ном ва яхши амаллар қолди. Хусусан, ул зотнинг хизматини Самарқанд ва Жиззах аҳли ҳеч қачон унутмайди.

**Бахтиёр Омон,**  
Тошкент ахборот технологиялари  
университети доценти,  
сиёсий фанлар номзоди

---

# УЧИНЧИ ФАСЛ



## ОЛИМНИНГ ЎГИТЛАРИДАН

\* Бобурнинг шеърят хазинаси йилдан-йилга бойиб, арузнинг турли вазнларида ўз ифодасини топди. Йиллаб қилинган самарали ижод натижасида аруз илми борасида янги маълумотлар пайдо бўлди. Бобур шеър нависликда аруз илмидан ҳар томонлама фойдаланди ва араб, форс-тожик арузларини ўзбек арузи билан қиёсий ўрганди. Самарали ижод ва тадқиқотлар натижасида арузнинг янги 248 вазнини аниқлади. Бобур жузвлар ҳақида янги фикрга келди. У фосила жузвининг руқунлар ясашда ҳожати йўқлигини исбот қилади. Бобур жузвларни иккига ва уларнинг ҳар бирини уч навга ажратиш керак деган хулосага келади. Бобур арузда номаълум зиҳофларни излаб, уларнинг сонини 44 га етказди. Бунга ўзбек арузига форс-тожик арузига нисбатан камроқ истеъмол қилинадиган руқунлар, зиҳофлар ва фардлар кирмайди. Бобур тақтиъ бобида ўзбек тили фонетик қоидалари асосида "Мезон ул-авзон" да ишлаб чиқилган ўзбек арузининг қонун-қоидаларини тартибга солиб, арузни янада такомиллаштириш фикрига келади. У баъзи баҳрлар орасида ўхшашликлар топиб, янги доира ихтиро қилади.

\* Бобурда қўшиқларнинг тархоний, туркий, уланг, шунингдек, тусоқ ва уларнинг ранг-баранг турлари ҳақида бой фикрлар туғилганди.

Хуллас, Бобур ўзининг илмий-назарий кузатишлари жараёнида туғилган аруз борасидаги янги фикрларини бир ерга жам қилиб, рисола шаклида ифодалашни лозим деб билди. Бу эса "Аруз рисоласи" нинг яратилишига асосий сабаб бўлди.

\* Ислом оламидаги қарашлар ҳамиша икки қутбга бўлинган. Биринчи қутбга кўра, диний ақидалардан инсон тарбияси учун фойдаланиш мақсад қилинган бўлса, иккинчи қутбдагилар шу ақидаларни шахсий манфаатга, муайян диний оқим ва гуруҳларнинг устунлигига, одамлар онгини кераксиз расм-русумларга бўйсундиришга қаратишни кўзда тутишган. Бу масаланинг тўғри ҳал этилиши барча замонларда долзарб ҳисобланади. "Мубаййин" асари эса ислом динининг беш асосий рукни ҳақида пухта маълумотлар берувчи ва уларни шеърӣ йусинда тавсиф этувчи ноёб асардир.

\* Бутун инсоният тарихида ўчмас из қолдирган сиймоларнинг тақдири ҳамма даврларда жуда қизиқарли бўлиб келган. Айниқса, у Заҳириддин Муҳаммад Бобуршоҳ каби шахс бўлса. Мазкур шахс, улуғ зот нафақат бизнинг, балки жаҳон халқлари тарихи ва маънавиятида ҳам ўчмас из қолдирган, унинг номи тарих зарварақларидан муносиб ўрин олган, Бобур Мирзо теурийлар шаън-шукуҳини сақлаган ҳолда Ҳиндистондай бир ўлкада ўз салтанатини барпо этди. Бу салтанат бир неча аср давомида ҳинд ўлкасида ҳукмфармонлик билан бирга, бу мамлакат тарихининг олтин саҳифаларини яратди.

\* Навоӣӣ каби Муаззамхон, Махмур Коризий, Аламкаш ва бошқа Жиззах музофоти шоирлари ижодида ҳам қариллик ва ёшлик фасли ҳақида шеърлар бор. Уларда фалсафӣӣ фикрларнинг бир-бирига яқинлиги сезилади. Бутун ўзбек мумтоз адабиётида бўлгани каби Жиззах музофоти адабий ҳаракатида ҳам улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоӣӣнинг таъсири кучли бўлган.

\* Негадир баъзи ўзбек олимлари ўз мақолаларида Алишер Навоӣӣ асарларидаги фалакиёт ва

коинотга доир фикрларини кўпроқ Юнонистонга боғлайдилар-у, Самарқанд фалакиёт мактабини эсдан чиқарадилар. Бундай қусур ва камчиликларни "Навоий ва космогоник таълимотлар", "Навоий коинот ва инсон хусусида", "Маънавий замин", "Юнон илмининг билимдони" каби мақолаларда учратиш мумкин. Мустақилликнинг буюк неъматини шундаки, бугун Навоий ижодини янгича ўрганишга имкон туғилди. Эндиликда Навоий ижодий меросига ёндашувнинг муҳим қирраларидан бири буюк бобомиз заковатининг илмийлик жиҳатини инобатга олган ҳолда уни ёш авлодга етказиш масаласи туради.



# НАЗМ АҲЛИ УСТОЗ ВАСФИДА

## АСЛ ДҶУСТ

*Дўстим Иноятуллага*

*Асл дўст ёнингда бўлади ҳар гал,  
Ортингдан отилса маломат тоши.  
Баъзилар таскин ҳам бермас лоақал,  
Кимнингдир қайғудан эгилса боши.  
Аслида бу дунё – қайтар дунёдир,  
Маломат заҳми ҳам битур бегумон.  
О қалбим, асл дўст ҳар ишга қодир,  
Сен ундан ажралиб чекмагил армон!  
Асл дўст бор жойда тупроқдир ганим,  
Бахтимга бор бўлинг, асл дўстларим!*

**Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ,**

*Ўзбекистон Халқ шоири*

## ТАҚДИРГА ШУКРОНА

*Иноятулла Сувонқуловга бахшида*

*Тақдирга шукрона айтайлик рўй-рост,  
Ўзбекистон қайта тугилгани рост.  
Эркнинг нурларига йўғрилгани рост,  
Қайтиб келаётир "Борса келмас"лар.  
Темур қайтиб келди Кўксаройига,  
Мангуберди қад ростлади Жайхун бўйида.  
Улғбек кўз тикар кўк чиройига,  
Қайтиб келаётир "Борса келмас"лар  
Қасри Орифонга қайтди Нақшбанд,  
Ясавий ҳам бўлди бугун сарбаланд.  
Сўфи Оллоҳёрни қутлар Самарқанд,  
Қайтиб келаётир "Борса келмас"лар  
Тафаккур нуридан диллар чарогон,*

Кўнгилларга қайтди эътиқод, иймон.  
Инояти Оллоҳ юрт учун эҳсон,  
Қайтиб келаётир "Борса келмас"лар

**Душан Файзий ЗАРАФШОНИЙ,**  
шоир, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
санъат арбоби

### **ЯХШИЛИК РУҲИ**

Сарвари оламдан тиласанг неки,  
Илоҳий қудрат у, беради тамом.  
Умрингдан нолимай яшайсан токи,  
Ниятинг айтмоқдир бир эзгу калом.  
Бу олам барчага бешик, қошона,  
Одамзод ундаги жажжжи болажсон.  
Хоқонлар пойига бош қўяр она,  
Яхшилик руҳига тимсол ушбу жон.  
Олам оёғида тураркан боқий,  
Туркийлар номини тиклаймиз абад.  
Номлари тикланган боболар ҳаққи,  
Иноят инсонсиз, сизга минг раҳмат.

\* \* \*

Ижодга қўл урган бўлмайди абаС  
Номи обод бўлгай, толеи мангУ  
Олам унга кенгдир, ёронлар ҳабиБ  
Яхши ният билан ёзилса тариХ  
Тахти равон узра дўст бўлгай самО  
Ирфон оламида келди зўр замоН

**Маҳмуд ЙЎЛДОШ,**  
психология фанлари номзоди, шоир

*Тавоф қилиб, Оллоҳ берган инъомни,  
Кўзингга суртиб, ҳазрат Инсонни.  
Оқладингиз инояти – Оллоҳёр номни,  
Сўзингиздан олдим, мен ҳам илҳомни.  
Куйламасми, Олқор, Сиздек инсонни,  
Тарих қаърин ёритувчи зиёсиз,  
Юрт йўлида фидоларга фидосиз.  
Сиз – Қадрсиз, дилга меҳригиёсиз,  
Бўлмоғи шарт бўлган тарих – дунёсиз,  
Куйламасми, Олқор, Сиздек инсонни.*

**Олқор ДАМИН**

**АЁ, ЯХШИ !**

*Иноятулла Ҳожи Сувонқуловга*

Аё, Яхши, сени севдимку мен ғўр,  
Сенингдек борму бир дилкашу ғамхўр?!

Сени кўрдим-ку бир яхши тифлдек,  
Куларсан чаманда ҳайрона гулдек.

Кўзимда шашқатор ёшу боқурман,  
Сенинг меҳринг билан кўнглим ёқурман.

Аё, Яхши, сўзинг болига қулман,  
Ки, сени бўстону мен бир дона гулман.

Сенингдек борму бошқа яхши билмам,  
Бошидан даста гулдек, ваҳ, сочилмам!



Ўзинг билгаймусан туфроқми, лойсан!?  
Билсанг, кўнгил мулкидаги чиройсан!

Аё, Яхши, сенингдек бўлмадим мен,  
Бу олам нақшисан, чун яхшисан Сен!

## СЎНМАС ЗИЁЛАР

Майса ҳам ўсмайди, қор, яхда, захда,  
Турфа гуллар яшинар, нурли Жиззахда.  
Бир томонда тоғлар, бирида боғлар,  
Мусаффо ҳавоси кўнгилни чоғлар.  
Соф, зилол сувлари, сойларда оқар,  
Ҳар бир тирик жонга жонидек ёқар.  
Ям-яшил ён-атроф, далалар, қирлар,  
Беқиёс манзара, гўзал тасвирлар.  
Чўққилардан оқар, сув, шаршараси,  
Неки бўлса унда, зўри, сараси.  
Бир ёнда тотли, асил мевалари,  
Мевасидан ширин, сўз, шевалари.  
Кўю кўзиларин тарифлаб ҳар гал,  
Араб оҳусидан дейишар афзал.  
Сомсалари жуда, жуда мазали,  
Нонлари ҳам мойли, гўшт, жиззали.  
Олмаси тенгсиздир, ширада, таъмда,  
Ортигин топмайсиз етти оламда.  
Минг дардга даъво бор асалда, болда.  
Ундайни кўрмайсиз на туш, хаёлда,  
Зоминда, Бахмалда, Ғаллаоролда,  
Бўлганлар жаннатни кўргандек лол-да.  
Унда яшарлар ҳам ўзига хосдир,  
Ҳар бири шундай ҳур ўлкага мосдир.  
Не бўлса барчаси, уйғун, ҳамоҳанг,  
Гўёки ягона куй, қўшиқ, оҳанг.

Бу гўша гоятда, сирли, сеҳирли,  
Инсонларин кўзи, нурли, меҳрли.  
Тоғ ён бағир, катта “Кўрғон”, “Кўйтошда”  
Яшар эди, бир чет қишлоқ, бир бошда.  
Барчага эзгулик, улашиб нуқул,  
Илимли бир инсон, мулла Субҳонқул.  
Ёшларга берарди, тарбия, таълим,  
Оила, эр-хотин, икки муаллим.  
Таниган, билганлар, дер эди, устоз,  
“Ҳар қанча эъзоз, дерди, Сизга оз”.  
“Ишингиз самарин барча кўрмоқда,  
Сиз эккан кўчатлар ҳосил бермоқда.  
Қалбига жо айлаб устоз каломин,  
Танитмоқда ёшлар қишлоқнинг номин”.  
Шогирдлар ичида бор эди ўғли,  
Қалби қайноқ, отаи, оловли, чўғли.  
Таваллуд топганда шод бўлиб гоят,  
Исмини қўйишди, фарзандин Иноят.  
Ота-онаси деб, мураббий, мулла,  
Номини аташди Иноятулла.  
Унга ҳам берилди катта эътибор,  
Унда ҳам кучайди, гурур, ифтихор.  
Унга ҳам айтилди кучли хитоблар,  
Унга ҳам берилди нодир китоблар.  
Унда ҳам қизиқиш кун сайин ортди,  
Илмлар дунёси ўзига тортди.  
Чанқоқлари ошиб кўз, нигоҳларда,  
Таҳсил давом этди олийгоҳларда.  
Қизиқиб энг буюк, зўр даҳоларга,  
Ўқишни тугатди беи баҳоларга.  
Кўп ўтмай отасин йўлини тутди,  
Ўзи ҳам таълимни беришга ўтди.  
Зўр қизиқиш, иштиёқ, истак, матлабда,  
Иш бошлади, таҳсил олган мактабда.

Ошириб қизиқиш, ҳавас ўқишга,  
Киришди ёшларни, у ўқитишга.  
Китобларни сира қўймай қўлидан,  
Дарс ўтди, севган она тилидан.  
Барча мавзуларни сўзлабон ёддан,  
Таълим, адаб берди адабиётдан.  
Олқишлаб фахрла юртин таърифин,  
Қалбларга сингдирди Ватан тарихин.  
Ечилиб ҳар қандай жумбоғу тугун,  
Обрўси, доврўги ошди кундан-кун.  
Нега қодирлигин кўпчилик билди,  
Кўп ўтмай зўр устоз, бўлиб танилди.  
Ўтди кўролмаслар қўйган чоҳлардан,  
Ишга таклиф тушди олийгоҳлардан.  
Устозлари охир уни қўндиришиди,  
Кўнмаганга қўймай зўрга қўндиришиди.  
Жонажон қишлоғи қолибон бир четда,  
Ишлади институт, университетда.  
Ҳар доим бўлди у, фидойи, фаол,  
Самарини берди ундаги бу ҳол.  
Илм жавоҳирин мисқоллаб терди,  
Барини ёшларга қўшқўллаб берди.  
Она Ватан, дея доим ўртанди,  
Унинг тарихини чуқур ўрганди.  
Очди очилмаган, қирраларини,  
Юзага чиқарди марраларини.  
Илмий тадқиқотлар керагин сезди,  
Жиззах, Самарқанд, Кешларни кезди.  
Инобатга олиб илтижоларни,  
Тавфсифини ёзди қадамжоларни.  
Зулматдан чиқарди нур, зиёларни  
Буюк даҳоларни, авлиёларни.  
Улуғлади қадим, ижодкорларни  
Мангуликка мансуб, дахлдорларни

Шуларнинг қаторида Сўфи Оллоҳёр,  
Топди алоҳида, ўрин, эътибор.  
Олқишланиб иши, ҳаёти кўп бор,  
Диссертациялар ёзилди қатор.  
Илмий изланишлар тўлиқ оқланди,  
Докторлик ишлари буткул ёқланди.  
Ишларида омад, доим ёр бўлди,  
Юртида таниқли, зўр профессор бўлди.  
Унингдек феъл, бағри кенги бўлмади,  
Инсон сифатида тенги бўлмади.  
Меҳрини улашиб вужуд, танидан,  
Сабоқ берди у чин инсон фанидан.  
Ибрат бўлди яшаи, юриши, туриши,  
Доим эзгу, ўй-ю, хаёл суриши.  
Доим шукур қилди, ҳеч ўкинмади,  
Кўполлик қилмади, ҳеч сўкинмади.  
Муҳтожларга чўзди мадад қўлини,  
Мурувват ёритди доим йўлини.  
Не қилса чин қалбдан, юракдан қилди,  
Эзгулик йўғрилган тилакдан қилди.  
Кўпларга таъсирин ўткази олди,  
Қалбдаги губорин кеткази олди.  
Барча шогирдлари ибратин олди,  
Издошлари ҳам тез кўпайиб қолди.  
Миллионлар қалбин забт эта олди,  
Мурод, мақсадига у ета олди.  
Нодир асарлари этилиб тортиқ,  
Китоблари чиқди ўттиздан ортиқ.  
Яралган қимматли маълумот, сўздан,  
Мақолалар сони ошди уч юздан.  
Эътироф этилиб унинг хизмати,  
Кўпбора кўрсатган олий ҳиммати.  
Тақдирлашга келганда фурсатлар, галлар,  
Кўксини беади орден, медаллар.


Кучайиб кун сайин мақтов, олқишлар,  
Зўр кетиб турганда бошланган ишлар,  
Тақдир экан бевақт оламдан ўтди,  
Шогирдлар фарёди оламни тутди.  
Ундан қолди ўчмас, ёрқин хотира,  
Ундайлар қалблардан ўчмайди сира.  
Издошлар ишларин давом эттиргай,  
Кейинги авлодга барин еттиргай.  
Бор экан шундайин сўнмас зиёлар,  
Зулматда қолмагай, олам, дунёлар.

**Абдурахим ХАЛИЛОВ,**  
журналист



---

## ТҮРТИНЧИ ФАСЛ



---

## ИНОЯТУЛЛА СУВОНҚУЛОВНИНГ НАШР ЭТИЛГАН АСАРЛАРИ БИБЛИОГРАФИЯСИ

**1956**

Ўрта мактаб дарслик хрестоматияси ҳақида баъзи мулоҳазалар. (Танқид ва тақриз). “Ўқитувчилар газетаси”, 1956 йил, Ҳаммуаллиф Н.Нарзуллаев.

**1957**

Улуғ ёзувчи, “Ленин йўли” газетаси, 1957 йил, 25 сентябрь.

**1958**

Ҳурматга сазовор ўқитувчи. “Ленин йўли” газетаси, 1958 йил, 16 сентябрь.

**1959**

Атоқли ёзувчи. “Меҳнат байроғи” газетаси, 1959 йил, 8 апрель.

**1960**

Кўзгу. “Ленин йўли” газетаси, 1960 йил, 18 апрель.

**1961**

Улуғ татар халқ шоири Абдулла Тўқай. “Ленин йўли” газетаси, 1961 йил, 26 апрель.

Дарс структураси ҳақида бизнинг фикрларимиз. “Совет мактаби” журнали, 1961 йил, 5-сон. Б.40-41. Ҳаммуаллиф Ғ.Мусулмонов.

**1962**

5–7 синфларда адабиётдан бериладиган уй вазибалари. – “Халқ таълими” журнали, 1962, 3-сон, Б.38. Ҳаммуаллиф Ғ.Мусулмонов.

## 1964

Чўл, сенга мафтунман. "Қашқадарё ҳақиқати" газетаси, 1964 йил, 13 октябрь.

Буюк талант эгаси. "Қашқадарё ҳақиқати" газетаси, 1964 йил, 5 октябрь.

Навоий ва Жомий. "Қашқадарё ҳақиқати" газетаси, 1964 йил, 19 декабрь.

Улкан ёзувчи. "Қашқадарё ҳақиқати" газетаси, 1964 йил, 29 сентябрь.

Навоий ва Жомий. "Меҳнат байроғи" газетаси, 1964 йил, 19 декабрь.

## 1965

Улуғ дўстлик. "Қашқадарё ҳақиқати" газетаси, 1965 йил, 26 май.

Зулфия ижодида ижтимоий мотивлар. "Қашқадарё ҳақиқати" газетаси, 1965 йил, 28 май.

Ойбек ижодида Покистон ҳаёти тасвири. "Қашқадарё ҳақиқати" газетаси, 1965 йил, 28 июнь.

Шарафли касб эгаси. "Қашқадарё ҳақиқати" газетаси, 1965 йил, 9 январь. Ҳаммуаллиф У.Санакулов.

Талантли прозаик. (Михаил Шолохов). "Қашқадарё ҳақиқати" газетаси, 1965 йил, 25 октябрь. Ҳаммуаллиф У.Санакулов.

Ўзбек адабиётида Ленин образи. "Ленин байроғи" Сурхондарё вилояти газетаси, 1965 йил, 20 апрель.

Дўстлик куйчиси. "Қашқадарё ҳақиқати" газетаси, 1965 йил, 24 апрель.

Чўл ҳақида кўшиқлар. "Қашқадарё ҳақиқати" газетаси, 1965 йил, 30 апрель.

Жанговар шоир. "Қашқадарё ҳақиқати" газетаси, 1965 йил, 18 май.

Абадий биргамиз. "Қашқадарё ҳақиқати" газетаси, 1965 йил, 15 сентябрь.

## 1966



Навоий таълим-тарбия ҳақида. "Меҳнат байроғи" газетаси, 1966 йил, 8 февраль.

Ленин адабиёт ҳақида. "Меҳнат байроғи" газетаси, 1966 йил, 16 ноябрь.

Алишер Навоийнинг ахлоқий қарашлари. "Меҳнат байроғи" газетаси, 1966 йил, 8 апрель.

Улуғ мутафаккирлар рўза ҳақида. "Ленин йўли" газетаси, 1966 йил, 5 январь.

Шоир Убайдулла Аламқаш. "Меҳнат байроғи" газетаси, 1966 йил, 24 декабрь.

### 1967

Шоир Убайдулла Аламқаш девони ҳақида. ҚарДУ профессор-ўқитувчиларининг илмий конференцияси материаллари. 1967, Б.93–95.

Шоира Муаззамхон. – ҚарДУ профессор-ўқитувчиларининг илмий конференцияси материаллари. Қарши, 1967, Б.87–89.

Шоир Убайдулла Аламқаш ижодига бир назар – СамДУ профессор-ўқитувчиларининг илмий конференцияси материаллари. 1967, Б.100–102.

Шоир Махмур Коризий. – СамДУ профессор-ўқитувчиларининг илмий конференцияси материаллари. 1967, Б.76.

Шоир Аламқаш девони ҳақида. "Меҳнат байроғи" газетаси, 1967 йил.

Шоир Махмур Коризий. "Меҳнат байроғи" газетаси, 1967 йил, 7 февраль.

Шоир Убайдулла Аламқаш ижодига бир назар. – СамДУ профессор-ўқитувчилар илмий-назарий конференцияси материаллари тўплами. Самарқанд, 1967 йил, 22 апрель.

Яхшилик ва ёмонлик ҳақида. "Ленин йўли" газетаси, 1967 йил, 17 февраль.

Прогрессив ўзбек адабиёти. "Қашқадарё ҳақиқати" газетаси, 1967 йил, 27 январь.

Журналист ва ёзувчи Анқобой. "Зарварақ" журнали, 1967 йил, 8 октябрь.

Шоир Махмур Коризий қўлёзма топилмаси. "Ленин йўли" газетаси, 1967 йил, 8 сентябрь.

### 1968

Аламқаш ижоди ҳақида баъзи мулоҳазалар. СамДУ профессор-ўқитувчиларининг илмий конференцияси материаллари. 1968, Б.69–72.

Шоира Муаззамхон ижоди. СамДУ профессор-ўқитувчиларининг илмий конференцияси материаллари. 1968, Б. 85.

Махмур Коризийнинг поэтик ижоди. СамДУ профессор-ўқитувчиларининг илмий конференцияси материаллари. 1968, Б.79–81.

Халқ оғзаки ижодида Навоий образи. "Меҳнат байроғи" газетаси, 1968 йил, 14 ноябрь.

Садриддин Айний йирик ёзувчи. "Меҳнат байроғи" газетаси, 1968 йил, 8 декабрь.

Назир Сафаровнинг "Кўрган-кечирганлар"и ҳақида (тақриз). "Ленин йўли" газетаси, 1968 йил, 20 август.

Ҳамид Олимжон ижодида Ленин образи. "Меҳнат байроғи" газетаси, 1968 йил, 20 август.

Ўзбек поэзиясида Ҳамид Олимжон образи. "Ленин йўли" газетаси, 1968 йил, 10 июль.

Анқобой – ўткир қалам соҳиби. "Меҳнат байроғи" газетаси, 1968 йил, 8 март.

Тарихий ҳақиқатнинг ёрқин ифодаси. "Ленин йўли" газетаси, 1968 йил, 8 декабрь.

Ўткир қалам соҳиби эди. "Ленин йўли" газетаси, 1968 йил, 30 март.

Ҳавойи баҳолар. "Ленин йўли" газетаси, 1968 йил, 18 май.

Диалектологик экспедиция. "Меҳнат байроғи" газетаси, 1968 йил, 13 июль. Ҳаммуаллиф Х.Жўраев.

Шоира Муаззамхон ижоди. Республика ёш олимлар илмий-назарий конференцияси материаллари. 1968 йил.

Навий ва Жиззах шоирлари. "Ленин йўли" газетаси, 1968 йил, 20 июнь.

### 1969

Жиззах шоирлари ижодида Навий анъаналари. СамДПИ профессор-ўқитувчиларининг илмий конференцияси материаллари. 1969, Б.56–57.

Махмур Коризий лирикасининг баъзи бир хусусиятлари. "Меҳнат байроғи" газетаси, 1969 йил, 15 апрель.

Жиззах адабий ҳаракатчилиги тарихидан. "Коммунизм сари" газетаси. 1969 йил, 23 июль.

Истеъдодли журналист Анқабой. "Мухбир" журнали, 1969 йил, 2-сон. Ҳаммуаллиф Н.Нарзуллаев.

### 1970

Жиззахнинг Зебуниссоси. "Гулистон" журнали, 1970, 7-сон, Б.11.

Шоир Аламқаш. "Ленин йўли" газетаси, 1970 йил, 17 январь.

Шоира Муаззамхон. "Ленин йўли" газетаси, 1970 йил, 17 февраль.

Жиззахдан топилган қўлёзма. "Сирдарё ҳақиқати" газетаси, 1970 йил, 20 январь.

Шоир Махмур Коризий. "Ленин йўли" газетаси, 1970 йил, 14 май.

Янги адабий топилма. "Тошкент окшоми", 1970 йил, 26 июнь.

